

466

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши
Зулқаъда 1446ҳ
Май 2025м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Al-Bay'

Ал-Ваъй сўзи

Сурия устидаги кураш Ислом ва
секуляризм ўртасидаги тўқнашувдир... Янги
маъмуриятнинг мабдаий позицияси йўқлиги
шароитида диний секталар «троя оти»га айланди

Сиёсий тушунчалар
ва сиёсат юритиш учун
зарур бўлган асосий
шартлар (1)

34

Саудия ва қирғиндан кейинги
нормаллашув тўлқинлари
Янги Америка битими –
Яқин Шарқни қайта шакл-
лантириш сари

41

Американинг Эрон ва унинг
Ливандаги ҳизбига нисбатан
қилаётган ишлари

8

Умнат ҳаётидаги сўнгги воқеалар
Ҳизб ут-Таҳрирнинг ўзгар-
тиришдаги манҳажини
тасдиқламоқдами?

54

Гуманизм – динларни
бекор қилишга
қаратилган шай-
тоний даъват

20



466

Ўттиз тўққизинчи
йил чиқиши
Зулқаъда 1446ҳ
Май 2025м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ҷишбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Сурия устидаги кураш
Ислом ва илмонийлик ўртасидаги
тўқнашувдир... Янги маъмуриятнинг
мабдаий позицияси йўқлиги шароитида
диний секталар «троя оти»га айланди.....3
- Американинг Эрон ва унинг Ливандаги
ҳизбига нисбатан қилаётган ишлари8
- Гуманизм – динларни бекор қилишга
қаратилган шайтоний даъват 20
- Сиёсий тушунчалар ва сиёсат юритиш
учун зарур бўлган асосий шартлар (1) 34
- Саудия ва қирғиндан кейинги
нормаллашув тўлқинлари
Янги Америка битими – Яқин Шарқни қайта
шакллантириш сари 41
- Уммат ҳаётидаги сўнгги воқеалар Ҳизб
ут-Таҳрирнинг ўзгартиришдаги манҳажини
тасдиқламоқдами? 54
- **Жаннат боғлари:** Зубайр ибн Аввом...
Росуллоҳнинг ҳаворийси ва Ислом
чавандозидир 61
- **Қуръони Карим суҳбатида:** Инсон
нафсининг табиати 72
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 77
- **Сўнгги сўз:** Мусулмон ҳукмдорлар
бошқаруви аҳмоқлар бошқаруви бўлмаса,
унда кимнинг бошқаруви? 83
- Аун Аббос билан учрашди ва
лагерлардаги қуроолар муҳокама қилинди:
Ливан ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатларнинг
бошланиш нуқтаси бўлмади..... 84

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**СУРИЯ УСТИДАГИ КУРАШ ИСЛОМ ВА СЕКУЛЯРИЗМ
ЎРТАСИДАГИ ТЎҚНАШУВДИР
ЯНГИ МАЪМУРИЯТНИНГ МАБДАИЙ ПОЗИЦИЯСИ ЙЎҚЛИГИ
ШАРОИТИДА ДИНИЙ СЕКТАЛАР «ТРОЯ ОТИ»ГА АЙЛАНДИ**

Муҳаммад Абуд

Сурия Ислом юртларидаги мавжуд бошқа давлатлар каби 1924 йил Усманий Халифалик қулатилганидан бошлаб бевосита, сохта мустақилликдан кейин билвосита мустамлакачи давлатлар таъсири ва ҳукмронлиги остида қолди.

Асадлар оиласи режими – ўлиб кетган Ҳофиз Асад ҳам, қочиб кетган ўғли Башар ҳам – Американинг малайи бўлган. Америка уни қўллаб-қувватлашга, муборак Шом қўзғолонидан кейин қулашдан асраб қолишга ҳаракат қилди. Бу эса 1,5 миллион кишининг ўлимига, 14 миллион кишининг қочқинга айланишига, иқтисодиёт ва инфратузилманинг бутунлай барбод бўлишига олиб келди. Сўнгра, Аллоҳ Шом қўзғолончиларини золимни қулатиш шарафига муяссар қилди.

Америка унинг қулашидан хавотирда бўлиб, қулаган тақдирда унинг ўрнини эгаллайдиган альтернативаларни, жумладан сиёсий ва ҳарбий альтернативаларни тайёрлашга ҳаракат қилаётган эди. Аммо воқеалар ривожини ва золим қулашининг тезлашиши тақозо этган энг муносиб альтернатива Жўлоний етакчилигидаги «Ҳайъати Таҳрируш Шом» ҳаракати эди. У Идлибда «Инқоз» (қутқарув) ҳукумати, жамоат хавфсизлик хизмати ва интизомли ҳарбий кучда ўз ифодасини топган бошқарув моделини шакллантирган эди. Жўлоний Ғарбни, айниқса, Американи, рози қилишга уриниб, бошқарувга прагматик тус беришга ҳаракат қилди. Гарчи олдин исломий шиорларни кўтарган бўлса-да, ҳозирги кунда араб давлатларидаги бошқарув режимларидан кўп ҳам фарқ қилмайдиган бошқарув низомини татбиқ этмоқда.

Суриядаги янги маъмурият шаръий иқтисодий қарашга эга эмас. У иқтисодни Исломда очиқ ҳаром қилинган монополия,

солиқ, бож ва бошқа тўловлар асосида юритмоқда. Шунингдек, баъзи насронийлар черковларини таъмирлаш ва дўзлар ибодатхоналарини зиёрат қилиш орқали мўътадил бошқарув образини кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, Шом қўзғолони даврида ташкил топиб, Америка уларни террорчи ва экстремист деб атаган жиҳодий ташкилотларга қарши курашмоқда.

Шунингдек, у ўз йўналишига қарши бўлган жамоаларнинг сиёсий идораларини, ахборот ва даъват марказларини ёпиб, бу жамоалар аъзоларини, шу жумладан, Халифаликни барпо этишга чақирувчи Ҳизб ут-Таҳрир аъзоларини, қўзғолон ҳаракатига етакчилик қилган айрим шахсларни ҳамда Жўлонийнинг репрессив сиёсатига қарши фаолларни ҳибсга олишни давом эттирмоқда.

Аҳмад Шара ҳокимиятга келгач, ундан сиёсий, ҳарбий ва хавфсизлик бўшлиғини тўлдириши, секталар масаласини назорат қилиши ирода қилинаётгани кўзга яққол ташланди. Баъзи Европа давлатлари Сурия «пироги»дан бироз улушга эга бўлиш, у ерда бирон бир ролни эгаллаш илинжида у ерга ташриф буюришда мусобақалашишди.

Аҳмад Шара ички ва халқаро омиллар таъсирида хавфсизлик вазиятини маълум даражада назоратда ушлаб туришга муваффақ бўлди. Бу эса мамлакат ичида бир оз барқарорликни таъминлади. Бироқ, унинг бошқаруви барқарорлигига ҳамда Суриянинг ҳудудий бирлигига таҳдид солаётган ички ва ташқи муаммолар ҳанузгача мавжуд. Энг жиддий муаммолардан бири – Ҳайъати Таҳрируш Шом ташкилотининг аввалги меросидан қолган мужоҳидлар билан бўлаётган қарама-қаршилиқдир. Бу мужоҳидлар ҳозирги бошқарувнинг ташқи томондан исломий шиорларни кўтараётганини, аслида эса демократияга оғаетганини кўриб, ўзларини алдангандек ҳис қилдилар. Чунки улар Ислом ҳукмларини жорий этиш йўлида курашган эдилар. Ташкилот етакчилиги уларга шаръий «баҳоналар»ни келтиришга ҳаракат қилган бўлса-да, уларнинг ишончини қайта тиклай олмади. Шунинг учун айни пайтда уларни бошқаларга алмаштириш ёки янги кўнгиллилардан иборат армия сафига сингдириб юбориш устида иш кетмоқда.

18 ёшдан 22 ёшгача бўлган бу янги кўнгиллилар на жиҳодий меросга ва на исломий тушунчаларга эга.

Суриядаги ички курашда юзага келган муаммолардан яна бири баъзи кичик этник оқимларнинг мавжудлигидир. Бундай оқимлар қаторига курд миллатчилигига асосланган «Сурия Демократик Кучлари», друзлар ва алавийлар, шунингдек, ўзларини мусулмон деб ҳисоблаган ашаддий секулярларни қўшиш мумкин. Буларнинг барчаси ташқи кучларнинг аралашувига эшик очган «троя отлари» ҳисобланади. Чунки улар одамларда диний онгнинг ўсишидан қўрқишади. Чунки бу уларнинг илгари эркин яшаб келган бузуқ муҳитига барҳам беради. Улар, шунингдек, аввалги имтиёзларидан маҳрум бўлиб, мусулмонлар билан тенг ҳуқуқли ҳолатга келиб қолишларидан ҳам хавотирда. Бу эса улар учун ноодатий ва қабул қилиш қийин бўлган ҳолатдир.

Халқаро тизим бу оқимлар (озчилик миллатлар ва диний гуруҳлар)нинг ҳуқуқлари поймол бўлмаслигига кафолат бермоқда. Ҳокимият ҳам уларга эътиборли бўлиб, ҳатто қонунни бузганларини ҳам имкон қадар тез озод қилмоқда. Бироқ, айти пайтда мусулмон сиёсий фаоллар ва бошқача фикрга эга бўлган мужоҳидларни улар бошидан ўтказган бир неча йиллик зулм ва адоватдан сўнг яна ҳибсга олмоқда. Улар ҳатто ҳозиргача озод қилинмаган. Буларнинг барчасига қарамай, айрим халқаро кучлар – хусусан, яҳудий вужуди ва баъзи Европа давлатлари – Сурия ҳудудини ўз таъсирлари остидаги зоналарга бўлиб олишга уринишмоқда. Улар Сурияни федерацияларга, автоном ҳудудларга ёки марказий бўлмаган бошқарув шаклига бўлиб юбориш мақсадида турли диний гуруҳлардан «троя оти» сифатида фойдаланишмоқда. Бу эса давлатни заифлаштириб, уни бўлиниш сари етаклайди. Улар халқаро аралашувни асослаш, иқтисодий босимни кучайтириш ва марказий давлатни ўз талабларига бўйсундириш учун мавжуд бўлмаган муаммолар ва зулмлар ҳақида сунъий муҳит яратишмоқда.

Бундан ташқари, мусулмонлар душмани бўлган яҳудий вужуди ҳам Сурияга очикчасига аралашиб, унинг ҳарбий кучларини ва инфратузилмасини йўқ қилиш, ҳаво ҳудудини хоҳлаганча бузиш орқали бу бўлинишни амалга оширишга

уринмоқда. Бу бўлиниш орқали улар Суриянинг айрим ҳудудларини ўз таъсири остига ўтказиб, кейинчалик уларни «тинчлик музокаралари» ва «муносабатларни нормаллаштириш» учун баҳона сифатида ишлатмоқчи.

Яҳудий вужудининг Сурияга очиқдан-очиқ аралашуви, яъни унинг ҳарбий қудрати ва инфратузилмасини йўқ қилиши ҳамда ҳаво ҳудудини бўзиши, Америка учун ҳам маъқул эмас. Чунки у яҳудий вужудининг ўз таъсир доирасини унинг истагидан ташқарида кенгайтиришини истамайди. Бундан ташқари, унинг ҳаракатлари Суриядаги вазиятни назоратдан чиқара бошлаши мумкин. Бу эса ҳозирги нисбий барқарорликка таҳдид солади. Чунки бу барқарорлик одамлар қалбидаги қўзғолон руҳини сўндиришга имкон беради ҳамда янги маъмуриятда гавдаланган янги альтернатива орқали бўшлиқ тўлдирилишини кафолатлайди.

Туркияга келсак, у Сурияда юз берган воқеаларда муҳим рол ўйнади. Суриядаги янги вазиятни тартибга солиш вазифаси унга топширилди. Туркия Сурияда ҳарбий ва ҳаво базаларини барпо этиш орқали ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилди. Янги режимни ҳимоя қилиш ва Суриядаги вазиятни назорат қилиш ҳам унга юклатилди. Бу эса яҳудий вужудини безовта қилди. Шунинг учун у Т4 ва Ҳама ҳарбий аэропортларига, Тадмур ҳарбий базаси ва бошқа объектларга кучли ҳаво зарбасини берди. Шундан сўнг Трамп Нетаняхуни шошилиш тарзда Вашингтонга чақириб, унга танбеҳ берди ҳамда Эрдоган унинг дўсти ва иттифоқчиси эканини, Нетаняху Эрдоган билан келишмовчиликларни ҳал қилиши кераклигини айтди.

Юқорида айтилганлардан ташқари, бир қанча давлатлар, шу жумладан, Европа давлатлари Сурияда вазият барқарорлаштиришини исташмайди. Шунинг учун улар Бирлашган Араб Амирликлари каби ўз таъсирлари остида бўлган давлатларни ҳаракатга келтиришмоқда. Яҳудий вужуди ҳам янги ҳокимиятни айблаш, уни доимий босим остида ушлаб туриш, афдаришга уриниш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш учун сунъий инқироз ва тўқнашувларни пайдо қилмоқда. Бу орқали улар Сурияни бўлиб юбориш ёки у ерда ўзлари учун янги таъсир зонасини очишга йўл излашмоқда.

Ушбу халқаро кураш ҳамда унинг минтақавий ва ички воситалари қаршисида, Суриядаги муслмонлар қатъий позиция эгаллашлари зарур. Улар бу ҳужумларни тўхтатиш ва барча фитналарни йўқ қилиш учун жиддий ҳаракат қилишлари керак. Бу ҳолат Абу Бакр Сиддиқ  муртадларга қарши урушда ва Румга қарши уруш қилиш учун Усоманинг қўшинини юборишда эгаллаган қатъий позициядек позицияни талаб қилади.

Позициялардаги, хусусан, Ислом лойиҳасини қабул қилишдаги беқарорлик давлат ва Уммат учун катта хавф туғдиради ҳамда муборак Шом қўзғолони давомида берилган қурбонликларни ва эришилган ютуқларни йўққа чиқаради. Шунинг учун исломий лойиҳани очиқ ва қатъий қабул қилган, унинг йўлида собитқадамлик билан юрадиган, шунингдек, барча қийинчиликларга қарамай Аллоҳга сўяниб, Унинг ғалабасига тўлиқ ишонган мустаҳкам позиция зарур. □

АМЕРИКАНИНГ ЭРОН ВА УНИНГ ЛИВАНДАГИ ҲИЗБИГА НИСБАТАН ҚИЛАЁТГАН ИШЛАРИ

Аҳмад Қасос – Ливан

Ливанда нималар рўй бермоқда? У ердаги урушни ким бошлади? Уни ким бошқаряпти? Нима, ростдан ҳам Америка Қўшма Штатлари Эроннинг Ливандаги ҳизбини йўқ қилишга қарор қилдими?

Ҳизбуллоҳ даҳшатли ҳужумга учраб, минглаб пайжер қурилмалари ва мобиль телефонларини унинг аъзолари қўлида портлатилиши, ундан бир неча кун ўтиб бош котибининг ҳамда аксар йирик қўмондонларининг суиқасд қилиниши ортидан қатор саволлар туғилди: бу ҳужумни ким амалга оширди? Яҳудий вужудими? Ёки бу ишлар у вужуднинг салоҳиятидан ҳам каттароқ кучнинг ишими? Агар бу қарор яҳудий вужуди қабул қила оладиган доирадан ташқарида бўлса, у ҳолда буни фақат Америка амалга оширган бўлиши мумкин, уни бевосита ўзи бажарганми ёки яҳудий вужудими, фарқи йўқ. Кейин эса жанубий Ливан, Буқоъ водийси ва Байрут жанубидаги қишлоқларни кенг кўламда вайрон қилиш операциялари Америка томонидан очиқ қўллаб-қувватланди ва бу барча шубҳаларга нуқта қўйди: бу воқеалар ортида Американинг улкан қарори турибди. Бу қарорнинг мақсади махфий эмас: Ҳизбуллоҳга қаттиқ, эҳтимол ҳалокатли зарба бериш – унинг биринчи ва иккинчи даражали ҳарбий ва сиёсий етакчиларини йўқ қилиш ҳамда стратегик қуроллари ва ҳарбий захираларини имкони борича йўқотиш орқали унинг ташкилий тузилмасини емириш. Шунингдек, уни қўллаб-қувватловчи шиалар яшайдиган қишлоқ ва шаҳарларни кенг кўламда вайрон қилиш орқали унга босим ўтказиш ва уни бўғиш. Демак, Эрон ҳизби тузилмасини йўқ қилиш ва уни бўғишга қаратилган бу хавфли қарор Америкага тегишли бўлиб, уни амалга оширишни яҳудий вужудига вакил сифатида, балки ўз манфаати нуқтаи назаридан ҳам топширган. Чунки яҳудий вужуди 1990 йиллардан бери ўз хавфсизлигига таҳдид солиб келаётган ушбу ҳарбий кучни йўқ қилишдан манфаатдор, айниқса ўтган йил октябрдаги «Ақсо тўфони» ҳужуми ортидан бошланган чалғитувчи урушдан сўнг. Бундан ташқари, Эроннинг Араб шарқи минтақасида таъсир доираси

учун яҳудий вужуди билан рақобат қилиши ҳам ушбу қарорни рағбатлантирган омиллардандир.

Американинг кўпчилик мутахассислар ва кузатувчиларни ҳайратга солган ушбу қарори ортида нима турибди? Ахир АҚШ узоқ йиллар давомида бу ҳаракатни Ливанда нафақат ички сиёсатда, балки минтақавий сиёсатда ҳам асосий ўйинчи сифатида қабул қилиб келаётган эди-ку? Энди нима учун айнан шу пайтда унга нисбатан бундай қаттиқ ҳужум бошланди? Бу ҳужум орқали қандай мақсад кўзланмоқда? Ҳақиқатан ҳам уни бутунлай йўқ қилмоқчимиз? Ёки фақат унинг ҳарбий ролини тугатиш керакми? Ёки унинг Ливан сиёсий ҳокимиятидаги таъсирини йўқотиш керакми? Агар шундай бўлса, бу кимнинг фойдасига бўлади? Ва нега?

Ушбу саволларга жавоб бериш орқали ҳозир Ливанда бўлаётган воқеалар ва сиёсий манзаранинг аниқ сурати шаклланади. Энди Эрон ҳизбининг Ливанда қандай шаклланиши ва у ерда қандай рол ўйнаганини қисқача кўриб чиқайлик. Шунда унинг ҳозирги ҳолатига етиб келамиз.

Эрон ҳизби 1980 йиллар бошида, Эронда Хумайний давлати тузилганидан бир неча йил ўтиб ташкил топган. Унинг пайдо бўлиши 1982 йил яҳудий армиясининг Ливанни кенг кўламда босиб олиши билан бир вақтга тўғри келди. Унда босқинчи армия Ливан ҳудудига кириб бориб, пойтахт Байрут, тоғли районлар ва Буқоъ водийсигача етиб борди, сўнгра ортга чекиниб, жанубий Ливан ҳудудида мустаҳкам ўрнашиб олди. Бу ҳудуд босқинчига қарши ҳарбий қаршилик майдонига айланди ва унда турли сиёсий ва партиявий кучлар иштирок этди. Бироқ кейинчалик мазкур ҳизб бу кучларнинг барчасини йўқ қилиб, майдонда ягона қаршилик кучига айланди.

Аввалида ушбу ҳизб Америка назоратидан ташқарида фаолият юритган. Уни ихлосли ва жиҳодий руҳдаги инсонлар бошқарган. Улар амалга оширган илк йирик операциялардан бири – 1983 йили Ливанга яҳудий вужуди армияси босқинидан сўнг жойлаштирилган халқаро кучларга қарши амалга оширилган портлаш бўлди. Бу ҳужумда, аввало Америка денгиз пиёда (морпех) қўшинлари сафидаги юзлаб аскарлар ҳалок бўлган. Бу портлашлар учун жавобгарликни ўша вақтда «Исломий жиҳод» номи остидаги гуруҳ ўз

зиммасига олган. Бироқ тез орада Сурия режими Эрон билан тил бириктириб ҳизбни ўз измига солиб олди. Улар ҳизбнинг биринчи бош котиби шайх Субҳий Тўфайлийни четлатди ва мустақил қарор чиқара оладиган ихлосли раҳбарларни сиқиб чиқарди. Кейин Эрон ўз ҳизбининг ҳарбий қарорини Ҳофиз Асадга топширди. Чунки у пайтда Сурия армияси Ливаннинг катта қисмини назорат қиларди ва унинг сиёсати АҚШ манфаатлари билан мувофиқлашган ҳолда юритиларди. Ўша даврда ҳизбнинг Ливан ички сиёсатида ёки расмий ҳокимиятида ҳеч қандай ўрни йўқ эди. Чунки 1990 йилдан бошлаб Ливан расмий ҳокимияти тўлиқ Сурия ҳукмронлигига ўтган эди. Шу боис ҳизбнинг фаолияти фақатгина қаршилик ишлари билан чекланган эди. Бу қаршилик 2000 йили катта муваффақиятга эришиб, босқинчи кучларни Ливан ҳудуди ташқарисига чекинишга мажбур қилди. Албатта, бу ютуқ Америка сиёсатида зид бўлмаган, аксинча унинг манфаатлари доирасида амалга оширилган. Чунки АҚШ босқинчи кучлар Ливанда қолиб кетишини истамасди. Бунга далил БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1978 йилда қабул қилинган 425-сонли резолюцияси; унга кўра босқинчи кучлар Ливан ерларидан бутунлай чиқиб кетиши керак эди.

Бир неча йил ўтиб, Ливанда муҳим сиёсий воқеалар рўй берди ва бу ҳизбни сиёсий саҳнанинг марказига олиб чиқди. 2005 йили – АҚШ Ироқ ботқоғига ботиб турган бир пайтда – Ливанда Суриянинг таъсирини тугатишга қаратилган «сценарий» пишиб етилади. Бу «сценарий»ни собиқ бош вазир Рафиқ Ҳаририй Франция президенти Жак Ширак, Саудия подшоҳи Абдуллоҳ ва Ливандаги етакчи сиёсий шахслар – жумладан, друз етакчи Валид Жумблат билан биргаликда тайёрлаган эди. Бу сценарийни Сурия режими ва Эрон ҳизби Ҳаририйни ўлдириш билан бузмоқчи бўлишди. Лекин натижа аксинча бўлди: бу қатл Ливан халқи, хусусан суннийларни қаттиқ ғазаблантирди. 14 март куни Байрут марказида ўн минглаб одам қатлга қарши чиқиб, Сурия армиясининг чиқиб кетишини талаб қилдилар. АҚШ бу босимни сезиб, Башар Асадга армиясини олиб чиқишни буюрди. Шу билан Эрон ҳизби Ливан сиёсий саҳнасига кириб келди. Ўша пайтда Америка Ироқ ботқоғига ботган, бошқа йирик давлатлар бирлашиб унга босим қилаётган эди. Шу

вақтда Ливан АҚШ қўлидан чиқиб Европа таъсирига ўтаётгандай бўлди. Шунинг учун АҚШ Эрон билан келишган ҳолда Эрон ҳизбини ҳокимиятга олиб кирди. Лекин бу ҳокимиятни тўлиқ бериш эмас, балки Европага мойил кучларга қарши мувозанат яратиш мақсадида қилинган эди. Натижада «8 март иттифоқи» (Эрон ҳизби етакчилигида) ва унга қарши «14 март иттифоқи» (Рафиқ Ҳаририйнинг ўғли Саъд Ҳаририй етакчилигида) пайдо бўлди. Ливан 2016 йилгача – «14 март иттифоқи» парчаланиб, Ливанда ҳокимият амалда Эрон ҳизби ва унинг иттифоқчилари қўлига ўтгунга қадар – мана шу икки иттифоқ ўртасидаги кураш ва мувозанат гирдобидида қолди. 2015 йил, Эрон АҚШ учун Суриядаги халқ ҳаракатларини бостириш, Асад режимига ёрдам бериш каби катта «хизматлар» кўрсатганидан сўнг ҳамда АҚШ минтақадан чекиниб, Хитойга қарши Шарқий Осиёдаги стратегиясини ривожлантириш ниятида бўлгани учун, демократ Обама маъмурияти Эрон билан ядровий келишув имзолади. Бу келишув икки томон ўртасидаги бир қатор баҳсли масалалардан иборат сиёсий савдони қамраб олди. Ушбу келишув натижасида Обама Ливанда ҳокимиятни Эрон ҳизбига топширишга рози бўлди. Америка Саъд Ҳаририйга – парламентдаги энг йирик фракция раҳбари ва Ливандаги суннийлар етакчиси сифатида – ҳизбнинг иттифоқчиси Мишель Аунни президент этиб сайлашга рози бўлишни буюрди. Бу мансаб икки ярим йил бўш турган эди ва 2016 йилга келиб Мишель Аун президент этиб сайланди. Иш шу билан чекланиб қолмади, Саъд Ҳаририй ҳизб фойдасига яна бир йирик имтиёз бериб, сайлов қонунига ўзгартириш киритишга рози бўлди. Бу эса 2018 йилги сайловда ҳизб ва унинг иттифоқчиларига парламентда мутлақ кўпчилик ўринларни таъминлади, суннийларга тааллуқли «Мустақбал» блоки эса жиддий камайиб кетди. Шунинг учун айрим эронлик расмийлар бу пайтда «Эрон империяси Ўрта Ер денгизи соҳилига етиб келди» деб баёнот беришди. Дарҳақиқат, ҳизб бу сайловлардан сўнг шундай юқори кайфиятга эга бўлдики, ўзини Ливандаги ягона ҳокимият соҳиби деб билди. Чунки у сиёсий саҳнадаги барча кучлардан фарқли ўлароқ, расмий Ливан армиясига тенг ҳарбий қудратга эга эди ва ўзининг манфаатларига таҳдид

солувчи ҳар қандай кучга босим ўтказишда доим шу кучдан фойдаланди. Бироқ бу ҳукмронликнинг узоқ давом этиши ҳизбнинг мавжуд иттифоқларига боғлиқ эди. Ушбу ҳокимият уч устунга таянарди: ўзи, Мишел Ауннинг ҳаракати ва Саъд Ҳаририй. Агар шу уч устундан бири қуласа, ҳизбнинг ҳокимиятдаги устунлиги ҳам йўқолар эди ёки камида заифлашарди. Ва бу айнан 2019 йилда юз берди.

Орадан кўп ўтмай, 2017 йил бошида Доналд Трамп АҚШ президенти этиб сайлангач, Эрон билан Обама маъмурияти даврида тузилган келишувларни бекор қилишга киришди. У аввало ядровий келишувдан бир томонлама чиқди ва Эронга нисбатан иқтисодий санкцияларни янада кучайтирди. Шу билан бирга, 2020 йили Эроннинг минтақадаги ҳарбий етакчиси Қосим Сулаймонийни ўлдириш орқали Эронни таҳқирлади. Ливанга келсак, Трамп олдинданоқ Эрон таъсирини зудлик билан йўқ қилишга интилиб, Саудия валиаҳди Муҳаммад ибн Салмонга Саъд Ҳаририйни Риёзда ушлаб туришни ва уни видеомурожаат орқали истеъфога чиқаришни буюрди. У бу ишга Америка давлат идоралари, «чуқур давлат» (давлат ичидаги давлат) ва ҳатто ўша пайтдаги давлат котиби билан келишмаган ҳолда қадам қўйган эди. Бу иш Франция бошчилигидаги халқаро босимларнинг кучайишига сабаб бўлди ва натижада Ҳаририй озод этилди, истеъфо талабидан қайтди ва яна икки йил – то Трамп маъмуриятининг кейинги босими тўғайли ўз истеъфосини расман эълон қилгунга қадар – бош вазир лавозимида қолди.

2019 йилда Ливанда молиявий инқирознинг илк аломатлари намоён бўлди. Франция одатдагидек Ливанга молиявий ёрдам бериш учун халқаро «Седр» (Cedre) анжуманини чақирди. Натижада Ливан иқтисодини инқироздан сақлаш учун тахминан 12 миллиард доллар йиғилди. Бироқ Қўшма Штатлар ҳокимиятдаги ўғриларнинг ушбу маблағларни талон-торож қилишига олиб келадиган коррупцияга қарши жиддий чоралар кўрилмаётганини баҳона қилиб донор давлатларга босим ўтказди ва бу маблағларнинг берилиши кечиктирилди. Натижада маблағлар тўхтатилди ва АҚШнинг режасига мувофиқ, Ливан молиявий инқирозга юз тутди. Чунки у Ливандаги Эрон

ҳизбининг ҳокимиятини чеклаб қўймоқчи эди. Молиявий инқироз фуқароларнинг оммавий намоишларига сабаб бўлди. Йирик шаҳарларда юз минглаб одамлар кўчаларга чиқди, халқаро йўллар тўсилди, бу ҳолат халқ исёнига ўхшаб кетди. Бундай шароитда Ҳаририй «халқнинг талабларига жавоб бериш» баҳонасида истеъфо берди. Унинг иттифоқчиларидан бўлган, шиалар етакчилари – Набиҳ Берри ва Ҳасан Насруллоҳ ҳамда Мишель Аун бу истеъфодан қаттиқ ғазабланишди ва Ҳаририйни қайтишга кўндиришга уринишди, аммо у рад этди. Натижада ҳизбнинг ҳокимиятдаги асосий таянчларидан бири йўқолди ва ҳокимиятдаги мувозанат пароканда бўлди. Бу билан молиявий инқироз янада авж олди, Ливан фунти ўз қийматининг 95 %ини йўқотди. Сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик жиҳатидан тартибсизлик авж олди. Намойишлар шиддатли тўс олди, қурбонлар ва ярадорлар сони ортиб борди. Америка тарафдорлари бу вазиятдан фойдаланиб, Ливаннинг сиёсий ҳаракатларига мансуб бўлмаган технократ вазирлардан ташкил топган ҳукумат учун нейтрал бош вазир тайинлаш ғоясини илгари сура бошлади. Кейинроқ – 2022 йил октябр бошида – Мишель Ауннинг президентлик муддати тугади, парламент эса унинг ўрнига янги президент сайлай олмади. Бунга сабаб «Мустақбал» ҳаракатининг Эрон ҳизби ва Аун оқими билан иттифоқдан чекиниши туфайли юзага келган янги сиёсий мувозанат эди. Америка муҳолифат депутатларига бетараф президентни сайлаш таклифини беришни буюрди. Армия қўмондони энг асосий ва жиддий номзод бўлиб келган ва ҳануз шундай. Аммо ҳизб ўз номзоди Сулаймон Франжиядан – то сентябр ойида унинг бошига ўша ҳалокатли зарба ёғдирилгунга қадар – воз кечмади. Ливан икки йилдан кўпроқ вақт давомида президентсиз қолмоқда ва уни тахминан икки ярим йил аввал истеъфога чиққан муваққат ҳукумат бошқармоқда. Бу ҳолат Ливан давлатини эски, ишлатилган матодек ҳолатга келтирди, аммо шунга қарамай ҳизб ҳеч қандай ён беришга тайёр эмас, у Эрон-Америка келишуви орқали ўз таъсирини сақлаб қолишга умид қилмоқда. Аммо 2023 йил 7 октябрда Ҳазода «Ақсо тўфони» амалиёти бошланиши билан вазият янада таранглашди ва ҳизб «ёрдам уруши»га киришга

мажбур бўлди. Лекин бу уруш ғазо аҳли учун на ғалаба ва на енгиллик олиб келди, унинг ягона мақсади Эрон ва унинг Ливандаги ҳизбининг «қаршилиқ ўқи»да етакчилик мақомини сақлаб қолиш эди. Эрон ва унинг ҳизби яҳудий вужуди ғазодаги урушга қўшимча равишда қаршилиқ ўқиға уруш очмайди деб ўйлар эди, чунки улар ўртасида жиловлаш ва ўзаро тийилиш мувозанати мавжуд эди. Бироқ яҳудий вужуди ҳизб етакчиларини Ливан, Сурия ва ҳатто Эронда ўлдиришда давом этди, ҳизб эса муносиб жавоб қайтара олмади. Ниҳоят, 17-27 сентябр орасида партиянинг минглаб аъзолари пейжер ва телефон қурилмалари орқали портлатилди, ортидан ҳизбнинг бош котиби Ҳасан Насруллоҳ ўлдирилди. Бу каби йирик қарорни, яъни ҳизбнинг бош миясига зарба беришни Америка демократлар раҳбарлигида амалга оширишини Эрон ва унинг ҳизби тасаввур ҳам қилмаган эди.

Бу зарба – ўз кўлами ва ларза келтирувчи таъсири билан – ва унинг ортидан амалга оширилган шиалар яшайдиган қишлоқларни ер билан яксон қилиш ва ҳизб қўмондонларининг барчасини йўқ қилишга қаратилган қатл амалиётлари шунчалик улканки, ундан бу қарор яҳудий вужуди даражасидаги қарор эмас, ундан анча катта қарор эканини кўрса бўлади. Кейин Америка ушбу қонли урушни очикдан-очик қўллаб-қувватлаши орқали, ўзи бир неча йил аввал Ливанда ҳокимият калитини топширган ушбу ҳизбни йўқ қилишга қарор қилганини исботлади. Америка яна ўзининг аввалги – 2019 йил Ҳаририй ҳукумати ағдарилганидан кейин ва 2022 йил президентлик ваколати бўш қолганида илгари сурган – талабларига қайтди: президентни ҳам, бош вазирни ҳам ўзи белгилайдиган шахслардан сайлаш; Ливандаги ҳеч бир сиёсий оқимга алоқадор бўлмаган, технократлардан иборат ҳукумат тузиш; лекин бу сафар бу талаблар ўт, вайрона, ўлим ва қочқинлик шароитида қўйилмоқда. Шу билан бирга Америка ҳизбнинг ҳарбий кучини йўқ қилиш ва уни яҳудий вужудига таҳдид соломлайдиган даражага туширишга уринмоқда.

Шу ерда энг муҳим савол туғилади: нега Америка – ҳатто Трамп ҳокимиятдан кетиб, демократлар партияси Оқ уйга қайтганидан кейин ҳам – Ливандаги Эрон ҳизбига топширган

ҳокимиятни энди йўқ қилишга уринмоқда? Ҳатто, бунга қўшимча равишда, унинг ҳарбий кучини йўқ қилишни ва етакчи раҳбарларининг барчасини ўлдириш орқали сиёсий тузилмасини парчалашни мақсад қилмоқда? Бу саволнинг жавоби бир нечта сиёсий омилларда муҳассам бўлиб, уларнинг энг муҳимлари қуйидагиларда акс этади:

1 – Эроннинг минтақага таъсири шунчалик кенгайдик, у деярли минтақавий империяга айланиб қолди, унинг таъсири Ироқ, Сурия, Ливан, Ғазо ва Яманни қамраб олди. Бу таъсир натижасида Эрондаги «инқилобчи лочинлар», хусусан Қосим Сулаймоний, ўзини Америка бошқарувидан мустақил деб билиб, ўз сиёсий қарорларини қабул қила бошладилар. Шунинг учун Америка Эрон таъсирини чеклаши ва уни ўзи белгилаб берган «табиий ҳажми»га қайтариши зарур бўлиб қолди. Сулаймонийнинг 2020 йил бошида ўлдирилиши айнан шу сиёсатнинг натижаси бўлди.

Шундай савол туғилиши мумкин: Эронга минтақада бундай катта имтиёзларни берган АҚШнинг ўзи эмасмиди? Жавоб: ҳа, албатта, айнан Америка уни бу даражага етказди. Бироқ бу – Эронга минтақада улкан империя қуриб беришни мақсад қилган стратегик режа эмас эди. Чунки мустамлакачи давлатлар мантиқида, ўзининг таъсир ҳудудларида ўзига рақобат қилиш, қаршилиқ кўрсатиш ёки камида сиёсий манёвр қилиш имконияти бўлган минтақавий империяларни яратиш деган нарсаси йўқ. Лекин минтақадаги такрорий муваффақиятсизликлар ва қийинчиликлар Американи Эронга бир қанча масалаларни топширишга мажбур қилган. У 2003 йилги Ироқ урушида муваффақиятсизликка учради ва бутун дунё унга қарши бирлашди, бу эса Эрон таъсирининг Ироқда кенгайишига хизмат қилди. 2005 йил Ливан устидан ўз вакили Башар Асад орқали назоратни сақлаб қолишда муваффақиятсизликка учради ва Европа тарафдори бўлган кучларга қарши курашда Эрон ёрдамига таянди. 2011-2013 йилларда Суриядаги халқ қўзғолонини йўқ қилишга уринишда муваффақиятсиз бўлди ва аввал Эрон, кейин эса Россиядан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Ана шу йиллар Техрон учун минтақадаги таъсир доирасини кенгайтириш ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш учун улкан имкониятга айланди. Шу билан бирга Америка нуқтаи назарида Эрондан

кенг кўламда фойдаланиш ўша шароит тақозо қилган мажбурий ва вақтинчалик босқич эди. Ўша шароитлар бартараф этилганидан сўнг, «биринчи давлат» бўлмиш Америка, Эроннинг минтақада кенг ёзиб юборган қанотларини кесиши ва унинг таъсирини чеклаши лозим деб ҳисоблади.

2 – Америка Эрон таъсирини чеклаш орқали фақат эски минтақавий тартибга – яъни Британия ва Франция биринчи жаҳон урушидан сўнг ўрнатган Сайкс-Пико келишуви асосида шаклланган давлат чегараларига – қайтишни кўзлагани йўқ. Унинг асл мақсади бу минтақани янги, ўзига мос тарзда қайта шакллантириш. Бу ғоя илк бор 2003 йили Ироқ босқини пайтида «янги Яқин Шарқ» лойиҳаси орқали бошланган. Неоконсерваторлар Ироқни федератив тузумга ўтказиш ва уни диний, мазҳабий ва миллий асосда парчалашни мақсад қилишган эди. Кейинроқ бу режа бошқа давлатларга ҳам татбиқ этилиши керак эди. Бироқ бу режа ўша пайтда бутун дунё уларга қарши бирлашгани, Ироқ ботқоғига ботгани ва 2005 йил Ливандаги таъсирлари парчалангани сабабли амалга ошмай қолди. Сўнггра 2010 йилнинг охирида араб минтақасида инқилоб бошланди ва у 2011 йил март ойида Сурияга ҳам ёйилди. Бу воқеалар Америка ва унинг иттифоқчилари учун асосий масалага айланди. Аммо Суриянинг маҳаллий, минтақавий ва халқаро кучлар ўртасида бўлиниши ҳамда ундаги кўпчилик суннийлардан миллионлаб одамлар мажбуран кўчирилиши, АҚШни ўзининг қадимги бўлиниш лойиҳасини қайта жонлантиришга ундади. Ҳозирги кунда Америка назарида Ироқ ва Шомни ўз ичига олган Машриқ (Шарқий Араб) минтақаси Сайкс-Пико шартномаси асосида шаклланган тартиб ўрнига янги, Америка услубидаги тартибга қайтиш учун муносиб ҳолатга келган. Бу тартиб ушбу давлатларни миллат, ирқ, мазҳаб ва элат асосида – федерализм ёки маъмурий марказсизлик каби шиорлар остида – қайта бўлиб чиқишни назарда тутди. Хусусан, Америка ва унинг иттифоқчилари минтақадаги араб сунний кўпчиликни бошқа озчиликлар каби озчиликка айлантиргандан кейин.

3 – Америка ўзининг минтақадан қисман чиқиб, бутун диққатини Хитойга қаратмоқчи бўлган қароридан чекинди.

Аввалроқ у Хитойни ўзи ва иттифоқчиларига қарши янги «совуқ уруш»га олиб киришга уриниб кўрди, лекин Россияни бу урушда ўз томонига тортишга муваффақ бўлмади. Шундан кейин Америка Хитой билан муносабатларни юмшатиш ва икки давлат ўртасидаги тарангликни камайтириш йўлига ўтди. Сўнгра Байден маъмурияти Россияни «тарбиялаш»га қарор қилди, шунинг учун уни Украина урушига тортди ҳамда Россия ва Европа ўртасидаги муносабатларни бузишга ҳаракат қилди. Бу алоқаларнинг бўзилиши Европани жиддий газ инқирозига дучор қилди. Чунки Россия Европа учун асосий, балки деярли ягона табиий газ манбаи эди. Америка эса Европанинг Россия газига қарамлигини ўзиш, шу орқали Россияни иқтисодий жиҳатдан яккалаб қўйиш ва заифлаштиришдан манфаатдор эди. Аммо бунга эришиш учун Европа учун Россияга альтернатив газ манбаи топиш лозим эди. Бу манба қаерда? Жавоб – Шарқий Ўрта Ер денгизи. Бу бизни кейинги нўқтага олиб боради.

4 – Бир неча йилдан буён Шарқий Ўрта Ер денгизи минтақаси, яъни Сурия, Ливан ва Фаластин соҳиллари йирик давлатлар, хусусан АҚШ назарида янги аҳамият касб эта бошлади. Бу давлатлар босқинчи вужуд (Исроил)га яқин жойлашгани боис стратегик хавф туғдиради, шунингдек, улар Ғарбий Осиёнинг Ўрта Ер денгизи ва Европага очилувчи эшиги сифатида муҳим савдо йўлида жойлашган. Бу омиллардан ташқари, сўнгги йилларда ушбу давлатлар дунёдаги энг йирик газ захираларига эга давлатлар қаторига киради. Энди бу ҳудудга нисбатан муносабат Саудия Арабистони ёки Қатар каби нефтга бой давлатларга бўлган муносабатга ўхшайди, ҳатто у давлатларни ортда қолдирди, чунки у Европага яқин жойлашган. Бу эса – 2022 йил Россия-Украина уруши бошланиши билан Россия газидан ўзилиб қолган Европанинг энди газга жуда муҳтож бўлиб қолганини ҳисобга олганда – янада катта аҳамият касб этмоқда. Америка сўнгги икки йил ичида яҳудий вужуди билан Ливан ўртасида денгиз чегараларини белгилаш ҳаракатини бошлаб юборди. Бундан мақсад – Ливан ҳудудий сувларига яқин жойда жойлашган «Кариш» газ конидан Европа бозорларига газ оқимини таъминлаш эди. Ливан ҳукумати ушбу хиёнаткор келишувни имзолаган заҳоти, бу оқим бошланди. Бу келишув

– Эрон ҳизбининг маъқуллови ва у билан билвосита олиб борилган музокаралар натижасида тузилган эди. Бироқ «Кариш» газ кони Европа бозори эҳтиёжининг фақат кичик қисминигина қоплашга қодир. Европа эса Шарқий Ўрта Ерда – жумладан Ливан ҳудудида ҳам – янада кўпроқ газ конларини ишга туширишни мақсад қилган. Франциянинг Total компанияси бошқа шериклар билан бирга Ливан жанубий соҳилида газ қазиш ишларини бошлади, бу Эрон ҳизби назоратидаги ҳукумат билан шартнома орқали амалга оширилди. Аммо Америка бунга йўл қўймади: у Totalга босим ўтказиб, бу ишларни тўхтатди ва кейин компания газ топилмаганини баҳона қилди. Чунки Америка ҳизб назоратида бўлган Ливаннинг бу картага эга бўлишини истамайди. Аксинча у Ливанни янада заифлаштириш, ҳокимиятини синдириш ва уни ўз назоратидаги янги тизимга мослашга мажбур қилиш ниятида. Ана шунда у, ўзининг васийси орқали, газ қазиб олиш жараёнини, шартномаларни ва улуш тақсимотини тўлиқ назорат қилади. Бу эса Европага газ етказиб бериш устидан назоратни Россиядан олиб, Американинг қўлига топшириш деганидир ва бундай назорат охириги ўнлаб йиллар давомида фақат Россиянинг қўлида эди.

Мана шу минтақада рўй бераётган воқеаларнинг асл ҳақиқатидир. Ҳазо, Ғарбий соҳил ва Ливанда бир йилдан ортиқ вақтдан бери давом этаётган уруш – бу шайтоний режанинг давомидир. Бу режани амалга ошириш уринишлари XXI аср бошларидан бошланган эди. Ҳозирги кунда АҚШ – ҳам республикачи, ҳам демократ қаноти – бу режани тўлиқ амалга ошириш ва «Янги Яқин Шарқ»ни эълон қилиш вақти етди, деб ҳисоблайди. Ироққа босқин уюштирилганидан бери айтилганидек, бу янги тартиб қон йўли билан чизилади.

Америка ўзининг халқаро, минтақавий ва маҳаллий иттифоқчилари билан ҳамкорликда амалга ошираётган бу жиноий урушлар ва шайтоний режалар, агар уммат онгли равишда қўзғолон кўтариб, уларнинг бўйнимизга ўрнатган қопқонидан халос бўлмаса, қонимизни тўкиш, шаҳарларимизни вайрон қилиш, миллионлаб инсонларимизни қочқинга айлантириш, номусимизга тажовуз

қилиш ва бойликларимизни талон-торож қилишда давом этаверади. Бу қопқон – юртимизда ўнлаб йиллардан бери ҳукм сураётган ва уларни улкан қамоқхоналарга айлантирган золим ва хоин режимлардир. Биз эса ана шу вайроналар ўрнида ўзимиз ва мансуб бўлган исломимизга тегишли бўлган давлатни барпо этишимиз керак. Бу давлат шариатни олий етакчи қилади, шариат бизга топширган ҳокимиятни ифода этади, унга қулоқ солиб, итоат этишга байъат бериладиган имом (халифа)ни тиклайди. Шундагина биз ўз вужудимизга, ўзликимизга, шахсиятимизга, қароримизга ва паноҳ топадиган қалъамизга эга бўламиз. Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилдилар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَّقَى بِهِ»

«Албатта имом-халифа қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». □

ГУМАНИЗМ – ДИНЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ШАЙТОНИЙ ДАЪВАТ

Айман Салоҳ – Фаластин

Америка дунё билан муносабатларида капиталистик мустамлакачилик сиёсати билан кифояланиб қолмади, балки, маданий дастурларни тарқатишни хоҳлади ва умумий йиғиндиси янги динни ифодаловчи шайтоний даъватларга бошчилик қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унга қарашли халқаро ташкилот ва институтлар бу даъватларда унинг фаол воситаларидир. У ўзининг сақофий фикрлари халқлар орасида илдиз отиши учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга алоқадор халқаро келишувларни, шунингдек, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларини восита қилади.

Ал-Ваъй журналининг 438-440 сонларида «БМТ динларни бирлаштирувчи янги глобал динга чақирмоқда» сарлавҳаси остида нашр қилинган олдинги мақолада Америка ва БМТ дунё учун истаётган янги оламий диннинг асосий йўналишларини баён қилган эдим. Бу дин «вахдатул вужуд» ақидасида гавдаланади ва ибодат йўли сифатида динлар бирлиги ғоясига таянади. Шунингдек, беҳаёлик ва жинсий бузуқликни ижтимоий низом ва шахсий аҳволларга оид аҳкомларнинг альтернативи қилишни хоҳлайди. Ушбу мақолада биз гуманизм ғоясини Америка ва БМТ одамлар ўртасини боғловчи ақида робитаси ўрнига яратмоқчи бўлган робита деган эътиборда муҳокама қиламиз. Бу ғоя одамларнинг бир-бирларига бўлган қарашларини белгилашни ҳамда умумий ҳаётда шахслар ўртасидаги муносабатларни, шахслар билан давлат ўртасидаги муносабатни тартибга солишни хоҳлайди. Шунингдек, у турли юртлардаги бошқа халқларга нисбатан қараш ва муносабатни белгилайди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, гарчи баъзи гуманист назариётчилар «инсонийлик» атамасини қўллашса ҳам, «гуманизм» атамаси «инсонийлик» атамасидан фарқ қилади. Инсонийлик Исломда эътиборли қийматдир. Ислом уни рўёбга чиқаришга буюрган. Аммо инсонийлик қиймати яхшилик ва ёмонликни белгилайдиган дин ҳам, унинг устига фикрлар қуриладиган асос ҳам эмас. Гуманизм эса, динга зид бўлган фикрий тизимдир. Қолаверса, улар гуманизмни диннинг

альтернативига айлантиришни хоҳлашади. Шунинг учун бу атамаларни аралаштириб юбормаслик керак.

Гуманизм қадимий ғоя бўлиб, вақт ўтиши билан ундан кўзланган маънолар ривожланиб борди. Шунинг учун гуманизм атамасига аниқ ва тўлиқ таъриф бериш қийин. У шунчаки инсоний жиҳатлар ҳақидаги баҳс эмас, балки дунё учун ўзига хос дунёқараш бўлиб, унга кўра борлиқда инсон марказий ўринда туради. У инсонни ушбу коинотдаги асосий субъект сифатида улуғлашга асосланади. Шунга биноан, ҳар қандай фикр биринчи ўринда инсонга хизмат қилиши, унинг эркинлигини чекловчи ҳар қандай чекловлардан, жумладан диний таълимот ва қонунлардан халос қилиш учун ишлаб чиқиши лозим. Бу эса унга қарши кўплаб кескин эътирозларни келтириб чиқарди.

Араб гуманистлари гуманизм ғоясининг тарихий асосларини яратишга ҳаракат қилишади. Улар бу тенденциянинг қадимий исломий меросда мавжуд бўлганини ва Ғарбдаги уйғониш даврининг маҳсули бўлмаганини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, гуманизм турли шаклда ифодаланган бўлсада, у инсон тафаккурида қадим замонлардан буён мавжуд. Улар бу тенденциянинг баъзи мусулмон халифалар ёзган матнлар, хатлар ва шартномаларда, жумладан имом Али ибн Абу Толибнинг Мисрга тайинлаган омили Молик Аштарга йўллаган мактубида мавжудлигини даъво қилиб, мактубдаги қуйидаги жумлани мисол қилиб келтиришади: «Фуқаролар икки хил бўлади: улар ё сенинг диндош биродаринг ёки яратилишда ўхшашингдир».

Улар Ислом тарихидаги муҳим кишиларнинг позициялари ва нутқларидан келтирган кўплаб мисоллар у кишиларнинг Ислом рўёбга чиқаришга буюрган инсоний қийматга қанчалик аҳамият берганликларини кўрсатади. Бироқ, бу мусулмонларда замонавий гуманизм фикрлари мавжудлигига далолат қилмайди. Исломда инсоний қиймат эътиборли ҳисоблансада, бироқ у инсоний қийматни одамлар ўртасидаги муносабатларни ҳамда жамият низоми ва қонунчилигини белгиловчи асосий ғоя қилишга буюрмаган. Ҳеч бир мусулмон халифа, олим, муфаккир ёки файласуфнинг инсоний қийматни дин ёки фикрлар асоси қилиб олгани тасдиқланмаган. Улар

инсоний қийматни – ҳозирги гуманистик фикрда бўлганидек – инсоний муносабатларнинг асоси қилмаганлар.

Гуманизм тарафдорлари ҳам, уни танқид қилувчилар ҳам кўпинча унинг тарихий илдиэларини ўрганишга ҳаракат қилишади. Бироқ мен бу ғоянинг қаерда ва қачон пайдо бўлганини ўрганишда унчалик катта фойдани кўрмайман. Чунки бугунги кунда биз учун муҳим бўлган нарсa – гуманистик фикрнинг қандай шакллангани эмас, балки унинг бугунги ҳолати ва унинг хатари қанчалигини тушунишдир. Бизни бугунги гуманистлар бутун дунёда, шу жумладан, Ислom оламида тарғиб қилаётган ғоялар қизиқтиради. Эҳтимол, гуманистик фикрнинг қисқача мазмунини инглиз гуманист тадқиқотчи Стивен Лоу ўзининг 2011 йил ёзган «Гуманизм: қисқа муқаддима» номли китобида яхши баён қилгандир. Стивен Лоу бу китобда гуманистлар ўзарo келишган фикрларни «гуманизмнинг қисқа етти тавсифи» деб номлаган (бирок, ушбу нуқталарни муайян тартибда келтирмаган). Бу фикрлар қуйидагилар:

1 – Гуманистлар илм-фан ва ақлни маърифат қуроли деб ишонишади. Уларга кўра, ҳеч қандай эътиқодни муҳокама қилиш тақиқланган ёки ақлий текширувдан мустасно деб ҳисоблаш тўғри эмас.

2 – Гуманистлар ё атеист ёки ҳеч бўлмаганда агностик бўлади. Агностик – Худонинг борлигига ишонмайдиган, уни инкор ҳам қилмайдиган кишидир. Улар Худо ёки худолар мавжудлигига, фаришталар, шайтонлар ва бошқа ғайритабиий мавжудотлар борлигига шубҳа билан қарашади.

3 – Гуманистлар бу ҳаёт инсон учун ягона ҳаёт деб ишонишади. Уларга кўра, ўлимдан сўнг одамларнинг руҳлари таналарига қайтадиган бошқа ҳаёт мавжуд эмас, шунингдек, жаннат ҳам, дўзах ҳам йўқ.

4 – Гуманизм ахлоқий қийматлар мавжудлиги ва уларнинг аҳамиятига кучли ишончни ўз ичига олади. Улар ахлоқни охират ҳаёти асосида эмас, балки одамларнинг ҳақиқий табиатини ва уларнинг бу дунёда равнақ топишига ёрдам берадиган нарсаларни ўрганиш орқали шакллантириш керак деб ҳисоблашади. Шунингдек, улар Худо бўлмаса ахлоқий қийматлар мавжуд бўлмайди, ёки одамлар Худо ёки диний

йўл-йўриқсиз яхши бўла олмайди деган даъволарни инкор этишади.

5 – Гуманистлар шахсий ахлоқий мустақилликни таъкидлашади. Уларга кўра, ахлоқий ҳукмларни чиқаришдан инсоннинг ўзи ёки инсон ақли жавобгар, шунингдек, бу ҳукмлар ташқи ҳокимиятдан – бу ҳокимият сиёсий етакчи бўладими ёки диний ақидами, бундан қатъий назар – олинмаслиги керак.

6 – Гуманистларнинг ишонишича, инсон ҳаёти Худо томонидан берилмаган бўлса ҳам, маънога эга бўлиши мумкин.

7 – Гуманистлар секулярлар бўлиб, очиқ демократик низом бўлишини хоҳлашади. Унда давлат дин масаласида бетараф позицияни эгаллайди ва шахсларнинг диний ёки атеистик фикрларга эргашишини, шунингдек, динга бўйсунуш, рад этиш ёки танқид қилиш эркинлигини ҳимоя қилади. Улар одамларни диний эътиқодга мажбурлашга қарши бўлишганидек, айрим тоталитар тузумлар даврида бўлгани каби, одамларни атеизмга мажбурлашга ҳам қарши чиқишади.

Стивен Лоунинг таъкидлашича, бу ерда одатда гуманизмга алоқадор, аммо ҳамма гуманистлар ҳам уни қабул қилиши шарт бўлмаган ва танқид қилишлари мумкин бўлган бошқа қарашлар ҳам бор. Улар:

- Фақат одамлар муҳим бўлсада, баъзи гуманистлар бошқа турдаги тирик мавжудотларнинг ҳам аҳамиятга эга эканини ўйлашади ва улар учун фаровонлик бўлишини ишташади.

- Утилитар бўлиш, чунки улар ахлоқий жиҳатдан энг муҳими бахтни максимал даражада ошириш ва азоб-уқубатларни камайтириш эканига ишонишади.

- «Табиийлик мафкураси»ни қабул қилиш, яъни ҳис қилинган табиий оламни ягона воқелик деб ҳисоблаш.

- Ҳар бир фундаментал саволга, шу жумладан ахлоқий саволларга фан жавоб бериши мумкин деб ишонган ҳолда илмий таълимотни (сциентизмни) қабул қилиш.

Стивен Лоу гуманизмнинг дин билан зиддиятини таъкидлайди ҳамда гуманистларнинг секуляр мақсадларига эришишда диний шахслар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга интилишларини тушунтиради. У «Гуманизм: қисқа муқаддима» китобида шундай дейди: «Ва ниҳоят

гуманизмнинг дин билан кескин зиддиятга эгаллиги ҳақида гапирмоқчиман. Кўплаб гуманистлар динни шунчаки ёлғон деб эмас, балки хавfli деб ҳам ҳисоблашади. Айримлари уни катта ёвузлик деб билади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бундай фикрда эмас. Кўплаб диндорлар гуманизм доирасидаги аксар қарашларни қўллаб-қувватлашади. Улар ҳам секуляр фикрга эга бўлиб, Худо бўлмаса ҳам ахлоқий тизим ва маъноли ҳаёт мавжуд бўлиши мумкинлигини қабул қилишади. Бундан ташқари, баъзан улар кўплаб гуманистлар билан ўз мақсадларида ҳамкорлик ҳам қилишади. Аксар гуманистлар бу мақсадларга эришишда диний шахслар ва диний ташкилотлар билан бирга ишлашдан мамнун. Албатта, бунга тайёр бўлган диний шахслар ҳам бор».

Булар Ғарбдаги гуманистлар орасида кенг тарқалган гуманистик фикрлардир. Айнан шу фикрлар Исломга қарши курашаётган бошқа даъватлар доирасида Ислом оламида ҳам кенг тарқалиши исталмоқда. Бу ғояларнинг тарғиботчилари ва даъватчилари Ислом оламида ҳам мавжуд. Кўпинча улар бу даъватларни очиқчасига «гуманизм йўналиши» номи остида олиб боришади. Баъзилари эса гуманизм йўналишини қабул қилганини очиқ айтмайди, лекин билган ёки билмаган ҳолда гуманизмни тарғиб қилувчи бошқа даъватлар, масалан, динни янгилаш ва диний матнларни замонавий талқин қилиш чақириқлари орқали Исломга қарши ишлашади. Исломга мансуб гуманизм даъватчилари гуманистик тушунча асосида шаклланган ибора ва фикрларни такрорлашади, лекин ўзларини Исломга қарши эмасдек кўрсатишга ҳаракат қилишади. Улар Исломий ақида робитасини бекор қилиб, гуманизм асосидаги янги робита ўрнатишни таклиф қилишади ва ақидани инсонлар орасидаги ягона тўғри робита деб билганларга қарши чиқишади. Уларнинг наздида эътиқод фақат қалбда бўлиши мумкин, лекин жамиятда ҳеч қандай рол ўйнамайди. Уларнинг айтишича, инсоний муносабатларнинг ҳар қандай масаласида илоҳий ҳақ дин эътибордан четда қолиши керак. Уларнинг даъвосига кўра, гуманизм урушларни тўхтатадиган диндир. Ушбу дин орқали халқлар ўртасида тинчлик ҳукм суради, диний урушлар ва можаролар туфайли юзага келган жароҳатлар даволанади ҳамда халқлар моддий тараққиёт сари интилади.

Гуманизм назариясини илгари сурган замонавий гуманистлар: жазоирлик Мухаммад Аркун; у Ғарб фикрий тизимининг бир қисми бўлгани учун ўз фикрларини француз тилида ёзади. Мисрлик Абдурраҳмон Бадавий; у «Исломда атеизм тарихи» китоби муаллифи. Расул Мухаммад Расул ва Мухаммад Ҳабаш; Мухаммад Ҳабаш ўз амакиси (қайнотаси), тўрт ўн йиллик давомида Сурия Баас режими муфтийси лавозимида ишлаган шайх Аҳмад Кафтарунинг шогирдидир. Бундан ташқари, булардан бошқа тарғиботчи гуманистлар ҳам бор. Аммо, Ислом оламида гуманизмга энг кўп ва қатъийлик билан тарғиб қилган шахс Ҳабаш бўлса керак. У гуманистик фикрларни илгари суришда Ислом билан зиддиятли ёндашувни очиқчасига намоён қилади. Унинг фикрларини кўздан кечирар эканмиз, гуманистик фикрнинг қанчалик хавfli ва ҳақдан оғишганини тушуниб етамиз.

Исломга мансуб бўлган гуманистлар Стивен Лоу умумлаштирган еттита гуманистик фикрни ҳамда кўп ҳолларда гуманизм билан боғлиқ бўлган бошқа баъзи гуманистик қарашларни қабул қилишади. Бироқ улар Ғарб гуманистлари рози бўлган атеистик ва агностицизм фикрларига қарама-қарши келишади. Шунинг учун улар иймон, атеизм ва агностицизмни бир хил даражадаги таслимий иймон позициялари деб билишади. Шундай экан, Худога ишонадиган гуманистлар иймонларини қатъий ақлий далилга асослашмайди. Улар далилларни ўрганмасдан виждоний таслимий иймон билан кифояланишади. Уларга кўра, атеист ва агностиклар мавжуд экан, демак, уларнинг ҳам ўз эътиқодий позицияларига далиллари бор ва бу эътиқодий позициялар ҳурмат қилиниши керак. Худога ишонувчи гуманистлар диндан фақат гуманистик фикрларга мос келадиган қисмини қабул қилиб, унга зид бўлган қисмларини рад этишади. Бунини бирон-бир илмий асосга таянган ҳолда эмас, балки фақат гуманистик фикр билан ўлчашади. Мисол учун, Мухаммад Ҳабаш ўзини Худога ва Исломга ишонган деб даъво қилади. У Қуръон ўқийди ва ўз мақсадига мос келадиган оятларга ўзи хоҳлаганидек таянади, баъзи ҳадисларни қабул қилиб, бошқаларини рад этади. Лекин бу танловда ҳадисларнинг исноди ёки луғавий далолатларига асосланмайди. Унинг ягона мезони – уларнинг гуманистик фикрларга мос келишидир.

Унинг учун атеизм муаммо эмас, у барча динларнинг, жумладан, Исломнинг танқид қилинишини сўз эркинлиги доирасида кўради. Унга кўра, инсоний биродарлик ва ватан биродарлиги уни мушриклар ва атеистлар билан бирлаштиради. У «Бир сайёрада қўшнилари» номли китобида «Қўшнилари – мусулмонлар ва коммунистлар» сарлавҳаси остида шундай дейди: «Эй дунё ишчилари, пайғамбарга саловот айтинг... Бу сарлавҳа, яъни Ислом ва коммунизмнинг муштараклиги ҳақида гапириш ҳайратланарли бўлиши мумкин...». Сўнгра у Суриядаги коммунистик партия раҳбарияти томонидан ташкил этилган байрам тадбирида иштирок этгани ва унда сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтгани ҳақида сўз юритади: «Мен бу ерга қизил Исломни тарғиб қилиш учун келганим йўқ ва мен коммунист дўстлар қайта туғилиб, ҳаж карвонларига қўшила бошлади, деб даъво қилмайман. Лекин мен айтаманки, бизнинг муштарак жиҳатларимиз бу уммат душманлари ўйлаганидан кўра кўпроқ. Иккиланмай айтаманки, намоз, рўза, ҳаж ва закот жаннатга кириш учун шартдир, аммо ватанга кириш учун шарт эмас. Ватан – унинг барча фарзандлари учун. Келинг, ер юзини бирга қурайлик, ҳисоб-китобни эса Аллоҳга ҳавола қилайлик».

Муҳаммад Ҳабаш гуманистик фикрга оид бир қанча китоблар ёзган ва уни «инсоний мазҳаб» деб атаган. У бу фикрларнинг кўпини араб газеталари, спутник телеканаллари ва араб радиоси дастурларида ҳамда ўзининг фейсбук саҳифасида тарғиб қилган. Унинг баъзи китоблари қуйидагилардан иборат:

- «Исломда инсоний мазҳаб».
- «Зўравонликсиз Ислом».
- «Демократ пайғамбар».
- «Инсоният учун пайғамбар».
- «Муштарак жиҳатлар биз ўйлаганимиздан кўпроқ».
- «Урушсиз Ислом».
- «Жисмоний жазолар ва инсон қадр-қиймати».
- «Битта сайёрадаги қўшнилари» ва булардан бошқа кўплаб асарлар. У деярли барча китобларида бир хил гуманистик фикрни тарғиб қилади.

Ушбу китобларнинг номлари ва ундаги сўзларни кузатар эканмиз, уларнинг Стивен Лоу умумлаштирган Ғарб гуманистик

ғояларини ўзида мужассам этганини кўрамиз. Мухаммад Ҳабаш динлар ўртасидаги муштараклик ихтилофлардан кўра кўпроқ эканини таъкидлайди. У нажот топувчи Уммат фикрини, яъни Мухаммад ﷺ пайғамбар бўлганларидан кейин фақат у кишига иймон келтириб, эргашганларгина жаннатга киришини рад этади. Унга кўра, барча яхши одамлар, қайси динга мансуб бўлишларидан қатъий назар, ҳатто атеист бўлишса ҳам жаннат аҳлидандир. У «Исломда инсоний мазҳаб» китобида шундай дейди: «Мен ишонаманки, Аллоҳ Таоло мусулмонга ҳам, ғайримусулмонга ҳам зарра миқдорича ҳам зулм қилмайди. Агар бир яхшилик бўлса, уни бир неча баробар кўпайтиради ва Ўз ҳузуридан унга катта ажр беради». У мусулмонлар орасида кенг тарқалган «ёмон кўриш маданияти»ни кескин танқид қилади. «Унинг фикрича, мусулмон кофирни кофирлиги учун ёмон кўриши ёки ундан нафратланиши тўғри эмас. Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш тушунчаси ҳам тўғри эмас. Унга кўра, инсонпарварлик нуқтаи назаридан яхши кўриш ва ёмон кўришни эътиқодга асослаш мумкин эмас, лекин яхши кўриш ва ёмон кўриш амалий хатти-ҳаракатлар туфайли бўлса тўғри ҳисобланади. У исломий сақофатдаги «ал-вало вал-баро» тушунчасини танқид қилади. Бу тушунчага эътибор берган ёки хутба, мавъиза ва асарларида кофирлар билан алоқани ўзиш ва мўминларни дўст тутиш тушунчаларига тарғиб қилган даъватчиларни қоралайди. У «Исломда инсоний мазҳаб» китобида шундай дейди: «Инсоний оила ва Одам фарзандлари ўртасидаги биродарлик ғояси инсоний биродарликни қўллаб-қувватлаш, урушларни камайтириш ва тинчликни ёйишда ўз аксини топиши керак». У бу фикрни «Барча инсонлар Аллоҳнинг болалари бўлиб, улар Унинг қўл остидаги ягона оила ҳисобланади» каби турли иборалар билан ифодалайди. Шунинг учун, унга кўра, инсоний биродарлик эътиқод биродарлигидан ҳамда «ал-вало вал-баро» тушунчасидан муқаддам қўйилиши керак.

Ҳабаш Ғарб гуманистлари каби инсон қийматини борлиқнинг асоси даражасига кўтаради ва ҳатто пайғамбарлик ҳам инсон учун бўлган, деб таъкидлайди. У «инсон Аллоҳнинг ушбу сайёрадаги бош лойиҳаси» деган сўзни кўп такрорлайди. «Исломда инсоний мазҳаб» китобида шундай дейди: «Тарихда қандайки диний ёки сиёсий йўналиш бўлган бўлса, у инсонни

моҳият ва мақсад сифатида кўрсатган. Шундай экан, инсоний мазҳаб барча инсоний жамиятларда кузатилиши мумкин бўлган фикрий ва ижтимоий йўналишдир. Биз бу йўналишни барча муқаддас матнларда аниқ кўришимиз мумкин. Бу йўналиш инсонни марказ ва мақсад сифатида кўради, унинг бахт-саодатини рўёбга чиқаришни дин ва сиёсий йўналиш тўғрилигининг мезони деб ҳисоблайди. Шундай экан, инсонни марказ ва мақсад сифатида кўриш – бу ўз-ўзидан келиб чиқадиган ҳақиқатдир». «Илгари мен иймонга даъват қилардим... бугун эса инсонга даъват қиламан... Мақсад динлар эмас, балки инсондир», дейди у. «Битта сайёрадаги қўшнилари» китобида: «Биз самодаги Аллоҳга иймон келтирганлар билан ердаги инсонга иймон келтирганлар ўртасида мулоқот калитини қачон топа оламиз», деб ёзади. У «Аллоҳга ва инсонга иймон келтириш» ёки «биз инсонга иймон келтирамиз» каби ибораларни кўп такрорлайди. Гуманистлар назарида инсон борлиқнинг моҳиятидир. У дин ва шариатдан ҳам муҳимроқ. Ҳатто шариат инсон бахти ва фаровонлигига – фарб тушунчасига мувофиқ тарзда – мослаб ўзгартирилиши мумкин.

«Аёл шариат ва ҳаёт ўртасида» номли китобида Исломдаги баъзи ҳукмларнинг аёлларга нисбатан кескин ва аниқ камситувчи хусусиятга эга эканини таъкидлайди. У бунга валийлик, гувоҳлик, маҳрамсиз сафар қилишининг ман этилиши каби аҳкомларни мисол қилиб келтиради. Бу ҳукмлар аёлни золим эркалар ҳукмронлигидаги васийлик остидаги маҳбусга айлантиради, дейди у. Унинг фикрича, шахсий ҳолатларни тартибга солувчи никоҳ ва талоқ масаласида аёл ҳуқуқлари ва тенглик борасида жиддий номутаносиблик бор ва бу ҳолат аёлнинг ҳуқуқлари ва инсоний қадр-қимматини тиклаш учун журъат билан ижтиҳод қилиш зарурлигини таъкидлайди. Ҳижоб масаласида ҳам у анъанавий ёндашувни танқид қилади. Эътиборга молик жиҳати шуки, у ҳижоб ҳақида гапирганида жилбоб ва ниқоб ўртасини ажратмайди. «Фақиҳлар истисносиз ҳижобни улуғ бир исломий одоб деб иттифоқ қилганлар», дейди у. «Ҳижоб ҳақидаги буйруқ, вожибни ифодалайдими ёки мутастаҳабними?» деган саволни ташлаб, бунга қуйидагича жавоб беради: «Ҳижоб масаласини аёлнинг ўзига қолдиришимиз керак. Чунки бу унинг қарори,

эркинлиги ва масъулиятидир. Биз унга шаръий ҳақиқатларни тушунтиришимиз, диннинг енгиллик ва раҳмат эканини, қийинчилик ва азоб эмаслигини билдиришимиз керак. Менинг чақириғим – ҳижобли аёлни ҳам, очиқ юрган аёлни ҳам ҳурмат қилиш, одоб ва ор-номусга даъватни ҳурмат билан амалга ошириш ва одамлар учун динда кенглик яратиш».

Гуманизм Ислом белгиллаган жазо чораларини, айниқса, ҳадларни кескин рад этади. Чунки, унга кўра, улар шафқатсиз ва ғайриинсоний бўлиб, эркин ақл танловларига ва инсоний фитратга, шунингдек, диннинг юксак қадриятлари ва инсон ҳуқуқларига зид келади. Ҳабаш «Исломда инсоний мазҳаб» китобида шундай дейди: «Исломда инсоний мазҳабни жорий қилишнинг энг муаммоли томони, эҳтимол, кишини азоблашга асосланган шафқатсиз ҳад ҳукмлари бўлса керак. Унда ўлдириш, дорга осиш, тошбўрон қилиш ва қўлни кесиш каби жазо чоралари бор бўлиб, улар қаттиқ ва оғир жазолардир. Уларни инсонийлик контекстида тушуниш мумкин эмас. Чунки бу жазолар жиноятчини ислоҳ қилишга эмас, балки уни бутунлай ёки қисман йўқ қилишга қаратилган. Одатда бу жазолар «бир кишини йўқ қилиб, жамиятни ислоҳ қилиш» деб оқланади. Бу билан гўёки, гарчи ташқаридан бу жазолар қийноқ ва шафқатсизликка ўхшаса-да, инсонийлик маъноси амалга ошгандай бўлади». Исломдаги жазо чораларидан бўлган ҳадларни бекор қилиш шариатнинг қатъий ҳукмларига зид келади. Шунинг учун Ҳабаш ўз даъватини Ислом тарихидаги Умар ибн Хаттоб ва Умар ибн Абдулазиз каби баъзи етакчи шахслар фикрига таянтириб асослашга ҳаракат қилади. Ҳабаш шундай дейди: «Кўплаб одамлар дарралаш, тошбўрон қилиш, қўлни кесиш ва осиш каби ҳадларни ислоҳий жазо чораларига ўзгартиришни талаб қилишни ғарбпараст секуляр ҳаракатларнинг иши деб ўйлайди... Дин арбоблари ҳамон бу талабни Аллоҳ нозил қилган аҳкомларга куфр келтириш деб ҳисоблайдилар. Мен «Адолат интиқом эмас» номли янги китобимда Ислом тарихидаги саккизта буюк имомнинг жисмоний жазони тўхтатишни ва ислоҳий жазоларга ўтишни талаб қилган ўн бешта аниқ позициясини баён қилдим».

Гуманистлар секуляр демократияни қабул қилишади. Ҳабаш ўзининг демократияга чақирувчи секуляр эканлиги билан фахрланади ва ҳатто Пайғамбар ﷺ ни ҳам демократ деб

ҳисоблайди. У сўз эркинлигига даъват қилади, гарчи гап Исломни рад этиш ёки танқид қилиш ҳақида кетаётган бўлса ҳам. Уларнинг наздида демократия инсондаги туғма қийматлар ва фазилатлар маҳсули ҳисобланади. Уларга кўра, инсон фитрати Аллоҳни ягона деб билгани сабабли, демократия ҳақ диннинг бир қисмига айланади. Ҳабаш устози Жавдат Саиднинг «Демократия – соф тавҳиднинг бир кўриниши ва тўғри диннинг ифодасидир» деган сўзини келтиради. Гуманистларнинг таъкидлашича, диний эътиқод танқидчилари ўз танқидларини қандай шаклда ифодалашга эътиборли бўлишлари, яъни уларнинг танқиди диний эътиқод соҳибини таҳқирловчи ва масхара қилувчи сўзларни ўз ичига олмаслиги керак.

Гуманистлар индивидуал ахлоқни шаръий далилга муҳтож бўлмаган соф ақлий масала деб ҳисоблашади. Уларга кўра, илм ёки инсон ақли ушбу ахлоқий тушунчаларни инсонларнинг турли сақофатлари ва тажрибалари асосида тушуниши мумкин. Гуманистлар одамлар ахлоқий тажрибада ҳар хил даражада эканини тан олишади. Чунки баъзилар бошқаларга нисбатан кенгроқ ахлоқий тушунчаларга эга бўлиб, тўғри ва нотўғрини баҳолашда ишончлироқ бўлишлари мумкин. Баъзи шахслар муҳим ахлоқий ҳикматга эга бўлиши ёки бу ҳикмат айрим матнларда ифодаланган бўлиши мумкин. Ҳабаш «Ахлоқ илоҳиёти ҳақида... янги қараш» номли мақоласида ахлоқ ҳақида сўз юритар экан, у турли замон ва юртлардаги файласуфлар тажрибаларини кўриб чиқади. Лекин бу фикрларни ҳеч қандай шаръий далиллар билан далилламайди. У, шунингдек, Исломни ва Қуръонни ахлоқ соҳасида танқид қилишга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди. Чунки Ислом ахлоқни илоҳий буйруқ ва қайтариқлар деб кўрсатади. Уларнинг бажарилиши охирадаги савоб ва жазога боғланган. Ҳабаш эса савоб ва жазога интилиш ахлоқни пасайтиради, уни моддий савдо ва алмашинувга айлантиради деб билади. Чунки у савобни фақат жисмоний-инстинктив истаклар – жинсий алоқа, шахвоний завқ, спиртли ичимликлар ичиш ва мастлик деб тушунади, жазони эса ақлга тўғри келмайдиган шафқатсизлик сифатида кўради. «Ахлоқ илоҳиёти ҳақида... янги қараш» номли мақоласида шундай дейди: «Биз ҳақиқатан ҳам маърифат асри файласуфлари ўргатган ахлоқ фалсафасига яна бир бор назар ташлашимиз лозим. Сўнг, ахлоқни бутунлай

моддий ва шартли муомала шаклига айлантириб, савоб ёки жазо эвазига бажариладиган қилиб қўйишимиз натижасида ўзимизни туширган паст ҳолатимизга эътибор беришимиз лозим. Чунки савоб энди фақат жисмоний-инстинктив истаклар – жинсий алоқа, шаҳвоний завқ, спиртли ичимликлар ичиш ва мастлик шаклини олган. Жазо эса ниҳоятда шафқатсиз бир оламга айланган: у ерда одамларнинг терилари шилиб олинади ва азоб фаришталари уларнинг терисини қайта-қайта алмаштираверади, токи улар абадий азобни тотиб кўришсин.

Гуманизм жиҳодни рад этади, чунки у зўравонликсиз дин саналади. Жиҳод эса, айниқса, талаб жиҳоди зўравонликнинг бир туридир. Бундан ташқари, ундан кейин жия каби ғайриинсоний атамалар келади. Бу эса Исломнинг асосий қийматлари бўлган адолат, раҳмат ва эҳсонга зид келади. Уларнинг даъвосига кўра, бугунги дунёда талаб жиҳодига эҳтиёж йўқ. Чунки ер юзининг ҳар бир бурчагида диний эркинлик мавжуд. Мусулмон одам Ислом даъватини ҳикмат ва чиройли мавъиза билан, замонавий технологик воситалар ёрдамида етказиши мумкин. Шунинг учун, уларнинг даъвосича, воқелик талаб жиҳодига мос эмас. Ҳабаш «Зўравонликсиз Ислом» китоби муқаддимасида шундай дейди: «Зўравонсизлик сўзи сеҳрли сўз бўлиб, ер юзининг ҳар бир бурчагида унинг тарафдорлари, хабарчилари ва авлиёлари бор. Аммо бу ғоя шарқда таъқиб остида. Чунки унга ҳадлар ва жиҳодга зид ғоя сифатида ёндашилади. Ислом «тишга тиш, кўзга кўз ва қатл қотилликнинг олдини олади» деган тамойилга амал қилади. «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор эй ақл эгалари, шояд тақво қилсангиз», «Барча мушриклар сизларга қарши жанг қилгани каби, сизлар ҳам уларга қарши барчангиз жанг қилинглар», «Кофирлар билан тўқнашганингизда уларнинг бўйинларига уринглар-ўлдилинглар, ё улар билан уришасизлар ёки улар Исломга кирадилар», каби оятлар келтирилади». Сўнг, Ҳабаш «талаб жиҳоди» зўравонлик бўлиб, уни ҳеч нарса оқламайди деб хулоса қилади. Ҳурматли ўқувчи, Ҳабашнинг юқоридаги иқтибосидан кўришингиз мумкинки, у шаръий аҳкомлар, Қуръон оятлари ва Пайғамбар ﷺнинг ҳадислари устидан кулмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, гуманизм дини дарвинизмга зид келади. Чунки дарвинизмда «тирик қолиш учун кураш»

тушунчаси асосий ўрин тутати, яъни фақат энг муносиб ва энг кучли бўлганлар омон қолади. Дарвинизм одамларни бошқа тирик мавжудотлар каби кўради. Унга кўра, энг кучли гуруҳлар устунликка эришиши учун, этник келиб чиқиши турлича бўлган инсоний гуруҳлар ўртасида кураш юз бериши керак. Демак, кураш ва зўравонлик дарвинизмнинг муҳим қисмидир ва бу гуманизм динига зид келади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида баён қилинганлар гуманизм ғоясининг умумий чизгиларидир. Уларни кўриб чиқар эканмиз, гуманизм аслида динларга, хусусан, Исломга альтернатива дин бўлиб чиққани аён бўлади. Унинг ўзи ҳам динларни четга чиқаришни инкор этмайди. Бу эса, унинг куфр фикри эканини англатади. Чунки у ҳақ дин билан бузилган ва бекор қилинган динларни, иймон билан куфрни тенглаштиради. Ҳаётдаги ҳеч бир масалада ваҳийни манба сифатида тан олмайди. Субути ва далолати қатъий далиллар билан исботини топган Исломнинг қатъий ҳукмларини инкор этади. Бу ғоянинг хатарли томони шундаки, гуманизмга оид айрим фикрлар халқ орасида кенг тарғиб этилади ва кўпинча оддий мусулмонлар бу фикрларнинг гуманизм дунёқараши тизимининг бир қисми эканини англаб етмайдилар. Унга қарши курашиш эса унинг жузъий фикрларини ва асосий фикри бўлган «Ислом инсонийликка асосланади» деган фикрни инкор этиш орқали амалга оширилади.

Охирида таъкидлаш керак бўлган муҳим жиҳатлардан бири шуки, гуманизм ҳеч қачон ижтимоий ҳаётга амалий тарзда қўлланиладиган тизимга айлана олмайди. У фақат ҳар хил йўлдан адашган кишиларнинг якка тартибдаги шахсий ҳолатлари билан чекланган. Ҳатто ушбу шахсий ҳолатларнинг ўзида ҳам баъзида гуманизмга зид фикрлар учрайди. Гуманистлар ўзларини муҳаббат тарғиботчилари сифатида кўрсатиб, ҳеч кимга нисбатан кек сақламасликларини таъкидлашади. Бироқ, уларнинг оғзидан беҳосдан чиқиб кетган сўзлар қалбларидаги яширин ҳис-туйғуларни фош этади. Чунки муқобил ғояларга нисбатан адоватсиз муҳаббатнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолат, уларнинг гуманизм фикрини рад этадиган ва Аллоҳ нозил қилган шариатни маҳкам тутадиган мусулмонлар ҳақида гапирган услубларидан яққол намоён бўлади. Бу эса гуманизм шайтоний, мутлақо сохта бир

хаёл эканини кўрсатади. У жамият миқёсида амалда қўлланилиши мумкин бўлмаган тушунчадир. Аксинча, у гўзал сўзлар билан безатилган, кўфрга олиб борадиган йўл бўлиб, унга фақат Аллоҳни қўйиб шайтонни дўст тутган ва ўзларини ҳидоят топган деб ўйлаганларгина алданишади.

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِيٍّ عَدُوًّا شَيْطَانِ الْإِنْسِ وَالْجِنِّ يُوحِي بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ زُخْرُفَ الْقَوْلِ غُرُورًا وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ مَا فَعَلُوهُ فَذَرْهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ﴾

«Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу жин(дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қилишади. Агар Парвардигорингиз хоҳласа, ундай қилмаган бўлишар эди. Бас, уларни тухмат, бўҳтонлари билан бирга тарк қилинг!»

[Анъом 112] □

СИЁСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА СИЁСАТ ЮРИТИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН АСОСИЙ ШАРТЛАР (1)

Луқмон Ҳарзуллоҳ

Сиёсат – ишларни бошқариш демакдир. Шу боис, ҳар бир инсон аслида сиёсатчидир. Чунки у ўзининг ёки қарамоғидагиларнинг ишларини бошқаради. Бироқ, «сиёсатчи» сўзи тилга олинганда, ақл бу воқеликка бурилмайди. Чунки фақат ўз ишларини бошқарадиган шахснинг таъсири ўз ишидан ташқарига чиқмайди, тафаккури эса эҳтиёжидан нарига ўтмайди. Аксинча, «сиёсатчи» сўзи тилга олинганда, инсоннинг хаёлида ўз Умматига, давлатига ёки ундан ҳам кенгроқ доирадаги ишларга раҳбарлик қиладиган шахс гавдаланади. Чунки бундай сиёсатчиларнинг таъсири бутун бир уммат ёки давлатга, балки ундан ҳам ортиқроққа ёйилади.

Сиёсат «мумкинотлар фани» деб таърифланган. Бу таъриф бир жиҳатдан тўғри бўлса, бошқа жиҳатдан нотўғридир. Агар «мумкин» сўзидан «имконсиз» ёки «зарурий»нинг акси назарда тутилса, у ҳолда бу таъриф тўғри бўлади, чунки сиёсатчи имконсиз нарсалар билан шуғулланмайди. Лекин агар «мумкин» сўзидан «реал вазиятда амалга ошириш мумкин», яъни «сиёсатчи реалист бўлади» деган маъно назарда тутилса, у ҳолда бу таъриф хато бўлади. Чунки айнан шундай «реалист» сиёсатчилар – агар улар уммат ишларини бошқариш мақомини эгаллаб олишса – ўз умматлари учун жуда хавфлидир. Чунки уларнинг сиёсатлари фақат мавжуд воқеликдан келиб чиқади, улар воқеликдан ташқарига назар ташлашмайди. Агар ушбу воқелик душманлар томонидан юзага келтирилган бўлса, бундай сиёсатчилар ҳеч қачон душман қурган қафасдан чиқа олмайди. Агар бу воқелик Умматнинг ўзи томонидан юзага келтирилган бўлса, улар у билан олға юриш ёки унинг яхшилигини сақлаб қолишга қодир бўлишмайди, аксинча, ортга қайтишади. Аммо умматларини юксалтирган сиёсатчилар реал ҳолатни ортда қолдириб, умматларини уйғотиш учун янги воқеликни тасаввур қилиб, шу воқеликни мақсад қилиб белгиланган ва шу мақсадга олиб боровчи сиёсат юритган шахслардир. Аллоҳ Таоло бизга ўз уммати ишларига ғамхўрлик қиладиган, бузуқ воқелик ботқоғида ботиб қолмайдиган

бундай сиёсатчини, яъни даъватчини шундай тасвирлаб берган:

﴿أَوْ مَنْ كَانَ مَيِّتًا فَأَحْيَيْنَاهُ وَجَعَلْنَا لَهُ نُورًا يَمْشِي بِهِ فِي النَّاسِ كَمَنْ مَثَلُهُ فِي الظُّلُمَاتِ لَيْسَ بِخَارِجٍ مِّنْهَا﴾

«Аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра биз уни (динга ҳидоят қилиш билан) тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (иймонни) бериб қўйганимиз бир киши зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?!» [Анъом 122]

Росулulloҳ ﷺ шундай сиёсатчининг энг гўзал намунаси эдилар. У киши ўзаро душманлик қилиб, қон тўкадиган, лекин Рум ва Форс империялари олдида хору зор бўлган бир қавмга пайғамбар қилиб юборилдилар. Росулulloҳ ﷺ уларни бу хорлик ва хўрликдан чиқиб, дунёга етакчи бўлиш мумкин бўлган ҳолатга даъват қилдилар. Бу ҳақда Қурайшнинг етакчилари Абу Толибга Расулulloҳ ﷺдан шикоят қилиб келишганида, у Пайғамбаримиз ﷺдан бу иш ҳақида сўраганида, у зот шундай деган эдилар:

«يَا عَمَّ، أُرِيدُهُمْ عَلَى كَلِمَةٍ وَاحِدَةٍ تَدِينُ هُمْ الْعَرَبُ وَتُؤَدِّي الْعَجَمُ إِلَيْهِمُ الْجَزْيَةَ»

«Эй амаки, мен улардан фақат битта сўзни қабул қилишларини истайман. Шунда барча араблар уларга бўйсунди ва ажамлар уларга жизя тўлайди». (Муснади Аҳмад, 2008).

Уммат, давлат ёки ундан ҳам кенгроқ доирадаги ишларга ғамхўрлик қилишга интиладиган сиёсатчи назарий тушунчалардан амалий таъсирга ўтиши учун сиёсат юритиш қобилиятига эга бўлиши шарт. Сиёсат юритиш учун эса воқеалар ва халқаро муносабатларга нисбатан тўғри сиёсий фаҳмга эга бўлиши, дунёга муайян нуқтаи назардан қараши керак. Ана шу қараш асосида сиёсий қарорлар қабул қилиши ва сиёсат юритиши талаб этилади.

Сиёсий фаҳм уйғонишга интилаётганлар учун ҳаводек зарур. Чунки Ислom Умматини уйғотишга интилаётган киши ўзини келажакда қандай бўлишини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиши лозим. Чунки у Уммати учун бир мабдага эга бўлган давлат барпо этишни хоҳлайди, ана ўша давлат йирик давлатга айланишга, кейин дунё ҳукмронлигига эришиб, оламдаги

етакчи давлат бўлишга интилади. Шунда бу Уммат Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ га жамлаб кўрсатган ернинг барчасига эгалик қилади. Бу иш рўй бериши учун мусулмон киши унинг сабабларини жиддий излаб ҳаракат қилиши керак. Ушбу сабаблар эса давлатни барпо этишга олиб борадиган шаръий тариқат билан машғул бўлиши, шунингдек, ўзини ва жамоасини барпо этадиган давлатини дунёдаги йирик кучлар билан беллашишга, уларни тарих саҳифасидан ўчириб юборишга қодир ҳолатга тайёрлаши билан боғлиқдир. Бу эса, агар уйғониш устида иш олиб бораётган инсоннинг сиёсий фаҳми соғлом асослар устига қурилган бўлсагина амалга ошади. Ана шунда у фаҳм самарасида ҳақиқий натижаларга эришади. Акс ҳолда, унинг фаҳми ёлғон ҳаёлларга айланиб, уни нафақат дунё етакчилигига, балки ўз уйдан ташқарига ҳам чиқолмайдиган ҳолатга туширади.

Инсоннинг уйғониш ҳаракатидан дунё етакчилиги ва Ислom асосида ҳукмронлик мартабасига ўтиши унга боғлиқ сиёсатларни чиройли белгилай олишини талаб қилади. Бу эса фақат сиёсий фаҳмни яхши ўзлаштириш, мақсадларни тўғри танлай олиш, ўша мақсадларга олиб боровчи ишни яхши белгилаш ва амални ўша мақсадларга, сабабни мусаббабга боғлагандек, мустаҳкам боғлаш орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам ўзини қобилиятли деб билган ҳар бир киши учун унга имкониятларни очиб берадиган муҳим асосларни белгилаб олиш зарур. Лекин сиёсий фаҳм учун зарур асосларни тушунишнинг ўзигина етарли эмас, балки бу соҳада малака ҳосил қилиш учун ушбу бинонинг асосий устуни бўлган кузатиш ва доимий машқ ҳам зарур. Чунки илм бир лаҳзада келмайди, у машқ, сабр, ирода ва қатъиятни талаб қилади. Эҳтиёж сабабли бўлган ўрганиш илмни зеҳнда мустаҳкам ва кўнгилда собит қилади, ўрганувчини амал қилувчи талабага айлантиради. Ҳеч қандай мақсад ёки эҳтиёжсиз ўрганиш эса, ўз мевасини бермайди, бундай одам эккан экиндан фойдаланмай, уни қуритиб юборади.

Ушбу мақолалар сиёсий фаҳм ва таҳлил воқелигига, сиёсий онг ва сиёсат юритиш воқелигига ҳамда бу соҳалар учун зарур бўлган сиёсий маълумотларга ойдинлик киритади. Лекин ўқувчи шуни англаб етиши керакки, у бу мақолаларни ўқиш билан сиёсатчига айланмайди. Балки, агар улардан ўзига

фойдали нарсаларни олиб, кузатиш, тушуниш, англаш ва таъсир қилиш билан шуғуллансагина сиёсатчи бўлади.

Ушбу меҳнатни Ислом Уммати – одамлар учун чиқарилган энг яхши Уммат – учун тақдим этаман. Хусусан, бунини уйғониш йўлида жиддий ҳаракат қилаётган даъватчиларга, уларнинг ичидан сиёсий фаҳм йўлини излаётган ёш йигитларга бағишлайман. Уларнинг бу мақолаларни фақатгина «сиёсий таҳлилчи» бўлиш учун ўқимасликларини хоҳлайман, чунки бу одамни ҳаётда таъсирсиз қилиб қўяди. Ундан бирор нарса сўраган киши ҳам фақат қизиқиш учун сўрайди. Мен бу мақолаларни ўқийдиган ҳар бир кишидан уларни Умматда фикрлаш даражасини юксалтириш воситаси, шунингдек, уларни сиёсий воқеликни тўғри тушуниб, унга Ислом ақидаси нуқтаи назаридан қараш ва халқ ишларига ғамхўрлик қилиш учун қўлланма қилиб олишларини талаб қиламан. Аллоҳ тўғри йўлга ҳидоят қилгувчидир.

Сиёсий таҳлил

Сиёсий таҳлил сиёсий воқелик билан муомала қилиш учун уни тушуниб етишни истаган, шунингдек сиёсий йўналишларни белгилайдиган ҳар бир киши учун зарурдир. Шу боис, Ислом Умматини уйғотиш йўлида фаолият қилаётган ҳар қандай уюшма учун ҳамда келажакдаги давлат учун сиёсий таҳлил жуда муҳимдир. Сиёсий таҳлилнинг тўғри бўлиши уюшмани ҳам, давлатни ҳам, Умматни ҳам уларни ўраб турган хатарлардан сақлайди, уларга ёмонликни даф қилиш, душман найранглари бербод қилиш ёки ўз мақсадларига етишда ёрдам берадиган сиёсий қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Сиёсий таҳлил – янгиланиб турадиган сиёсий воқеалар борасида сиёсий фикр билдириш бўлиб, у сиёсий маълумотлар ва воқеаларни боғлашга асосланади. Сиёсий таҳлил хабар ёки воқеага алоқадор бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай кўринишни тасвирлашда мияга шунчаки эркинлик бериш билан эмас, балки сиёсий воқеликни англаш орқали амалга оширилади. Агар эркинлик берилса, у сиёсий таҳлил доирасидан чиқиб, тасаввур, тахмин ва мантиқий изланишлар доирасига киради, бу эса ишончли натижаларга олиб бормади. Аксинча, агар воқеликни англаш тўғри сиёсий тушунчаларга боғланса, у ишончли натижаларга олиб боради.

Чунки сиёсат сиёсатчиларнинг амалларидир ва у уларнинг давлатларига хос қараш ва йўналишлар ҳамда тарих давомида шаклланган хусусиятларига таянади. Шунга кўра, сиёсатчиларнинг воқелиги, уларнинг давлатларининг йўналиш ва қарашлари, уларнинг табиатлари ва юз бераётган воқеанинг табиатини тушуниш ҳамда буларни тўғри сиёсий тушунчалар асосида тўғри боғлаш – бу тахмин ёки хаёл эмас, тушуниш бўлади. Яъни, бу – бутун манзарани, уни ташкил этган майда қисмларни бир-бирига боғлаш орқали, ҳосил қилиш демакдир. Бунда, агар бу манзарадаги айрим кичик қисмлар йўқ бўлса, уларни яқинидаги қисмларга назар ташлаш орқали англаб, бутун манзара зеҳнда қайта чизилади. Мана шу сиёсий таҳлилдир.

Сиёсий таҳлилни амалга ошириш учун учта асосий омил зарур: сиёсий маълумотлар, сиёсий янгиликларни доимий кузатиш ва сиёсий янгиликларни тўғри танлаш. Ҳизб ут-Таҳрир бу мавзуда 1974 йил 27 мартда чоп этилган «Сиёсат ва халқаро сиёсат» сарлавҳали нашрида батафсил таъриф берган. Унда шундай дейилади: «Сиёсий маълумотлар бу тарихий маълумотлар, айниқса тарихий фактлар ҳамда уларга сиёсий жиҳатдан алоқадор бўлган воқеалар, тасарруфотлар ва шахслар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, шахслар ёки давлатлар ёки фикрлар ўртасидаги сиёсий алоқаларга оид маълумотлардир. Ана шу маълумотлар – хоҳ хабар ёки амал ёки қоида бўлсин, ақида ёки ҳукм бўлсин – сиёсий фикр маъносини очиб берадиган маълумотлардир. Бу маълумотларсиз инсонга қанчалик зеҳн ва истеъдод берилган бўлмасин, сиёсий фикрни тушуна олмайди. Чунки бу ақл ва заковат масаласи эмас, балки тушуниш масаласидир. Амалдаги янгиликлар, айниқса сиёсий хабарларни – улар маълумотлар бўлгани учун; улар бўлаётган воқеаларга оид хабарлар бўлгани учун; улар тушуниш ва таҳлил қилиш объекти бўлгани учун – уларни билиш зарур. Ҳаётдаги воқеалар албатта ўзгариб туради, доимо янгиланади, бир-биридан фарқ қилади ва ҳатто бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли янгиликларни доимий равишда кузатиб бориш зарур. Яъни инсон поезднинг айна пайтда тўхтаётган бекатида бўлиши керак, аввал тўхтаган, лекин энди ўтмайдиган бекатда туриб қолмаслиги лозим. Чунки поезд бир соат олдин тўхтаган бекатини ташлаб, бошқа

бекатга ўтиб кетган бўлади. Шу боис янгиликларни тинимсиз кузатиш лозим, муҳим бўладими ёки йўқми, фарқи йўқ. Яъни, у янгиликларни сомондан игна қидиргандек кузатиши лозим, балки у игнани топмаслиги ҳам мумкин. Лекин қаерда ва қачон муҳим хабар келиши номаълум. Шунинг учун – муҳим бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар – барча янгиликларни кузатиб бориш керак. Чунки улар бир-бири билан боғланган ҳалқалардек, агар битта ҳалқа йўқолса, занжир ўзилади ва масалани англаш қийинлашади. Ҳатто инсон масалани нотўғри тушуниб, бугунги ҳолатни ўтган хабарга ёки энди мавжуд бўлмаган фикрга боғлаб қўйиши мумкин. Шу боис, сиёсатни тушунишга эришиш учун янгиликларни мунтазам кузатиб бориш зарур.

Ахборотни танлаб олиш, яъни эшитган ҳар бир янгиликни қабул қилмай, фақатгина фойдали ва муҳим янгиликни қабул қилиш. Масалан, агар у Франция бош вазири Лондонга борганини эшитса, уни қабул қилади. Лекин агар Германия канцлери Берлинга боргани ёки Вашингтонга учгани, ёки БМТ бош котиби билан учрашгани ҳақида эшитса, бунини фақат эшитади, лекин қабул қилмайди. Чунки инсон – гарчи барча янгиликларни эшитса ҳам – улардан қабул қиладигани ва қабул қилмайдиганини ажратиб олиши зарур. Чунки, у эшитган хабарлар маълумотни ташкил этиши мумкин бўлса ҳам, фақат фойдаси бўладиган хабарларни қабул қилиш лозим, бошқасини эмас. Бу – эшитиш учун эмас, қабул қилиш учун кузатишдир». Иқтибос тугади.

Янгиликлар асосан нуфузли газета ва каналлардан олинади. Чунки бундай газета ва каналлар омма, айниқса сиёсатчилар олдида ишончга эга бўлишга интилади. Шу боис улар янгиликларни тўплашда ва мақолаларини тайёрлашда воқеаларда бевосита иштирок этаётган шахслар билан боғланишга ва маълумотни айнан манбасидан олишга ҳаракат қилишади. Шунга қарамай, янгиликларни тўғридан-тўғри ҳақиқат деб қабул қилиш тўғри эмас. Чунки воқеалар марказида турган сиёсатчилар кўп ҳолларда атайлаб одамларни чалғитишни мақсад қилишади. Бу – ўз йўналишларини қўллаб-қувватлаш ёки мақсадларини яшириш ёки душманга фурсат бермаслик учун бўлади. Шунинг учун янгиликларни кузатувчи киши доимо сўзлар ва амалларни

кузатиб бориши, улар қайси вазиятда айтилгани ёки содир бўлганини, гапирган ёки ҳаракат қилган шахс кимлигини билиши ҳамда бу маълумотларни ўзидаги тушунчалар билан боғлаши лозим. Ана шунда хабарнинг тўғри ёки адаштирувчи эканлиги зеҳнда равшан намоён бўлади.

Яна бир муҳим манба – сиёсатчиларнинг ўз оғзидан чиққан сўзлар. Бу раҳбарлар, ташқи ишлар вазирлари, давлат номидан гапирадиган матбуот котиблари, миллий хавфсизлик соҳасида ишловчи расмийлар каби шахсларни ўз ичига олади. Сиёсий таҳлилчи уларни диққат билан кузатиши, шу билан бирга ўз давлатлари томонидан муҳим сиёсий, ҳарбий ёки жосуслик вазифалари билан юборилган шахсларни ҳам кузатиши лозим. Шу мақсадда уларнинг таржимаи ҳоли ўрганилиши лозим, чунки бу маълумотлар таҳлил учун зарур бўлган тўлиқ тасвирнинг бир қисмидир.

Албатта, сиёсий таҳлил муҳим бўлса-да, у асосий мақсад эмас, балки мақсадга етказувчи воситадир. Шу сабабли, ислоҳий ҳаракат юритувчилар ҳамда давлатдаги масъул шахслар сиёсий таҳлилни ўз фаолиятларида қўллашлари ва унга одатланишлари лозим. Чунки у уларнинг ишларида беқиёс фойда беради. Умматнинг юксалиши учун ҳаракат қилувчи ҳар бир шахс ўз гуруҳини бутун дунёдаги ўзгаришларни бошқарадиган етакчи деб билиши керак. Шунингдек, ўз Умматини, унинг мулки Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ га ер юзини жамлаб кўрсатган ергача етиб борадиган уммат сифатида кўриши лозим. Барпо этадиган давлати эса дунёдаги етакчи, сўнгра дунёдаги ягона давлат бўлишини мақсад қилиши лозим.

(Давоми бор...) □

**САУДИЯ ВА ҚИРҒИНДАН КЕЙИНГИ НОРМАЛЛАШУВ
ТЎЛҚИНЛАРИ
ЯНГИ АМЕРИКА БИТИМИ – ЯҚИН ШАРҚНИ ҚАЙТА
ШАКЛЛАНТИРИШ САРИ**

Наср Фаёз – Фаластин

Яҳудий вужуди ғазода амалга оширган геноцид ҳамда ғарбий соҳилдаги оммавий кўчириш ва тажовузлари учун навбатдаги нормаллашув тўлқини билан мукофотланмоқдами?! Бу тўлқинга Саудия бошчилик қилмоқда, Фаластин маъмурияти унга фотиҳа бермоқда, муслмонлар ҳукмдорлари эса унга эргашмоқда!

АҚШ президенти Трампнинг баёнотлари ва Саудия эълон қилган маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, Саудия нормаллашув йўлига юра бошлади ва бу нормаллашув ғазо ва ғарбий соҳилдаги тажовузнинг якунланишига олиб келади. Бу эса жиҳодий кайфиятни йўқ қилиш ва куч билан таслим этишни мажбурлашни мақсад қилади. Трамп ва яҳудий вужуди буни «куч орқали тинчлик ўрнатиш» деб аташмоқда. Бу, жумладан, мажбурий ёки «ихтиёрий» кўчириш орқали аҳоли сонини камайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Саудия билан нормаллашув ва янги Иброҳим келишувларини имзолаш, шунингдек, Трамп АҚШ президентлигига келганидан бери савдо танқислигини камайтириш ва давлатларни янги маъмурият хоҳлаган йўлга юритиш мақсадида жорий қилган бож тўловлари, АҚШ ташқи сиёсатининг ўстувор вазифалари қаторига киради. Америка Саудия билан нормаллашувга шароит яратиш ва янги Иброҳим келишувларини имзолаш ўстида иш олиб бормоқда. Буни амалга ошириш учун Яқин Шарқ минтақасини, хусусан муборак Фаластин замини (Ғарбий соҳил ва Ғазо сектори) ҳудудини тайёрлашга киришди.

Мухитни тайёрлаш

Эрон ва унинг минтақадаги роли

Минтақада муҳитни тайёрлаш бир нечта муҳим масалаларни қамраб олди, уларнинг энг муҳими – Эроннинг минтақадаги роли, яъни «қаршилиқ ўқи» деб танилган йўналишни қайта шакллантириш масаласи эди. Бу эса ушбу ролнинг заифлашиши ва унга зарба бериш, шунингдек, бутун минтақани қамраб олган янги келишувлар доирасида Эрон сиёсатини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олди.

Нетаняху шундай деди: «Исроил ҳозирги пайтда Яқин Шарқнинг қиёфасини ўзгартирмоқда». (Ал-Жазира, 2024 йил 31 октябрь). У яна шундай деди: «Қачонки Исроил ўзгаришни тўлиқ амалга ошириб, «Эрон ўқи» деб атаган таъсирни йўқ қилган вақтда Саудия ва бошқа давлатлар билан қўшимча келишувга йўл очилади».

Шунингдек, Трамп Эрон билан унинг ядровий дастури бўйича келишувга эришишга интилоқда. Би-Би-Сининг халқаро масалалар бўйича муҳаррирининг маълум қилишича: «Дунё Трампнинг ғазога оид баёнотларини муҳокама қилаётган пайтда, у ўзининг «Truth Social» платформасида Эрон билан «тинч ядровий келишув» тузиш истагини билдирди». (BBC, 2025 йил 2 июн). Демак, у бу келишувга эришиш учун Эронга нисбатан таёқ ва ширинлик сиёсатини қўлламоқда.

Эрон билан янги келишувлардан дарак берадиган яна бир ишора – Давҳа учрашувидир. У Қатар бош вазири мезбонлигида ўтказилган бўлиб, унда Саудия, Миср, Туркия, Иордания ва Ироқ ташқи ишлар вазирлари ҳамда Эрон ва Россиядан юқори даражали дипломатлар иштирок этди. Бу эса Асаднинг ҳамда Эрон қўшинлари, ёлланма жангарилар ва Эрон ҳизби (Ҳизбуллоҳ)нинг Суриядан чиқиб кетишига олиб келди. Рейтер агентлигига кўра, Эроннинг юқори мартабали расмийларидан бири шундай деган: «Техрон, Асаднинг минтақадаги асосий иттифоқчиси сифатида, янги Сурия раҳбарияти билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатди. Бу икки давлат ўртасида ҳар қандай душманлик йўлидан сақланиш зарур. Ушбу алоқалар Суриядаги муҳолифатнинг қайси қаноти – «Ҳайъати Таҳрируш Шом» ёки бошқа гуруҳ билан экани аниқ эмас.

Бу манбага кўра, Асад Дамашқдан қочишидан бир неча соат олдин масъуллар шундай хулосага келишди: «Ҳайъати Таҳрируш Шом» билан алоқалар барқарорлик учун зарур. Бу ИШИД каби гуруҳларнинг Сурияда илдиз отмаслигини таъминлаш учун биринчи даражали вазифадир». (Қудсул Арабий, 2024 йил 10 декабр).

Саудия раҳбарлигида Ливан ва яҳудий вужуди ўртасида келишув имзолашга қаратилган учрашувлар ҳам бу жараённинг муҳим қисми бўлди. Турли оммавий ахборот воситалари ва

интернет нашрлари Саудиянинг АҚШ ва Эрон ўртасида Ливанда ўт очишни тўхтатишга доир келишувга воситачилик қилгани ҳақида хабар тарқатди. Шунингдек, Илон Маскнинг БМТдаги Эрон вакили билан бўлган махфий учрашуви ва Эроннинг Ироқ ҳукуматига «Ақсо тўфони» доирасида яҳудий вужудига зарба берган гуруҳлар ва ёлланма жангариларни тийиб туриш учун эркинлик бергани ҳам шулар жумласидандир.

Бу янги вазиятлар яҳудий вужуди билан бўлган кескинликни юмшатади ва бутун минтақани қамраб оладиган нормаллашув лойиҳалари учун йўл очади.

Ғазо сектори ва Ғарбий соҳилда муҳитни тайёрлаш

Бу АҚШнинг минтақадаги стратегик мақсадларини амалга ошириш учун қўлланилди. Америка ва Ғарб давлатлари яҳудий вужудини Ғазодаги уруш мақсадларига эришиш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Бу мақсадлар ичида ҲАМАСнинг ҳарбий ва бошқарув имкониятларини йўқ қилиш, асирларни қайтариш ва 7 октябр воқеасининг яна такрорланишига йўл қўймаслик бор. Шунингдек, Ғазо атрофидаги яҳудийлар яшайдиган минтақаларга тинч аҳолининг қайтиши учун хавфсиз муҳит яратиш ҳам асосий мақсадлардан бири саналади.

Шунингдек, Америка Ғазодаги урушнинг яширин мақсадларини амалга оширишда ҳам яҳудий вужудини қўллаб-қувватлади. Бу мақсадлар «интиқом орқали қайтариш» стратегиясида гавдаланган бўлиб, у оммавий қирғин ва аҳолини мажбурий кўчириш орқали амалга оширилди. Ҳатто урушдан сўнг Ғазо секторида улкан иқтисодий лойиҳаларни барпо этиш ва уни Иброҳим келишувларига қўшиш ҳақида гап-сўзлар айтилди.

Байден эълон қилган ва Трамп президентликка киришишидан бир неча кун олдин келишилган уч босқичли сўнгги асирлар алмашинуви келишуви ҳам шу жараённинг бир қисми бўлди. Трамп эса яҳудийлар урушда амалга оширолмаган мақсадларини сиёсий йўл билан амалга ошириб бериш устида иш олиб бормоқда. Унинг Ғазо сектори бўйича билдирган аҳолини кўчириш режалари араб давлатларини урушдан кейинги «иккинчи кун» сценарийларига жалб қилди. Бу эса яҳудий вужуди урушда амалга оширолмаган мақсадларга, жумладан, сектор аҳолисининг Мисрга чиқишини

осонлаштириш орқали уларни «ихтиёрий кўчириш»га ёрдам беради. Трампнинг ғазо ҳақидаги, уни ўз назоратига олиш ва аҳолисини у ердан кўчириш ҳақидаги баёнотини Америка назарида ғарбий соҳил ва ғазога оид каттароқ келишувга тайёргарлик сифатида қабул қилса бўлади. Бу, шунингдек, Саудия билан нормаллашувга киришиш учун муқаддима бўлиши ҳам мумкин. Айниқса, агар Саудия ғазо аҳолисини ўша ерда мустаҳкамлаб қолдириш ва уларни кўчирмаслик эвазига нормаллашувга тайёр бўлса ҳамда ғазони қайта тиклаш учун маблағ ажратиш ва инсонпарварлик хизматларини кўрсатиш орқали Фаластин давлатини барпо этиш йўлидаги режани қабул қилса. Бироқ бунда ғарбий соҳилдаги келгинди яҳудийларнинг янги тураржойлари яҳудий вужудининг ажралмас қисми бўлиб қолиши кўзда тутилмоқда.

Саудия билан нормаллашув

Яҳудий вужуди билан Саудия ўртасидаги нормаллашув жараёни жадал суръатда кечаётган эди. Бу ҳолатни Саудия валиаҳди ўзи эълон қилган: Саудия валиаҳди шаҳзода Муҳаммад ибн Салмон Американинг «Fox News» каналига берган интервьюсида шундай деди: «Қироллик Исроил билан нормаллашув йўлида илдам қадамлар ташляпти. Биз кундан кунга Исроил билан муносабатларни нормаллаштиришга яқинлашмоқдамиз». У яна шундай деди: «Байден маъмурияти бу мақсадга етиб боришда бизни қўллаб-қувватляпти. Биз учун фаластинликлар масаласи жуда муҳим. Ушбу масалани ҳал қилишимиз керак. Музокаралар давом этмоқда. Бу жараён қаерга олиб боришини кузатамиз. Умид қиламизки, бу фаластинликларнинг ҳаётини енгиллаштиради ва Исроилни Яқин Шарққа интеграциялаш имконини беради». 2023 йил 20 сентябр.

Ақсо тўфони операцияси содир бўлгач, геноцид даражасидаги қирғинларга қарамай сионист вужуд билан нормаллашув борасидаги Америка-Саудия музокаралари тўхтамади, гарчи уларни тўхтатиш эълон қилинган бўлса ҳам. АҚШ собиқ президенти Жо Байден ўқ отишни тўхтатиш режаси ҳақида сўзлаган нутқида шундай деди: «Исроил бу келишув орқали минтақада янада кўпроқ интеграцияга эришиши мумкин бўлади, жумладан Саудия Арабистони билан эҳтимолий тарихий нормаллашув келишуви. Менимча, бу ҳеч

ким учун кутилмаган иш эмас. Исроил Эрон томонидан келиб чиқадиган таҳдидларга қарши минтақавий хавфсизлик тармоғининг бир қисмига айланиши мумкин». (RT, 2024 йил 1 июн).

АҚШ ва Саудия Арабистони нормаллашув келишувини якунлаш ва уни тўлиқ тайёр ҳолга келтириш устида иш олиб борди. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен ўз лавозимини тарк этишидан олдин, 2024 йил 20 декабрда шундай деган эди: «Эслаб қолган нарсаларимдан бири шуки, ўтган йили 10 октябр куни мен Саудия Арабистони ва Исроилга бориб, нормаллашув келишувининг фаластинликларга оид қисмини муҳокама қилишим керак эди. Албатта, бу сафар 7 октябр сабабли амалга ошмади. Аммо Ҳазодаги воқеаларга қарамай, биз бу музокараларни давом эттирдик ва ишлашда давом этдик».

Афтидан АҚШ наздида Ҳазода ўт очишни тўхтатиш – урушни яҳудий вужуди ғалабаси билан якунлаш ва уларнинг мақсадларини амалга ошириш учун қаттиқ ишлашни тақозо этади, бу эса Трамп айтганидек, «куч билан тинчликни мажбуран қабул қилдириш» орқали бўлади. Нетаняху бу ҳақда шундай деган: «Тинчлик куч орқали келади. Агар биз жуда кучли бўлсак ва бирдамликда турсак, эътирозлар ўзгаради». У иккисининг тасаввурида бу асирларни алмаштириш келишуви орқали тинчликни қабул қилишга мажбурлашни англатади. Шу нуқтада, АҚШ президенти Трамп шундай деган: «Келишув амалга ошгандан кейин менинг миллий хавфсизлик бўйича жамоам Ҳазо яна террорчиларнинг бошпанасига айланмаслиги учун иш олиб боради». У яна қўшимча қилди: «Мен ўт очишни тўхтатиш жараёнидан янги Иброҳим келишувларини амалга ошириш учун фойдаланаман». (Ал-Жазира, 2025 йил 15 январ).

Бу эса араб давлатларидан, айниқса Саудия, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания ва Туркия каби давлатлардан муайян ишларни талаб қилади. Уларнинг вазифалари: яҳудийларнинг мақсадларини рўёбга чиқариш учун инсонпарварлик ёрдамлари ва қайта қуриш ишларини восита сифатида ишлатиш орқали можарони якунлаш; америкалик ҳўжайинларининг хоҳишига кўра, Ҳазо аҳолисини «ихтиёрий» кўчиришга кўмаклашиш; тинчлик ташаббусларини илгари суриш. Бу жараёни АҚШ шу давлатлар орқали амалга

оширмоқчи. Бундан Фаластин масаласини тамоман ёпиш, яҳудийлар босиб олган аҳоли пунктларини қонунийлаштириш, ғазони қайта қуриш, жиҳод ғояларини ҳамда яҳудийлар терроризм ва экстремизм деб атайдиган нарсаларни йўқ қилиш, тинчлик маданиятини ва «Иброҳимий дин» ғоясини халқлар онгига сингдириш кўзда тутилади.

Нетаняху қуйидагиларни таъкидлади: «Бизнинг минтақадаги араб давлатлари билан нормаллашув битимларимиз – яъни Иброҳим келишувлари – фаластинликларни четлаб ўтганимиз учун амалга ошди». (Ал-Жазира, 2025 йил 9 феврал).

Саудия бошлаб бериши кутилаётган ва Фаластин маъмуриятини ҳам ўз ичига оладиган янги Иброҳим келишувларига кўра, ғарбий соҳил ва ғазо сектори учун суверенитет бўлмайди. Бу Қатар каби бошқа Кўрғаз давлатларига ҳамда Ливан, Ироқ, Ливия, Жазоир ва бошқа исломий олам давлатларига яҳудий вужуди билан нормаллашув эшикларини очиб беради. Бу эса Фаластин масаласини, яҳудийлар Исро ва Меърож ерларидан бир қаричини ҳам ушбу давлатларга бермаган ҳолда, тугатишни англатади. Бундан ташқари, бутун муборак заминда тўлиқ ҳукмронлик яҳудий давлатига тегишли бўлади, фаластинликларга эса фақат маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг заиф бир кўриниши қолади. Бунда Фаластин маъмурияти ўзи жойлашган ҳудудлардаги шаҳар ҳокимиятларини бошқариш ҳамда хавфсизлик ҳамкорлиги орқали хавфсизлик хизматларини кўрсатиш билан чекланади.

Саудиянинг яҳудий вужуди билан нормаллашуви хатари

Саудиянинг яҳудий вужуди билан нормаллашуви ва янги «Иброҳим келишувлари»га қўшилишидаги хатарни қуйидагича қисқача баён этиш мумкин:

1 – Саудия ваҳий нозил қилинган ер бўлгани ва унда мусулмонлар интиладиган муқаддас жойлар мавжудлиги сабабли рамзий аҳамиятга эга. Шу боис, унинг яҳудий вужуди билан нормаллашуви бутун Ислом олами учун кучли руҳий ва сақофий таъсир кўрсатади, мусулмонларнинг ўзлиги, ақидаси ва фикрларига хатар туғдиради. Айниқса, «Иброҳимий дин», ғарб сақофати ва «тинчлик маданияти» (яъни таслим бўлиш) каби ғоялар билан бирга тақдим этилганида.

2 – Саудия ўзининг молиявий имкониятлари ва нуфузи билан Америка ва яҳудий вужуди манфаатига хизмат қилиши мумкин. Бунинг президент Трампнинг баёнотлари ҳам тасдиқлайди. Саудия нормаллашув йўлидан ғазони қайта қуриш ва фаластинликлар ҳаётини яхшилаш эвазига Фаластин масаласини бутунлай ҳал қилишга мажбурлаш орқали юрмоқда.

3 – Саудия, Кўрфаз давлатлари ва нормаллашув поездига қўшиладиган ҳар қандай давлатнинг яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштириши, бу давлатларни Эронга қарши Америка олдин ташкил қилган Шарқий Ўрта Ер денгизи иттифоқига яқинлаштиради. Бу иттифоқда улар яҳудий вужуди билан бир сафда турадилар. Натижада, душман яҳудий вужуди ва Америка билан бутун Уммат ўртасидаги асл можаро йўналиши ўзгариб, можаро исломий халқлар ўртасидаги ихтилофга айланиб қолади. Бу эса Умматни уни бошқараётган давлатларнинг қайси мазҳаб ва фирқага мансублигига қараб сунний ва шиа каби икки лагерга бўлиб ташлашга хизмат қилади.

4 – Саудиянинг нормаллашуви ва Шарқий Ўрта Ер денгизи стратегик иттифоқининг шаклланиши нафақат минтақадаги можаро йўналишини ўзгартириб юборади, балки бу иттифоқни Америка ўзининг халқаро рақиблари – Хитой ва Россияга қарши қурол сифатида ишлатишига ҳам замин яратади. Шу йўл билан Америка ушбу иттифоққа кирган давлатларни Хитой, Россия ёки у душман деб билган ҳар қандай давлат билан савдо ва иқтисодий битимларини чеклашга мажбур қилади.

Бошқа тарафдан ушбу нормаллашув ва унинг натижасида Америка билан тўлиқ ҳамкорликда амалга ошириладиган чегара билмас йирик иқтисодий лойиҳалар Европани ҳам Америка таъсирига тобе этиш, унинг халқаро рақобатини заифлаштириш ва Хитойга қарши тўғридан-тўғри кураш майдонига тортиш учун ишлатилади. Шундай қилиб, Америка мусулмонлар ва уларнинг юртларини ўзининг халқаро рақибларига қарши урушда ёқилғи сифатида ишлатади.

5 – Яҳудий вужуди фойдасига радикал ўзгариш

Юқоридаги таҳлилдан маълум бўладики, Саудиянинг нормаллашуви ва унинг ортидан келадиган нормаллашув тўлқини ортида Америка илгари сурган лойиҳа мужассам. Бу

лойиҳа Американинг стратегик манфаатларини таъминлаш билан бирга, минтақада яҳудий вужуди фойдасига радикал ўзгаришлар киритади. Бу ўзгаришлар бир неча жиҳатда намоён бўлади:

Сиёсий жиҳатдан: яҳудий вужудини минтақадаги давлатлар билан ягона иттифоққа бирлаштириш. Бунга қўшимча, келажакда у қандайдир янги шаклда бўлса-да, Араб Лигаси сафига ҳам қўшилиши мумкин.

Иқтисодий жиҳатдан: Шундай лойиҳалар барпо этиладигани, уларда яҳудий вужуди марказий ўринни эгаллайди ҳамда Ҳиндистон, Кўрфаз давлатлари, Европа ва Америка қитъаларини боғловчи асосий ҳалқага айланади. Натижада, яҳудий вужудининг сақланиши у билан алоқаларни нормаллаштирган давлатлар учун «ҳаётий манфаат» ва «миллий хавфсизлик» масаласига айланади. Чунки уларнинг ташқи савдоси айнан яҳудий вужуди орқали амалга оширилади – нефть ва газ қувурлари, темир йўллар, автомагистраллар орқали унинг портларигача етиб бориб, у ердан Европага етказилади.

Хавфсизлик ва ҳарбий жиҳатдан: Нормаллашув натижасида яҳудий вужуди ушбу давлатларда электрон, сайёҳлик ва бошқа ширкатлар орқали хавфсизлик ва ҳарбий соҳаларда фаолият юритиш имконига эга бўлади. Шунингдек, нормаллашув ҳарбий ҳамкорлик учун ҳам йўл очади, жумладан: минтақадаги давлатлар ва яҳудий вужуди ўртасида қўшма ҳарбий машқлар, қурол-яроғ битимлари (Марокаш билан тузилганидек), АҚШ марказий қўмондонлиги орқали ташкил этилган Шарқий Ўрта Ер денгизи стратегик иттифоқи доирасида қўшма муҳофаза ва ҳужум ҳаракатлари.

Сақофий жиҳатдан: Нормаллашувнинг мақсади – яҳудий вужудига нисбатан душманликни йўқотиш ва халқлар қалбига таслим бўлиш маданиятини сингдиришдир. Бу эса минтақадан жиҳод руҳини йўқ қилишни, унга озуқа бўлган исломий сақофатни ўчиришни тақозо қилади. Шу билан бирга, Исломдаги кураш, қаршилик ва жиҳодни фарз қилган тушунчаларни йўққа чиқаришга хизмат қилувчи «тинчлик маданияти»ни мажбуран жорий этиш кўзда тутилади. Ана шу йўналишда Бирлашган Араб Амирликлари яҳудий вужуди билан имзолаган «тинчлик келишуви» асосида «Иброҳимий

дин»ини тарғиб қилишга бел боғлаган бўлса, Саудия Ислом замини ва ваҳий нозил бўлган муқаддас маконда «кўнгилочарлик» номи остида фасод ва фаҳшни тарқатиш, худосизликни кенг ёйиш билан шуғулланмоқда. Буларнинг барчаси Америка ва яҳудий вужудига «чиroyли яшаш тарзи» ҳақидаги шаҳодатномани тақдим этишдан бошқа нарсa эмас.

Ҳақиқатлар ва муқаррар мағлубият

Саудиянинг эҳтимолий нормаллашуви, унинг ортидан тузиладиган янги «Иброҳим келишувлари» ва яҳудий вужуди «Янги Яқин Шарқ» деб атамоқчи бўлган, аслида Фаластин масаласини бутунлай тугатишга қаратилган режалар бир қанча инкор этиб бўлмас ҳақиқатлар билан тўқнаш келади. Бу ҳақиқатларни қуйидаги бандларда баён қиламиз:

1 – Фаластин масаласини Трамп хоҳлагандек қандайдир «битим» орқали якунлашга уриниш мусулмонларни ва уларнинг муборак заминга қанчалик боғланганликларини тушунмасликдир. Бу – тор фикрлаш ҳамда ҳозирда ва яқин ўтмишда бўлган воқеалардан ибрат олмасликдир. Ҳозирда Ғазо аҳли ва мужоҳидлар сабот, сабр ва ўз ерларида маҳкам туриш намунасини намоён этмоқдалар. Яқин ўтмишда ҳам Ироқ ва Афғонистондаги мужоҳид қаҳрамонлар америкаликларни бу икки юртдан хорлик билан чиқиб кетишга мажбур қилган эдилар. Шунинг ўзи мусулмонларнинг иродали экани, уларни нормаллашув ва итоатга мажбур этиб бўлмаслигини кўрсатади. Агар бу ақлсиз шахс (Трамп) тарихга назар ташлаганида эди, у ерда ҳам ибрат ва дарс бор эди. Салибчилик урушларида мусулмонлар қандай зафар қозонгани, салибчиларни Ислом юртларидан қувиб чиқаргани ва ҳатто уларни ўз уйларигача таъқиб қилгани, буларнинг барчаси энг яхши ибратдир.

2 – Муборак замин ва муборак Масжидул Ақсо мусулмонларнинг ақидаси билан чамбарчас боғланган. Фаластин аҳли ҳам, бошқа ҳеч бир мусулмон ҳам бу юртни ёки Ақсони яҳудийлар ёки ҳар қандай кофир қўлида қолдиришни ҳеч қачон қабул қилмайди, оз вақт ўтадимиз ёки кўпми, фарқи йўқ. Тарих бунга гувоҳдир. Жиҳод қиёмат кунига қадар давом этади, уни золимнинг зулми ҳам, одилнинг адолати ҳам бекор қила олмайди.

3 – Тинчликни куч билан мажбуран қабул қилдириш – яъни аҳолини кўчириш, қирғин қилиш ва таслим этиш – бу Трамп таклиф қилган йўлдир. У Ҳазо аҳолисини куч билан чиқаришни айтиб, уларга дўзахни ваъда қилди. Бунинг яҳудийлар раҳбарлари ҳам айтди. Масалан, Нетаняху шундай деди: «Ҳазо аҳолисига мурожаат қиламан: ё ҳаётни танлаб, ўзингиз ва оилангизнинг келажагини кафолатланг, ёки ўлим ва вайронагарчиликни танланг. Танлов сенда, ҳаётни танла». (RT Арабий, 2024 йил 24 ноябр). Смотрич эса «Ҳақиқий Яқин Шарқ» конференциясида шундай деди: «Исроил ерларидаги араблар олдида учта танлов бор: яҳудий ҳукмронлигини тан оладиганлар Исроил давлатида яшаб, миллий рамзларсиз маҳаллий жамоа бошқарувига эга бўладилар. Бунинг истамаганлар кўчиб кетишлари мумкин. Аммо бу икки таклифни ҳам рад этганлар террористлардир ва уларга Исроил армияси ҳамда хавфсизлик органлари чора кўради».

Таслим бўлишни қабул қилишга, босқинчига рози бўлишга, очиқ ҳақорат ва хорликни тан олишга бўлган бу чақирувни эркин кишилар рад этади, иймонли қалблар уни инкор қилади. Фаластин аҳли бу режаларга қарши туришлари, то Аллоҳ биз билан улар ўртасида ҳукм чиқаргунча уларни қабул қилмасликлари лозим. Бу Аллоҳ душманлари билан иттифоқ тузган, муқаддасотларимизни сотиб юборган хоин, малай ҳукмдорларни сиқиб чиқариш учун бутун Исроил Уммат бўйлаб ғазаб ва инқилоб вулқонини кўзғатади.

4 – Яҳудий давлати билан иттифоқ тузишни тарғиб қилиш – гўёки у минтақада катта ютуқларга эришгани ва Эронга қарши курашда ғалаба қозонгани учун, шунингдек, Эрондан келадиган хавфга қарши туриш учун араб давлатлари яҳудий вужуди билан стратегик ҳамкорлик қилиши керак деган даъволар – бунинг барчаси ғирт ёлғондир. Чунки яҳудий вужудининг айтилган «ғалабалари» ҳақиқий эмас, улар АҚШ, Ҳарб давлатлари ҳамда араб ва мусулмонларнинг хоин ҳукмдорлари ёрдамида юзага келган. Баъзилар яҳудийларга бевосита ёрдам берган, масалан БААдан Ҳайфага қурол ва бошқа ёрдам жўнатиш орқали. Бошқалар бунинг Ҳазо аҳлига ёрдам бермай, уларни ёлғиз қолдириш орқали қилган. Ҳазодаги уруш пайтида эса яҳудий вужудини қурол, ҳарбий техника, ёлланма жангчилар ва ахборот қўллаб-қувватлови

билан таъминлашди, яҳудийлар вайронагарчилик ва геноцид билан шуғулланаётган бир вақтда уларнинг эртақларини қабул қилишди, халқаро ташкилотларда уларни ёқлаб чиқишди, урушни тўхтатиш ўрнига уни чўзадиган ташаббусларни илгари суришди. Бунинг орқасида яҳудийларга геноцидни амалга ошириш ва тажовуз мақсадларига етишиш учун вақт бериш мақсади турган эди.

Бошқа тарафдан эса, исломий армиялар можародан бутунлай четлатилди. Жанг қилиш фақатгина оз сонли гуруҳларга юклатилди, бу гуруҳлар нафақат ўзоқдаги душман, балки яқиндаги «дўстлар» томонидан ҳам муҳосарага олинган эди.

Аммо буларнинг барчасига қарамай, яҳудий армияси парчаланди, муҳосарага олинган ва очликка учраган мужоҳидлардан оғир зарбалар еди. Ҳолбуки улар яҳудий вужудининг қатл ва вайрон қилиш машиналари қаршисида айтишга арзигулик қурол-яроғсиз ҳолда турар эдилар. Шу сабабли, яҳудий армияси ғазодаги жангни ўз фойдасига ҳал этолмади. «Генераллар режаси» муаллифи ҳам бу режа муваффақиятсизликка учраганини тан олди.

Бошқа томондан урушнинг чўзилиши билан боғлиқ чарчоқ оқибатида яҳудий вужудининг захира армияси кучсизланди, бу эса хавф-хатарни янада оширди. Натижада, яҳудий армияси ўзини ҳалокатдан қутқарадиган ёрдамга муҳтож бўлиб қолди. Шунда хоин ҳукмдорлар Америка билан келишган ҳолда келишув ва битимлар имзолашга шошилишди. Ўт очишни тўхтатиш эълон қилиниши биланоқ «Нахал» ва «Гивъати» бригадаларининг шимолдан зудлик билан, ҳатто буйруқни кутмасдан чиқиб кетишининг сабаби ҳам шу.

5 – ғазо ва ғарбий соҳил ёки умуман Яқин Шарқ минтақасига оид АҚШнинг ғоялари, режалари ва сценарийлари – уларни АҚШ манфаатларига хизмат қиладиган тарзда шакллантириш ва яҳудий вужудини минтақага интеграциялашга қаратилган уринишлар – ҳақиқий вазият ҳамда халқнинг қатъияти билан тўқнаш келмоқда. Ғазо ва ғарбий соҳилда яҳудийлар амалга оширишга уринган кўплаб режалар, жумладан уруш бошидаги мажбурий кўчириш, генераллар режаси, инсонпарварлик пуфаклари каби лойиҳалар шу пайтгача халқ томонидан барбод қилинди.

Минтақадаги араб ва исломий халқлар эса, буюк Ислон Умматининг фарзандлари сифатида ҳар қандай шаклдаги тинчлик, таслим бўлиш ва нормаллашув маданиятини рад этишда янада қатъийроқ турмоқдалар.

6 – «Иброҳим келишувлари» мусулмонларни ўз дини, ахлоқи ва қадриятларидан ажратиб, уларга хорлик ва таслим бўлиш маданиятини мажбуран қабул қилдиришни мақсад қилади. Лекин бу Уммат, модомики танасида жон бор экан, динини ташлаб қўймайди. Буни эса узоқ ва яқин тарих тўлатўкис исботлаб берди.

7 – Трамп намоён этган зулм, кучга ишониш ва такаббурлик ҳамда яҳудий вужудининг мусулмонларни ҳақоратлаш ва менсимаслик билан кўрсатган кибри, айнан шулар уларни ҳалокатга етаклайди. Зеро, зулм эгасини кўр қилади.

Фиръавн ўзидаги кучга ишониб, такаббурлик ва зулм билан Мусони ва у билан бирга бўлган Бану Исроилни денгизгача таъқиб этган. Ҳатто у уларга етиб олдим деб ўйлаган пайтда, Мусо денгизга асосини урди, денгиз ёрилди ва унинг ҳар икки томонида улкан тоғдек девор ҳосил бўлди, Мусо ва унинг ҳамроҳлари у ердан ўтиб кетишди. Аммо Фиръавн ўзининг зулми ва кучига ишонгани туфайли, бу ҳодиса мўъжиза эканини, Мусо осмон ва ернинг Роббиси билан алоқада бўлган пайғамбар эканини кўра олмади. Шундай қилиб, уни ўз зулми ва ғурури ҳалокатга етаклади, Аллоҳ уни ҳам, қўшинларини ҳам денгизда ғарқ этди.

Бугун ҳам Америка ва яҳудий вужуди ўз зулми ва такаббурлиги туфайли кўр бўлиб қолди. Яҳудийлар ҳукмдорларнинг ўз Умматларига қилган хиёнатини кўриб, Америка ва ғарбнинг ёрдамига таяниб, ўзларини Ислон Умматига қарши туришга, муқаддасотларига тажовуз қилишга ва унинг юртларида фасод тарғиб этишга қодир деб ўйлашди. Аммо бу ғурур уларни асл ҳақиқатдан – Ислон Уммати буюк Уммат эканидан, у касалланиши мумкин, аммо ҳеч қачон ўлмаслигидан, у заифлик даврини бошидан кечирса-да, яна қувватга қайтиб, ўз юртларини озод этадиган ва диёрларни фатҳ қиладиган кучли Умматга айланишидан – ғофил қилди. Бу ҳақиқатни эшитувчи қулоғи ва кўрувчи кўзи бор ҳар бир киши учун тарих гувоҳдир.

Хулоса

Бугун Фаластинда бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан сукут сақлаш ва минтақадаги нормаллашув тўлқинлари томон шошилиш яҳудийларни янада катта тажовуз ва ҳирсга ундайди. Буни яҳудий вужудининг ташқи ишлар вазирлиги сайтида эълон қилинган харита ҳам тасдиқлайди. Ушбу харитага кўра яҳудий вужуди ҳудуди фақат Фаластиннигина эмас, балки Иордания, Сурия ва Ливан ерларини ҳам ўз ичига олган.

Сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳар қандай нормаллашув жирканч жиноят ва қабиҳ мункардир. Чунки у жиҳодни тарк этиш, юртлар ишғолини узайтириш, муқаддас масканларни таҳқирлашга йўл очиш ҳамда бутун минтақанинг бойлик ва имкониятларини яҳудий вужудининг ёввойи тажовузига – улар мусулмонлар юртида бемалол фасод тарқатиши учун – осон ўлжа қилиб бериш демакдир.

Биз ишонч билан айтамизки, Ғазода содир бўлган воқеалар ва «Ақсо тўфони» жангининг таъсири ҳаргиз ўчмайди. Бу тўфон фақат бир минтақани эмас, балки бутун дунёни қамраб олди. Унинг оқибатлари шаҳидлар қони билан аралашиб, тўхтамас тўлқинга айланди. Бу тўлқин бир куни ғалаба ва иззат самарасини беради. У Ислом Умматини орзу қилаётган озодлик сари етаклайдиган, зулм ва ноҳақликка ботган ер юзини адолат ва инсоф билан тўлдирадиган пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифаликни олиб келади. □

УММАТ ҲАЁТИДАГИ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР ҲИЗБ УТ-ТАҲРИРНИНГ ЎЗГАРТИРИШДАГИ МАНҲАЖИНИ ТАСДИҚЛАМОҚДАМИ?

Абдусаттор Абу Тақий – Фаластин

Жамиятни ўзгартиришга ҳаракат қилаётган мабдаий ҳизбнинг ўзгариш йўлидаги саъй-ҳаракатларидаги энг мумтоз жиҳати – унинг Аллоҳ Таолонинг

﴿وَأَلَوْ اسْتَقَمُوا عَلَى الطَّرِيقَةِ لَأَسْقَيْنَهُمْ مَّاءً غَدَقًا﴾

«Агар улар (тўғри) йўлда маҳкам турсалар, албатта Биз уларни мўл ёмғир билан суғорамиз» [Жин 16]

деган каломини тасдиқлаган ҳолда фикр ва амалда тўғри йўлни маҳкам ушлашга тиришганида, шунингдек, агар Аллоҳнинг амрига хилоф иш қилса, унга фитна ёки азоб етишидан қўрқишида гавдаланади.

Мабда асосида фаолият қилувчи ушбу Ҳизбнинг шунга ишончи комилки, ҳақда собит туриш ва шариат талаби бўйича қатъий амал қилиш – Аллоҳнинг розилигига ноил бўлишга ва ер юзида ғолиб бўлишга олиб борувчи ягона йўлдир. Ушбу ғолиблик синовлар ва оғир машаққатларга, тўсқинликлар ва таъқибларга, адаштиришлар ва ёлғон тарғиботларга қарамай, Аллоҳ ваъда қилган ва Унинг изни ила яқинда барпо бўладиган иккинчи рошид Халифаликда амалга ошади.

Даъватни кўтариб чиқувчи сўзида ҳам, амалида ҳам Аллоҳнинг розилигини кўзлар экан, аниқ биладики, унинг барча ишларини Аллоҳ Таоло тадбир қилади, Уммат ҳаётидаги ҳодисаларни бошқариб, бу билан покни нопокдан ажратиб беради, мазлумларга карам кўрсатиб, уларни пешволар қилиб, ер юзининг ворисларига айлантиради. Бу эса Аллоҳ азза ва жалланинг ўзгармас суннати ва собитқадам бўлганлар учун бериладиган мукофотдир.

Сабр-матонат билан ажрни фақат Аллоҳдан умид қилиб фаолият қилаётган кишиларга берилажак ажр-мукофотлардан яна бири шуки, яхши ишларда Аллоҳ уларга ёрдам беради ҳамда уларни фикрат ва тариқатда адашиб кетишдан сақлайди. Шу билан бирга, одамларнинг дилларини уларга кўпроқ мойил қилиб қўяди, бўлажак ғалабанинг илк белгиларини кўрсатиб, бу билан уларнинг тушунчалари соғлом, йўллари тўғри эканига қалбларини хотиржам қилади.

Сўнги пайтларда Уммат ҳаётида рўй берган ва бераётган сиёсий воқеалар ҳақида тафаккур қилган киши шунга гувоҳ бўладики, ушбу воқеа-ҳодисалар ўзгартиришдаги шаръий тариқатга, яъни энг аввало асосида шаръий ҳукмга боғланишга ва Росулulloҳ ﷺнинг ўзгартиришдаги тариқатларига асосланган тариқатга мос келмоқда, мўминларга таскин ва хотиржамлик бағишламоқда ҳамда уларнинг тутган йўллари тўғри эканига, Аллоҳ томонида собит туришлари ва воқеликка таслим бўлмасликлари уларга бу дунё ва охиратда иззат олиб келажагига янада ишончларини орттирмоқда.

Сўнги пайтларда Умматни ларзага солаётган воқеаларнинг тариқатга мос келаётганлиги асосан қуйидагиларда кўринмоқда:

Биринчи: Халифалик қулагандан сўнг Уммат зиммасига юкланган ўзгартириш вазифаси – фикрий сиёсий ўзгартиришдир. Давлат ҳокимиятига интилишдан олдин агар ушбу йўл четлаб ўтилса ва фикр Уммат ичида ўз таъсирини кўрсатмаган, Уммат Исломиий сиёсий лойиҳани қабул қилмаган ва Исломни давлат тизими сифатида талаб қилмаган бўлса, бу уриниш барбод бўлади ва муваффақиятсизликка олиб келади, чунки у ўзгартириш қонунларига зиддир.

Иккинчи: Мусулмон юртларида Халифаликнинг ўрнини эгаллаган тузумлар тоғут тузумларидир; уларни мустамлакачи кофир дин ва Умматга қарши уруш сифатида ўрнатган. Уларнинг легитимлигини тан олишнинг энг кичик шакли ҳам Аллоҳнинг ғазабини келтиради ва уларни тан олганларни муваффақиятсизликка олиб боради, гарчи улар диндан бирор нарсага даъват қилиб, ҳаракат қилган бўлсалар ҳам. Чунки ўзгартиришда муваффақият қозониш учун фақат яхши ният етарли эмас, унинг муваффақияти фикр ва амалда онгли ҳаракат қилишга, Росулulloҳ ﷺнинг манҳажига эргашишга боғлиқдир.

Учинчи: Бугунги кунда ўзгартириш борасида шариат талаб қилган ягона йўл – келажакда барпо бўладиган Халифаликка даъват қилиш ва шу йўлда ҳаракат қилишдир. Мусулмонлар ундан бошқа ҳар қандай иш билан машғул бўлсалар, у иш яхши бўлса ҳам, Аллоҳ Таоло ҳузурида масъулиятимизни оқламайди, аксинча, сарсонлигимизни янада узайтиради. Чунки Халифалик диннинг ижройи тузилмасидир; у билан бирлашамиз ва азиз

бўламиз, у орқали одамлар учун чиқарилган энг яхши Умнат сифатидаги ўз ҳолатимизни тиклаймиз, Исломни ўз орамизда татбиқ этамиз, уни даъват ва жиҳод орқали – худди олдинги солиҳлар қилганларидек – дунёга ёямиз.

Тўртинчи: Умнатнинг тақдири ҳам бир, масаласи ҳам бир, уруши ҳам бир, тинчлиги ҳам бирдир. Умнатнинг ҳар бир юртдаги мусибати бутун Умнатники бўлиб, унинг ечими ягонадир. Сайкс-Пико чегаралари ичида қолиб, иккиламчи муаммоларга ечим излаш – Умнатга на фойда беради, на ундан хорлик ва хўрликни кўтаради. Душманлар Умнатга қарши бирлашмоқда, ҳаммаси уни нишонга олмоқда. Шунинг учун Умнат ўзини воқелик қамоғидан озод қилиб, халқлар ичидаги ягона Умнат сифатида жамойй ҳаракатга ўтиши, душманларига мана шундай жавоб қайтариши лозим. Ҳизб ут-Таҳрир тузилганидан бери даъват қилиб келаётган йўл айнан мана шу. Халифалик қўлатилганидан буён Ғарбнинг мусулмон юртларидаги қоғозда мавжуд, аммо ҳақиқий мустақилликдан маҳрум сохта давлатчалар устидан мутлақ ҳукмронлиги, шунингдек, бугун ғазода содир бўлаётган воқеалар – буларнинг барчаси Умнатнинг бир вужуд экани нуқтаи назаридан уни қўтқариш учун жамоавий фикр ва амалга қайтиш зарурлигини очиқ-равшан исботлаб турибди.

Бешинчи: Умнатдаги куч-қудрат ва моддий имкониятлар Умнатнинг ўз мулкидир, унинг армиялари ҳам бундан мустасно эмас, улар Умнатнинг бир бўлагидирлар, асло ҳукмдорлар тоифасидан эмаслар. Армияларни Умнатдан ажратиш улкан жиноят бўлиб, фақат душманларига хизмат қилади ва Умнатни доимий бахтсиз қилиб, нажот йўлидан узоқлаштиради. Бу ҳақиқатни ғазодаги мусулмон болалар ҳам ҳис қилдилар ва шунга чақирмоқдалар. Аммо афсуски, Умнат фарзандларидан баъзилар ҳануз бу ҳақиқатдан ғофилдирлар. Душманлари эса уларни алдаб, «куч эгаларидан нусрат талаб қилиш орқали Халифаликни тиклаш мумкин эмас», деган ўйдирмалар билан чалғитишда давом этишмоқда. Шунга қарамай, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, бугун Умнат ичида нусрат талаб қилиш тушунчаси тобора кенгайиб бормоқда ва бу жараён, то Аллоҳ қарор қилган иш амалга ошгунга қадар, Ҳизбнинг даъватига хизмат қилмоқда. Илгари ўнлаб йиллар давомида армиялардан нусрат талаб қилиш фикрига қарши курашилган бўлса, бугун ушбу

талаб ва унинг тафсилотлари Уммат орасида муҳокама мавзусига айланди. Ҳатто Уммат фарзандлари орасида армияларнинг Уммат ҳаётидаги ўрни ва вазифаси ҳақида жиддий ўйлайдиганлар пайдо бўлди, улар армияларни Умматни қутқаришнинг амалий, ҳатто ягона ва муқаррар йўли деб билишмоқда. Чунки айнан шу армиялар Умматга қўшилган вақтда ўз халқларига душманлик қилаётган хиёнаткор ҳукмдорларни афдариб, уларнинг режимларига қарши туради. Бугун Умматга керак бўлган энг асосий нарсa – армияларнинг халқ томонига ўтиши, золим ҳукмдорларни афдариши ва ҳокимиятни ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини барпо қилишга ўзларини бағишлаган кишиларга топширишидир. Шундагина ҳақиқий ўзгариш ва ғалаба рўй беради.

Олтинчи: Бугун Уммат ҳаётида содир бўлаётган ҳар қандай улкан воқеа, сиёсий ҳодисалар ва ғарбнинг устимизга итдек ташланаётгани, Аллоҳнинг изни ила бизнинг даъватимизга, ҳақ даъватга хизмат қилмоқда.

Ғарб ўзининг асосий урушини мусулмонларни Халифалик давлатида бирлаштиришни истаётган «исломчилар»га қарши салибчилик уруши, деб эълон қилиб, Умматдан Халифаликдан бошқа ҳар қандай нарсани қабул қилишини айтаётган экан, Уммат фарзандлари ўз аҳволларини онгли равишда тушунмоқдалар ҳамда уларни ривожлантирадиган ва динларига хизмат қиладиган ишларга ошиқмоқдалар.

Мусулмон юртларидаги зараркунанда режимлар кофирга хизмат қилиш учун бўлиниш ва парокандаликни мустаҳкамлаб, юрт ва халқни кофир қўлига топшираётганида, шунингдек, кўфр ва фисқни тарғиб қилиб, ёлғончи уламоларни ўзларига яқин қилиб, «Роббим Аллоҳ», деган ҳар бир кишига қарши курашиб, Уммат душманлари билан бир сафга ўтиб, буни юзсизларча кураш деб эълон қилаётганида... мана шундай бир вазиятда бу режимларнинг томоғидан олаётган қўллар тобора кўпайиб бормоқда.

Мусулмон Уммати фарзандлари бу ёвуз давлатлар ва уларнинг қароқчи хавфсизлик хизматлари, миллатчи, ватанпарвар ва мазҳабпараст ҳаракатлар хорлик ва хўрликдан бошқа ҳеч нарсa келтирмаётганини ўз танида ҳис қилган пайтларида бу сохта режимлардан қўлларини ювиб қўлтиққа урадилар ва улардан қутулиш ҳақида ўйлай бошлайдилар.

«Мўътадил Исломи» номли ҳаракатлар ботил тузумлар билан ҳамкорлик қилиб, гуноҳларига шерик бўлишганда уларнинг асл башаралари очилади ва Уммат фарзандлари улардан юз ўгириб, даъватида содиқ бўлганлар атрофига тўпланади.

Мусулмонлар турли юртларда ўз ҳукмдорларига қарши чиқиб, «Араб баҳори» деб аталган қўзғолонлар давомида оммавий равишда қатл этилганларида, номуслари поймол қилиниб, уларнинг устидан ғарб ва Шарқ итлари ҳужум қилганида – мана шу ҳолатда Аллоҳ таоло уларни имтиҳон қилмоқда, сабр қилишни ўргатмоқда, улардан шаҳидларни саралаб олиб, уларни тўғри амал йўлига йўлламоқда.

Росулуллоҳ ﷺ

«وَالْجِهَادُ مَاضٍ مُنْذُ بَعَثَنِي اللَّهُ إِلَى أَنْ يُقَاتِلَ آخِرُ أُمَّتِي الدَّجَالَ لَا يُبْطِلُهُ جُورُ جَائِرٍ وَلَا عَدْلُ عَادِلٍ»

«Жиход Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборган пайтдан то Умматимдан охирги киши дажжолга қарши курашгунига қадар давом этади, золимнинг зулми ҳам, одилнинг адолати ҳам уни тўхтата олмайди» деганларида, демак, Умматига қиёматгача жиходнинг давом этиши ва унинг алангаланиб туриши ҳақида хушxabар бермоқдалар. Бу Умматда жиход бор экан, у яхшиликдадир, ўз душманлари устидан нусрат қучади, гарчи баъзи даврларда душманлар уни енгиб тургандай кўринса ҳам.

Уммат фарзандларидан бир гуруҳи яҳудийларга қарши жанг қилганда, Уммат орасида жиход садоси кўтарилади, яҳудийларнинг заифлиги фош бўлади, юзлари қаро бўлади, ҳукмдорлар эса уларни қўллаб-қувватлаганлари учун шарманда бўлади. Ана шунда Умматга нажот ва унга олиб боровчи йўл намоён бўлади. Унинг нажоти эса, фақатгина ўз юртларидаги зараркунанда режимлардан халос бўлиб, Росулуллоҳ ﷺнинг байроғи остида бирлашган ҳолда душманларига қарши жиход қилувчи Халифаликни барпо қилсагина амалга ошади. Шунда душманлар уни забт этолмайди, аксинча, у душманларини забт этади. Унинг жиходи эса Аллоҳнинг динини бутун оламга ёйиш учун қилинган талаб ва ҳужумкор жиходи бўлади.

Уммат ғазода бўлаётган воқеалар устида тафаккур қилса, бу кураш баъзилар ўйлагандек бир парча ер учун эмас, балки

исломий ҳазорат билан бадбўй капиталистик ҳазорат ўртасидаги кураш эканини англаб етади. У, шунингдек, Сайкс-Пико тизими «Исроил»ни яратиб, уни «давлат» деб атагани каби, айнан ўша тизим араб протекторатлари (Ғарб ҳимоясидаги араб ҳудудлари)ни ҳам яратиб, уларни «давлатлар» деб атаганини тушунади. Шу билан бирга, яҳудий вужуди билан араб режимлари ўртасидаги ўзаро шартли боғлиқлик – улар ё биргаликда қулаши, ё биргаликда сақланиб қолишини англатишини ҳам идрок этади.

Уммат Суриядаги сўнги воқеалар устида тафаккур қилса, зулмга таянган ва оёғида аранг турган бу режимларнинг қулаши албатта мумкин, осон ва Аллоҳнинг изни ила, яқин эканини англаб етади.

Еттинчи: Бугун Уммат ҳаётида юз бераётган барча воқеалар яқин келажакдаги буюк ўзгаришларга тайёргарликдир. Яъни, Уммат ўзининг ягона исломий давлатини тиклаш арафасида турибди. Уммат ҳукмдорлари ғарблик хожалари буйруғи билан уни кишанлаб қўйган бўлса-да, бироқ у ҳануз тирик, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. У ўзининг асл ҳолати ва аввалги сийратига қайтиши учун уни ҳақиқатга етаклайдиган холис раҳбарликка муҳтож. Ҳеч шубҳа йўқки, Халифалик қулатилганидан буён Уммат ҳаётида содир бўлган барча воқеалар – даъватимиз тўғри эканини ва Аллоҳнинг изни ила У ирода қилган нарсалар олиб борувчи шаръий йўлимиз самарали эканини яққол кўрсатмоқда. Бу эса Аллоҳ улардан рози бўлган ва уларни яхшиликка сабабчи қилган, одамлар бузган ишларни ислоҳ қилган ғариб (саҳоба)ларнинг ҳолатидир.

Саккизинчи: бугун Умматда юз бераётган барча воқеалар ва бурилишлар – даъватни кўтариб чиқаётганлар учун Аллоҳ Таолонинг имтиҳонидир.

﴿يَوْمُ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صِدْقُهُمْ﴾

«Бу кун (яъни қиёмат куну) ҳаққи-рост иймон келтирганларга рост сўзлари фойда берадиган кундир»

[Моид 119]

Шу боис биз ҳақ устида собит туришимиз ва манҳажимизда давом этишимиз керак. Чунки Аллоҳ бизга ваъда берган ва бу ваъда ҳаргиз бузилмайди:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни ер юзида халифа қилишни ваъда қилди» [Нур 55]

Бу ваъда шубҳасиз амалга ошади. Буни Росулulloҳ ﷺ ҳам хушхабар берганлар:

«لَا يَلْبُثُ الْجَوْرُ بَعْدِي إِلَّا قَلِيلًا حَتَّى يَطْلُعَ، فَكُلَّمَا طَلَعَ مِنَ الْجَوْرِ شَيْءٌ ذَهَبَ مِنَ الْعَدْلِ مِثْلُهُ حَتَّى يُؤْلَدَ فِي الْجَوْرِ مَنْ لَا يَعْرِفُ غَيْرَهُ، ثُمَّ يَأْتِي اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى بِالْعَدْلِ، فَكُلَّمَا طَلَعَ مِنَ الْعَدْلِ شَيْءٌ ذَهَبَ مِنَ الْجَوْرِ مِثْلُهُ حَتَّى يُؤْلَدَ فِي الْعَدْلِ مَنْ لَا يَعْرِفُ غَيْرَهُ»

«Мендан кейин зулм ўзоқ турмайди, у тез орада бош кўтаради. Ҳар сафар зулм авж олса, адолатдан ҳам шунча нарса камаяди. Бу ҳолат давом этиб, охир-оқибат одамлар фақат зулм ичида туғилиб, ундан бошқасини билмай қоладилар. Кейин Аллоҳ Таоло Ўз фазли билан адолатни қайта жорий қилади. Ва ҳар сафар адолат пайдо бўлса, шунинг баробарида зулм йўқолиб боради. Бу ҳолат давом этиб, охир-оқибат одамлар фақат адолат ичида туғилиб, ундан бошқасини билмай қоладилар». (Имом Аҳмад ривояти).

Биз У Зотдан, бизларни ҳидоят топган ва ҳидоятга етаклайдиган бандалардан қилишини, Умматни ҳақ даъват нуқтасига қайтаришини сўраймиз. Аллоҳим, биз чиройли тадбир қила олмаймиз, Сен Ўзинг бизга тадбир қилиб бергин. Охирги дуойимиз – оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

ЗУБАЙР ИБН АВВОМ... РОСУЛУЛЛОҲНИНГ ҲАВОРИЙСИ ВА ИСЛОМ ЧАВАНДОЗИДИР

Абдулмаҳмуд Омирий – Яман

Зубайр ибн Аввом ибн Хувайлид Асодий қурайшлик бўлиб, Расулуллоҳ ﷺ нинг аммаси Сафия бинти Абдулмуттолибнинг ўғли эди. У Исломни биринчи қабул қилганлардан эди. Чунки у Исломга киришга шошилган ва Дорул Арқамнинг олдинги сафида турган аввалги етти саҳобанинг бири эди. Уни Исломга Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه даъват қилди, у Абу Бакрнинг даъвати орқали мусулмонлик шарафига эришганларнинг бири бўлди. У Исломни қабул қилган тўртинчи ёки бешинчи инсон сифатида зикр қилинади. У аввалги ҳижратда Ҳабашистонга борди, бироқ у ерда узоқ турмади. Кейин Асмо бинти Абу Бакрга уйланди ва у билан бирга Ясрибга, яъни кейинчалик Мадинаи Мунаввара деб ном олган шаҳарга ҳижрат қилди. Мадинада унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Зубайр туғилди ва Абдуллоҳ муҳожирлардан бўлган биринчи эркак чақалоқ сифатида тарихга кирди.

Зубайр жаннат башорати берилган ўн кишидан биридир. Унинг куняси Абу Абдуллоҳ ёки Абу Тоҳирдир. Шунингдек, у халифа Умар رضي الله عنه шаҳид қилинганидан кейин халифаликка номзод этиб кўрсатилган олти буюк саҳобадан бири ҳисобланади.

Насаби:

Насаби Зубайр ибн Аввом ибн Хувайлид ибн Асад ибн Абдулуззо ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маад ибн Аднондир. Унинг отаси Аввом Расулуллоҳ ﷺ нинг умр йўлдоши ҳамда севимли завжалари бўлмиш мўминлар онаси Хадича бинт Хувайлиднинг акаси эди.

Онаси: Онаси Сафия бинт Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона ибн Ҳузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маад ибн Аднондир. Шунингдек, онаси Росулимиз Мухаммад ﷺнинг аммалари эдилар.

Туғилиши ва камол топиши:

Зубайр Маккаи Мукаррамада ҳижратдан тахминан 28 йил олдин, милодий 594 йил атрофида туғилган. У Қурайш қабиласининг шарафли хонадонларидан бирига мансуб эди. Болалигиданоқ жасорати билан танилган эди. Онаси Сафия уни қаттиққўллик билан тарбиялади, шундан бўлса керак, у «Онам мени мен эр киши бўлиб етишсин деб уриб турар эди», деган.

Зубайр Исломни 16 ёшда қабул қилгани, бошқа ривоятда Исломга 12 ёшида, яна бошқасида 8 ёшида киргани айтилади. У собиқин (Исломга биринчи кирган ва биринчи сафда хизмат қилган саҳоба)лардан бўлиб, иймони йўлида кўп озор ва азобларга дучор бўлди. Ўз амакиси томонидан қийноққа солинди, жумладан, устига нарса ёпиб, қайноқ буғ билан куйдирди, деярли бўғилиш ҳолатига келганда ҳам Зубайр қатъийлик билан «Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон куфрга қайтмайман!», дерди.


Уйланиши:

Зубайр ﷺ Абу Бакр Сиддиқ ﷺнинг қизи бўлган ва «Икки белбоғ соҳибаси» деб ном қозонган Асмога уйланди. Уларнинг никоҳидан Ислом Умматининг саййидларидан бири – Абдуллоҳ ибн Зубайр дунёга келди. Зубайрнинг хонадони – иймон, жиҳод ва сабр хонадони бўлди. Асмо Зубайрнинг ҳаётида энг яхши ёрдамчи, содиқ рафиқа бўлди. Зубайр бошқа аёлларга ҳам уйланган. Унинг ўғиллари қуйидагилар: Абдуллоҳ, Урва, Мунзир, Осим, Мухожир, Жаъфар, Убайда, Амр, Холид, Мусъаб ва Ҳамза. Қизлари: Хадижаи Кубро, Хадижаи Суғро, Умму Ҳасан, Оиша, Ҳабиба, Савда, Ҳинд, Рамла ва Зайнаб.

Зубайрнинг Росулulloҳ ﷺ ҳаётида тутган ўрни:

Зубайр ибн Аввом Росулulloҳ ﷺ билан барча ғазотларда қатнашди ва барча воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Ислom қўшинининг чавандозларидан бири бўлиб, жасорат ва фидокорлиги билан ажралиб турди. Танаси жангларда кўплаб жароҳатлар олди, найза ва ўқлардан ўттиздан ортиқ зарба еди. Али ибн Зайд бундай ривоят қилади: «Менга Зубайр ибн Аввомни кўрган киши айтиб берган, унинг кўкраги найза ва ўқ зарбаларидан худди кўзга ўхшаб тешик-тешик бўлиб кетган эди». Ҳасан Басрий ҳам бундай дейди: «Зубайрнинг танасида ўттизтадан ортиқ зарба бор бўлиб, ҳаммасини Росулulloҳ ﷺ билан бирга қилган жангларда олган эди». Ибн Шихоб ривоят қилади: «Али ؓ Зубайрнинг қиличини олганида, уни кўлида айлантириб «Бу – Росулulloҳ ﷺнинг юзидаги ғамни неча марта кетказган буюк қиличдир, деди!». Тобеинлардан бири ривоят қилади: «Мен Зубайр билан сафарга чиққан эдим, Қафр деган ерда у жунуб бўлиб қолди ва мендан тўсиб туришимни сўради. Мен уни тўсиб турдим. Бир пайт тасодифан унга кўзим тушиб қолди ва танаси қилич зарбалари билан яраланганини кўрдим. Унга: Аллоҳга қасамки, сизда ҳеч кимда кўрмаган жароҳатларни кўрдим, дедим. У, кўрдингизми? – деди. Мен: ҳа, дедим. Шунда у бундай деди: «Аллоҳга қасамки, бу жароҳатлардан бирортаси йўқки, Росулulloҳ ﷺ билан бўлган жиҳодда ва Аллоҳ йўлида олинган бўлмаса». Яна ривоят қилинишича: «Росулulloҳ ﷺ Зубайрга ўлжалардан тўрт улуш берганлар: бир улуш ўзи учун, икки улуш оти учун ва бир улуш қариндошлик учун».

Зубайр ибн Аввом ؓ Бадр ғазотида Убайда ибн Саид ибн Осни ўлдирган. Бу ҳақда ўзи ҳикоя қилади: «Бадр куни Убайда ибн Саид ибн Осга дуч келдим. У танасини зирх билан тўсиб олган эди, икки кўзидан бошқа ҳеч бир ери кўринмасди. Унинг лақаби Абу Зот ул-Кариш эди. Унинг ўзи менга Абу Зот ул-Каришлигини айтди. Шунда мен унга анзала (икки учли найза) билан ҳужум қилдим ва



кўзларини ўйиб олиб, ўлдирдим». Ҳишом айтади: «Зубайр бундай деган экан: Мен Абу Зот ул-Каришнинг устига оёғимни қўйдим ва найзани қаттиқ тортдим, аммо суғурилиб чиқиши қийин бўлди, амаллаб чиқарганимда унинг икки учи эгри бўлиб қолган эди». Урва ибн Зубайр бундай дейди: «Росулуллоҳ ﷺ ўша найзани Зубайрдан сўраб олдилар. Ул зот вафот этганларидан кейин Зубайр уни қайтариб олди. Сўнг найзани Абу Бакр сўраган эди, берди. Абу Бакр вафот этгач, Умар сўраб олди. Умар вафот этгач, Усмон уни сўраб олди. Усмон шаҳид қилинган, найза Алига тегди. Кейин Абдуллоҳ ибн Зубайр уни сўраб олди ва шаҳид бўлгунга қадар унда қолди».

Бадр ғазотида Зубайр икки марта жароҳатланди. Унинг ўғли Урва бундай дейди: «Зубайрнинг танасида учта жароҳат бор бўлиб, улардан бири елкасининг устида эди, ҳатто менинг бармоқларим сиғадиган даражада эди. Иккита жароҳат Бадр куни, бири эса Ярмук жангида етказилган». Бадр куни Зубайр бошига сариқ салла боғлаб олган ҳолда жангга кирган эди. Шунда жанггоҳга сариқ салла кийган фаришталар тушди. Бу ҳақда Росулуллоҳ ﷺ:

«إِنَّ الْمَلَائِكَةَ نَزَلَتْ عَلَى سَيِّمَاءِ الرُّبَيِّ»

«Малоикалар Зубайрнинг сиймосида нозил бўлдилар», деб марҳамат қилганлар. Дарҳақиқат, Зубайр Бадрда қаҳрамонлик билан жанг қилди ва Аллоҳ йўлида қилич кўтарган энг жасур саҳобийлардан бири бўлди.

Уҳуд жанги:

Уҳуд жангида, одамлардан кўпчилиги қочган пайтда, Росулуллоҳ ﷺ билан бирга собит турган Зубайр ибн Аввом бўлди.

Ҳа, Зубайр Уҳуд жангида иштирок этди ва жангдан кейин Росулуллоҳ ﷺ томонидан Қурайш қўшинини таъқиб қилиш учун танлаб олинган саҳобалардан бири бўлди. Оиша онамиз Аллоҳ Таолонинг

﴿الَّذِينَ اسْتَجَابُوا لَِّهِ وَالرَّسُولِ مِنْ بَعْدِ مَا أَصَابَهُمُ الْقَرْحُ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا مِنْهُمْ وَاتَّقُوا أَجْرٌ عَظِيمٌ﴾

«Улар ўзлариға жароҳат етганидан кейин ҳам Аллоҳ ва Расулининг чақирғини қабул қилдилар, ана ўшалардан чиройли итоат қилган ва Аллоҳдан қўрққан зотлар учун улуғ ажр-мукофот бор» [Оли Имрон 172]

деган каломини ўқиб, Урвага қуйидагини ҳикоя қилиб берган: «Эй жияним, сенинг оталаринг Зубайр ва Абу Бакр ҳам шу оятда айтилганлардан эди. Уҳуд кўни Росулulloҳ ﷺ га етган мусибатдан кейин мушриклар чекинганида, Росулulloҳ ﷺ улар қайта келишидан хавфсирадилар ва «Ким уларнинг изидан боради?» деб сўрадилар. Шу пайт етмиш киши тайёр бўлди. Уларнинг орасида Абу Бакр ва Зубайр ҳам бор эди».

Уҳуддан сўнг мусулмонлар Мадинаи Мунавварага қайтдилар ва ўзлари билан бирга асирларни ҳам олиб келдилар. Шунда Росулulloҳ ﷺ Зубайрга Абу Изза Жумаҳийни қиличдан ўтказишни буюрдилар. Ибн Ҳишом бу ҳақда ривоят қилади: «Росулulloҳ ﷺ уни (Абу Иззани) Бадр жангида асир олган, сўнг уни кечириб юборган эдилар. Кейин у яна жангда иштирок этди. У зотга «эй Аллоҳнинг Расули, мени (яна) кечиринг», деди. Бироқ Росулulloҳ ﷺ: «Аллоҳга қасамки, сен яна Маккада юзингни сийпаб, Муҳаммадни икки марта алдадим», демайсан! Эй Зубайр, уни қиличдан ўтказ», дедилар. Зубайр уни қиличдан ўтказди (қатл қилди)».

Хандақ жанги:

Хандақ жангида Росулulloҳ ﷺ Зубайрни Бану Қурайза ҳақида хабар билиб келиш учун юбордилар. Унинг бу фидокорлиги ва амрига итоатини кўриб, Росулulloҳ ﷺ Зубайрга «Сизга ота-онам фидо бўлсин», дедилар.

Ҳа, Зубайр Хандақ жангида қатнашди ва унда Махзум қабиласидан Навфал ибн Абдуллоҳ ибн Муғийрани ўлдирди. Ибн Исҳоқ ривоят қилади: «У Навфални қилич

билан уриб, иккига бўлди, ҳатто қиличи сал ёрилди ҳам.
Сўнг жангдан қайтар экан, қуйидаги шеърни ўқир эди:

Мен бир мард эркакман – ҳимоячи,
Умий Мустафо Пайғамбарни асраб,
Унинг ҳимояси – аслида менга паноҳ,
Жоним фидо, унга сидқий садоқат.

Аҳзоб куни мусулмонлар орасида Бану Қурайза биз билан тузган аҳдни бузибди деган гаплар тарқалди ва Росулulloҳ ﷺ уларнинг ҳақиқатда аҳдни бузишларидан хавотирландилар. Шу сабабли Зубайр ибн Аввомни Бану Қурайзадан хабар топиб келиш учун юбордилар. Бу ҳақда Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Ҳаром бундай ривоят қилади: Аҳзоб куни Росулulloҳ ﷺ «Ким бизга бу қавмдан хабар топиб келади? – деб сўрадилар. Зубайр «мен» деди. У зот яна «Ким бизга бу қавмдан хабар топиб келади? – деб сўрадилар. Зубайр «мен» деди. У зот яна «Ким бизга бу қавмдан хабар топиб келади? – деб сўрадилар. Зубайр «мен» деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ

«إِنَّ لِكُلِّ نَبِيٍّ حَوَارِيًّا، وَحَوَارِيَّ الرَّبِيِّرْ»

«Ҳар бир пайғамбарнинг ҳаворийси бор, менинг ҳаворийим Зубайрдир», деб марҳамат қилдилар». Зубайр кетди ва қавмни текшириб қайтди ва «ё Росулulloҳ, мен уларни кўрдим, қалъаларини таъмирлашмоқда, йўлларини мустаҳкамлашмоқда ва мол-дунёларини бир жойга йиғишмоқда», деди. Ўша куни Росулulloҳ ﷺ Зубайрга ота-онасини биргаликда жамлаб, бундай дедилар: «Сизга ота-онам фидо бўлсин!». Зубайрнинг ўғли Абдуллоҳ ривоят қилади: Аҳзоб куни мен ва Умар ибн Абу Салама аёлларнинг мудофаасида эдик. Қарасам, Зубайр от миниб, Бану Қурайза томон икки ёки уч марта қатнади. Кейин у қайтиб келгач, «отажон, сизни бориб-келиб юрганингизни кўрдим-а?», деб сўрадим. Отам, «сен мени кўрдингми, ўғлим?», деб сўрагани, ҳа, дедим. Ўшанда отам бундай дедилар: Росулulloҳ ﷺ: «Ким менга Бану Қурайза қавмидан хабар топиб келади?»

деб сўрадилар, мен хабар топгани кетдим. Қайтиб келганимда Росулulloҳ ﷺ мен учун отаси ва онасини жамлаб: «Сизга отам ва онам фидо бўлсин!» дедилар».

Хайбар жанги:

Зубайр رضي الله عنه Хайбар ғазотида ҳам қатнашди ва унда Марҳабнинг акаси яҳудий Ёсир ибн Абу Зайнабни ўлдирди. Бу ҳақда Ибн Исҳоқ ривоят қилади: «Марҳаб ўлдирилгандан кейин унинг акаси Ёсир чиқиб: Ким мен билан яккама-якка курашга чиқади?! – деди. Ҳишом ибн Урваннинг айтишича, ўшанда Марҳабга қарши Зубайр чиққан. Унинг онаси Сафия бинт Абдулмуттолиб бунни кўриб, «ё Росулulloҳ ﷺ: «Йўқ, инша Аллоҳ, ўғлингиз уни ўлдиради», дедилар. Икковлон тўқнашишди ва Зубайр уни ўлдирди». Кейинчалик одамлар Зубайрга: Аллоҳга қасамки, ўша кунни сенинг қиличинг жуда ўткир экан, деганларида, Аллоҳга қасамки, қиличим ўткир эмасди, балки мен уни енгилишга мажбур қилдим, деди.

Макка фатҳи

Зубайр ибн Аввом رضي الله عنه Макка фатҳи, Ҳунайн ва Табук ғазотларида иштирок этиб, биринчи саф саркардаларидан бири бўлди.

Зубайр ибн Аввом Росулulloҳ ﷺ томонидан Хотиб ибн Абу Балтаа ёзган мактубни олиб кетаётган аёлни ушлаш учун Али ибн Абу Толиб билан бирга юборилган саҳобалардан эди. Али, Зубайр ва Миқдод биргаликда йўлга чиқдилар ва Мадинадан 12 мил узоқликда жойлашган «Равзат Хох» деган жойда у аёлни ушладилар. Улар унга таҳдид қилиб, агар мактубни чиқармаса, уни тинтув қилишларини айтдилар. Шунда у мактубни чиқариб, уларга топширди.

Макка фатҳида мусулмонлар Маккага кирган пайтда Зубайр муҳожирларнинг учта байроғидан бирига эгалик қилган. Росулulloҳ ﷺ Холид ибн Валидни қўшиннинг ўнг қанотига, Зубайрни чап қанотига, Абу Убайдани эса қўшин марказидаги пиёда аскарларга етакчи қилиб

тайинладилар. Ансорлар байроғи эса Саъд ибн Убодада эди. У Абу Суфённинг ёнидан ўтиб кетаётганда унга шундай деди: «Бугун ҳақиқий жанг куни, бугун ҳурматлар бузилади, бугун Аллоҳ Қурайшни хор қилади». Росулulloҳ ﷺ Абу Суфённинг ёнидан ўтаётганларида у шундай деди: «Ё Росулulloҳ, Саъд нима деганини эшитмадингизми?» Росулulloҳ ﷺ «У нима деди?», деб сўрадилар. Абу Суфён айтди: «У шундай-шундай деди». Шунда Усмон ибн Аффон ва Абдурраҳмон ибн Авф шундай дедилар: «Ё Росулulloҳ, биз Саъднинг Қурайшга қаттиқ муносабатда бўлишидан хавотирдамиз». Шунда Пайғамбар ﷺ дедилар: «Йўқ, балки бугун Каъба улуғланадиган кун, бугун Аллоҳ Қурайшни азиз қилади!». Сўнгра у киши Саъдга одам юбориб, байроқни ундан олиб қўйдилар ва уни Саъднинг ўғли Қайсга бердилар. Баъзи ривоятларда байроқнинг Саъддан олинмагани айтилган, бошқа ривоятларда эса, унинг Зубайрга берилгани айтилган.

Зубайр Ислом байроғини Ҳажундаги Фатҳ масжиди ёнига ўрнатди. У ерда у учун чодир тикилди ва у Росулulloҳ ﷺ етиб келгунларича жойидан қимирламади. Шунда Аббос ибн Абдулмутталиб унга бундай деди: «Эй Абу Абдуллоҳ, Росулulloҳ ﷺ сенга байроқни айнан шу ерга ўрнатишни буюрдиларми?!»

Хулафои рошидинлар у даврида:

Росулulloҳ ﷺ вафот этганларидан сўнг, Зубайр Мадина қўриқчилардан бири бўлди. Чунки араб қабилаларининг кўпчилиги муртад бўлган ва кўплаб бадавийлар Мадинага ҳужум қилиш ниятида эдилар. Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه Мадинанинг дарвозаларида кеча-кундуз қўриқлайдиган одамларни тайинлади. Улар орасида Али ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Аввом, Талҳа ибн Убайдуллоҳ ва Саъд ибн Абу Ваққослар бор эди. Зубайр Абу Бакр Сиддиқ билан бирга муртадларга қарши урушларда жанг қилди ва кейинчалик Шомга жиҳодга чиқди.

Ярмук жанги:

Зубайр ибн Аввом Ярмук жангида ҳам қатнашди. Бу жанг Абу Бакр халифалигининг охирлари ва Умар ибн Хаттоб халифалигининг бошларида бўлди. Ибн Касир бундай дейди: «Зубайр ибн Аввом Ярмук жангида қатнашган саҳобалар орасидан энг фазилатлиси эди. У чавандоз ва жасур эди. Ўша куни бир гуруҳ қаҳрамонлар унинг ёнига келиб «ҳамла қилсангиз, биз ҳам сиз билан ҳамла қиламиз?», дедилар. Зубайр «сизлар бардош беролмайсизлар», деганди, «йўқ, бардош берамиз», дедилар. Зубайр душманга ҳамла қилди, улар ҳам ортидан ҳамла қилдилар. Рум аскарлари билан тўқнаш келганларида саҳобалар чекиндилар, Зубайр олдинга босди, душман сафини ёриб, бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқди ва саҳобаларга қайтди. Саҳобалар унинг олдига келдилар. Зубайр иккинчи марта душманга худди шундай ҳамла қилди. Ушбу жангда у елкасидан икки жароҳат олди, бир ривоятда битта жароҳат дейилган». Урва айтади: Зубайрнинг танасида учта яра бор эди, бири елкасидаги тешик бўлиб, ҳатто бармоқларимни киритсам сиғадиغان даражада катта эди. Икки ярани Бадр куни, учинчисини Ярмук куни олган эди.

Миср фатҳи

Зубайр ибн Аввом Миср фатҳида ҳам иштирок этди. Амр ибн Ос Мисрни фатҳ қилиш учун борганда, халифа Умар ибн Хаттоб  дан ёрдам сўради. Умар унга мадад кучлари сифатида Зубайр ибн Аввом раҳбарлигида қўшин юборди. Мусулмон тарихчиларнинг таъкидлашларича, халифанинг юборган ёрдами 12000 жангчи бўлган. Баъзилар бу сонни 10000 деб ривоят қиладилар. Мусулмонлар Зубайр ибн Аввом, Убода ибн Сомит, Миқдод ибн Асвад ва Маслама ибн Мухаллад Ансорий каби улуғ саҳобаларнинг келишидан мамнун бўлдилар.

Шамсиддин Заҳабийнинг айтишича, Зубайр Миср томон жиҳод учун йўл олганида, Миср амири Амр ибн Ос унга мактуб ёзиб: «Мисрда вабо тарқалган, шунинг учун у ерга кирманг», дейди. Зубайр эса: «Мен ўзи шу вабо ва боло

учун (яъни шаҳид бўлиш учун) ғазотга чиққанман», дейди. У Мисрга кирди ва пешонасига найза санчилиб, жароҳат олди.

Зубайр Бобилиён қалъасини фатҳ қилишда муҳим роль ўйнаган. У бир гуруҳ мусулмонлар билан бирга қалъа деворига чиқиб, такбир айтдилар. Қалъа аҳли такбирни эшитиб, мусулмонлар қалъага бостириб кирдилар деб ўйлашди ва ўз ўринларини ташлаб қочишди. Шунда Зубайр девордан тушиб, қалъа дарвозасини очди ва Ислом лашкарлари ундан кириб бордилар. Бошқа ривоятда бундай дейилади: Зубайр деворга чиқди, қалъа қўриқчилари бундан хабар топишди ва Амр ибн Осга дарвозани очиб, сулҳ таклифи билан чиқишди, Амр уларнинг таклифини қабул қилди. Шунда Зубайр улар томонга тушди ва улар билан бирга қалъа дарвозасидан чиқиб Амрнинг ҳузурига борди. Шу билан Бобилиён қалъаси фатҳ қилинди. Шунингдек, Зубайр Амр ибн Оснинг Миср аҳли билан тузган сулҳ шартномасига гувоҳ сифатида имзо чеккан.

Умар ибн Хаттоб пичоқланиб, вафоти яқинлашганда ўзидан кейин халифалик масаласини ҳал этиш учун шўро-маслаҳат чақиришни васият қилди. Шўро Росулulloҳ ﷺ вафот этган вақтда улардан рози бўлган олти буюк саҳобийдан иборат эди: Усмон ибн Аффон; Али ибн Абу Толиб; Талҳа ибн Убайдуллоҳ; Зубайр ибн Аввом; Абдурраҳмон ибн Авф; Саъд ибн Абу Ваққос.

Зубайр ибн Аввомнинг машҳур сўзи:


«Биз – шаҳид бўлиб ўладиган Умматмиз, бизга нима бўлдики, мен тўшақда ётиб ўлаётганлар кўпайганини кўрмоқдаман?!».

Шаҳид бўлиши

Зубайр ибн Аввом ﷺ Росулulloҳ ﷺ ҳаётлик чоғларидаги барча ғазотларда қатнашди. Бадр жангида ўнг қанот қўмондони бўлди, Макка фатҳида муҳожирларнинг уч байроғидан бирини кўтариб борди. Миср фатҳида Амр ибн Осга ёрдам сифатида Умар ибн

Хаттоб томонидан юборилган саҳобалар сафида бўлди. Умар  уни халифалик шўросидаги олти саҳобий қаторига киритган. Умар улар ҳақида: «Росуллоҳ  бу саҳобалардан рози бўлган ҳолда вафот этганлар», дейди. Усмон ибн Аффон  шаҳид қилинганидан кейин, Зубайр Усмоннинг қотилларидан қасос олишни талаб қилиб Басрага юзланди, лекин у Жамал жангида Амр ибн Жармўз томонидан ўлдирилди. Унинг шаҳидлиги ҳижрий 36 йилнинг ражаб ойида, Зубайрнинг 64 ёшида содир бўлди. Росулulloҳ  Зубайрга шундай васият қилгандилар: «Сиз Али билан уришасиз ва сиз унга золим бўласиз». Шу васиятни эслаб, Зубайр жангдан қайтиб кетди, аммо ўзи хоинлар томонидан ўлдирилиб, шаҳидлик мақомига етди.

Аллоҳ Зубайрни раҳмат қилсин, ҳақиқатда у зулмга асло рози бўлмайдиган, ботилга сукут қилмайдиган, Исломдан ҳаргиз воз кечмайдиган мусулмон чавандознинг рамзи бўлиб қолди. □



ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

ИНСОН НАФСИНИНГ ТАБИАТИ

Халифа Муҳаммад – Иордания

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿زَيْنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ
وَالْخَلِيلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَمِ وَالْحَرِثِ ذَلِكَ مَتَاعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَقَابِ ﴿١٠﴾
قُلْ أُوْتِيتُكُمْ بِخَيْرٍ مِّنْ ذَلِكَ لِّلَّذِينَ اتَّقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرَى مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ
خَالِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُّطَهَّرَةٌ وَرِضْوَانٌ مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ﴾

«Инсонларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, зийнатланган отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг (ўтқинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой – жаннат бор. Айтинг (эй Муҳаммад): «Сизларга булардан яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми? Тақводор кишилар учун Роббилари ҳузурида улар абадий қоладиган, тағларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар, покиза жуфтлар ва Аллоҳнинг ризолиги бор, (Аллоҳ) бандаларни кўриб тургувчидир»» [Оли Имрон 14-15]

Ушбу икки оятнинг биринчиси фоили зикр қилинмаган ўтган замон мажҳул сийғасида келди. Феълнинг масдари تزين яъни бир нарсага зийнат бериш, чиройли қилиш демакдир. Зийнат инсон табиатида бор нарса, асли шундай қилиб яратилган: шаҳватларга мойил, уларни севадиган қилиб яратилган. Бу – оятда баён қилинган шаҳватларга ҳам, улардан бошқа шаҳватларга ҳам тааллуққидир. Зийнат берувчи эса барча нарсани яратиб, расо қилиб қўйган, ҳар бир нарса учун муносиб йўлни белгилаб, у нарсани ўша йўлга ҳидоят қилиб қўйган зот – Аллоҳ Субҳанаҳудир. الشهوة сўзи شهوة сўзининг кўплик шакли бўлиб, у فعلة вазнидаги масдар ул-марра (яъни бир марталик масдар) ҳисобланади. Бу сўз хоҳланган ҳар қандай нарсани такрор-такрор ишташ маъносини англатади,

яъни шаҳват инсонда қайта-қайта юзага келадиган хоҳишларни ифодалайди.

Биринчи оятда инсон нафсини жалб қилувчи икки турдаги шаҳват зикр этилган. Биринчиси инсон навини сақлаб қолишга алоқадор бўлиб, у аёллар ва фарзандларга бўлган муҳаббатдир. Шайх Тоҳир ибн Ошур айтади: «Аёллар, фарзандлар ва улардан кейинги шаҳватлар инсонга хос асосий шаҳватлар бўлиб, улар турли халқлар, замонлар ва маконлар орасида фарқ қилмайди. Аёлларга мойиллик инсон табиатига жойланган. Бу – инсон турининг сақланиши учун Аллоҳ томонидан ўрнатилган табиий майлдир. Аёл киши наслни давом эттириш жойи қилиб яратилган. Шунинг учун эркакка унга мойиллик фитратан берилган. Бу эса наслнинг сақланиши мажбурий ва зериктирувчи ҳаракатларга муҳтож бўлмаслиги учун жорий этилган. Фарзандларга муҳаббат ҳам инсон табиатида мужассам: Аллоҳ ота-онанинг қалбига фарзандни ўзидан бир бўлак деб ҳис қилувчи туйғуни жорий қилган. Бу туйғу келажак авлодга ғамхўрлик қилиш ва инсон турининг сақланишига хизмат қилади. Шунингдек, фарзанд – инсон кучсизликка юз тутганда уни ҳимоя қилувчи тиргакдир. Қайсики, ота ўз фарзандини ҳимоя қилган бўлса, фарзанд ҳам ота-онасини қариликда ҳимоя қилади».

Иккинчи тур шаҳватлар инсоннинг ўзини сақлаши билан боғлиқ. Булар: мол-мўлк – олтин ва кумушнинг кўплиги, зийнатланган отлар, чорва моллари ва экинзорларга бўлган муҳаббатдир. القناطر сўзининг кўплик шакли бўлиб, араб тилига четдан кириб қолган сўз. У юз ратл (тақрибан 45 кг) миқдоридаги оғирликни англатади. مقنطرة дегани кўпайтирилган, жуда кўп миқдорни англатади. Инсон табиатан олтин у кумушни севадиган бўлиб яратилгандир. Бу севгининг чеки йўқ. Бунини Росулulloҳ ﷺнинг ушбу ҳадиси тасдиқлайди:

«لَوْ كَانَ لِابْنِ آدَمَ وَادِيَانِ مِنْ ذَهَبٍ، لَأَبْتَعِيَ إِلَيْهِمَا الثَّالِثَ، وَلَا يَمَلَأُ جَوْفَ بَنِي آدَمَ إِلَّا التُّرَابُ»

«Одам боласининг икки водий тилласи бўлса, у учинчисини ҳам истайди. Одам боласининг қорнини фақат тупроқ тўйдиради».

Оятдаги الخيل المسومة ҳақида шайх Тоҳир ибн Ошур бундай дейди: «المسومة – яйловда боқиладиган деганидир. Бу сўз سوم

сўздан иштиқоқ қилинган, масалан, *أَسَامُ الْمَاشِيَةِ* чорвани ўтлоққа чиқарди, деганидир. Демак, *فَعَلَّ* сўз ўзаги кўпайтириш маъносини билдиради, яъни улар яйловларда узоқ муддат боқиб қўйиладиган (отлаб юрадиган) ҳайвонлардир. Бу эса уларнинг эгалари бой, уларда кўп яйлов ва мулк борлигидан дарак беради ва уларнинг отлари яйлов ва боғларида боқилиб, эъзозланади.

أَنْعَامُ чорвалар саҳро халқлари учун зийнат, шу чорва орқали турли фойдалар олишади. Улардан баъзилари Қуръони Каримда зикр қилинган.

حَرْثُ сўзи аслида ер ҳайдамоқ сўзининг масдари бўлиб, экин ёки дарахт экиш учун ерни бирор асбоб ёрдамида ковлаш демакдир. Бу сўздан боғлар, тоқзорлар ва экин майдонлари ҳам назарда тутилади.

Ушбу ояти каримада зийнатлар дунё ҳаётининг матолари деб сифатланди. Бу тавсиф жуда аниқ ва ҳақиқатга тўғри келувчи таърифдир. Чунки улар фақат вақтинчалик лаззат берувчи воситалар бўлиб, уларнинг барчаси ўтиб кетади, аммо Аллоҳ ҳузуридаги неъматлар абадийдир. Бу маъно оятнинг охирида очиқ баён қилинган:

﴿وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَبَآئِ﴾

(Аллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой – жаннат бор).

Иккинчи оят Аллоҳ Таолонинг Ўз Росулига хитоби билан бошланди:

﴿قُلْ أَوْفَيْتُكُمْ بِحَيْثُ مِّنْ ذَٰلِكُمْ﴾

(Айтинг (эй Мухаммад): «Сизларга булардан яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми). Бу савол кейин келадиган нарсага қизиқтириш мақсадида келтирилган. Бу нарса тақводорлар учун Роббилари ҳузурида тайёрлаб қўйилган ажрга қизиқтиришдир. Бу ажр остидан дарёлар оқиб турадиган жаннат бўлиб, у ерда уларни абадий ҳаёт, айблардан ва нафс безор бўладиган нарсалардан пок жўфтлар ҳамда энг улўф неъмат – Аллоҳнинг розилиги кутади. Бу фоний дунёда шаҳватларга эргашган кимсалар эса Аллоҳнинг розилигидан маҳрум қолади. Оят Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг одамлар борасидаги илмининг ҳақиқатини зикр қилиш билан

яқунланади. Аллоҳ одамларни яратди, У одамларга қандай шаҳватларни жойлаганини яхшироқ билади ва У одамларнинг қилаётган амалларини кўриб тургувчидир.

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«(Ахир) яратган Зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир»

[Мулк 14]

Оятдаги шибҳ жумла бўлмиш хабар, яъни «لِّلَّذِينَ أَنْقَوْا» (тақводорлар учун) мубтадо бўлмиш «جَدَّاتٌ» (жаннатлар) сўзидан олдин келган. Бунинг сабаби хабари муқаддам ўз ичига олган сифатнинг, яъни тақвонинг жуда муҳимлигидир. Тақво – банда ўзининг катта ва кичик ҳар бир ишида Аллоҳ Таолонинг буйруқ ва қайтариқларига амал қилишидир. Бу инсон ўзи ёқтирган шаҳватларни Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ қондиришини англатади. Ана шунда инсон ўзининг моддий амалларини Аллоҳ ризосини ишташ билан боғлайди, яъни моддани руҳ билан боғлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бу икки оят инсон табиатидаги уч ғаризага ишора қилади. Биринчи: нав ғаризаси. Бу оятда унинг икки кўриниши – аёллар ва фарзандлар айтилди. Иккинчи: бақо ғаризаси. Бу ғариза мулкка мойиллик, шон-шараф, хўжайинлик ва отларга эга бўлиш кўринишида келади. Учинчи: тадайюн ғаризаси. Бу қайтадиган жой – жаннат Ўз қўлида бўлган Холиқ Субҳанаҳу ва Таолони улуғлаш кўринишида ҳамда амалларни қилиш ва шаҳватларни қондиришда тақво қилиш кўринишида келган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, инсон табиатидаги мазкур ғаризалар ва уларнинг турли кўринишлари, шунингдек, инсондаги узвий эҳтиёжлар, буларнинг барчаси инсонни ҳаракатга ундайдиган кучлардир. Улар инсонда ушбу ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондириш учун амал қилиш истагини пайдо қилади. Бироқ бу қондириш учун тушунчалар бўлиши шарт. Чунки инсон қондирадиган нарсалар орасида ўз тушунчасига қараб танлов қилиб, баъзисини афзал кўради, баъзисини рад этади. Бу эса унинг мавжуд тушунчаларига, ҳаётга нисбатан нуқтаи назарига ва дунёдаги олий мақсад ва тақдирий масаласига боғлиқ. Мана шуларнинг ҳаммаси оятда «тақво» атамаси билан жамланди. Бунга сабаб инсон ақли ғаризаларни

қондиришда бирор тузум туза олмайди, қонун чиқаришга ожиз. Бунга қодирлик эса фақат Аллоҳ Таолога хосдир. Аллоҳ инсонни яратди, унга вазифа юклади ва қиёмат кунда у қилган амаллар учун сўроқ қилади. Кимки ўз шахватларини Ислом ақидасидан балқиб чиққан шариат аҳкомлари асосида, Аллоҳнинг тузумига мувофиқ равишда қондирса, қиёмат кuni жаннат ва ундаги абадийликка эришади. Аммо ким Аллоҳ Таолонинг ушбу тузумидан юз ўгирса, унинг жазоси Аллоҳ томонидан азоб-уқубат бўлади. Аллоҳ Таоло бундайларни фойдаланиш ва ейишдан бошқа мақсади бўлмаган ҳайвонларга ўхшатган. Ҳақ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَالَّذِينَ كَفَرُوا يَتَمَتَّعُونَ وَيَأْكُلُونَ كَمَا تَأْكُلُ الْأَنْعَامُ وَالنَّارُ مَثْوًى لَّهُمْ﴾

«Кофир бўлган кимсалар эса (мана шу ҳаёти дунёнинг ўткинчи лаззатларидан) фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек еб-ичурлар ва уларнинг жойлари дўзах бўлур!»

[Мухаммад 12]

Хулоса қилиб айтганда, ушбу икки оят инсон нафсини ўрганиш учун мустаҳкам асос бўла олади. Уларга Қуръони Каримда инсон нафси ҳақида зикр этилган бошқа кўплаб оятларни қўшганда инсон нафсининг ҳақиқий моҳиятини очиб беради, уни тўғри тарбиялашга йўл кўрсатади, ўз навбатида, бу дунёдаги саодатга ва охиратдаги Аллоҳ Таолонинг розилиги билан нажот ва муваффақиятга олиб боради. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
АҚШнинг Яқин Шарқ бўйича вакили ўринбосари: «Ҳизбуллоҳ»ни қуролсизлантириш бутун Ливан ҳудуди бўйлаб амалга оширилиши керак		
Яқин Шарқ бўйича АҚШ махсус вакили ўринбосари Морган Ортагус Ливан ҳукуматини «Ҳизбуллоҳ»ни қуролсизлантириш масаласида қарор қабул қилишга чақирди. У сешанба куни Давҳада бўлиб ўтган Қатар иқтисодий форумида сўзга чиқиб, Ливаннинг бу борада ҳали кўп иш қилиши кераклигини таъкидлади. Ортагус жумладан бундай деди: «Ливан расмийлари сўнгги 6 ой ичида ўтган 15 йил ичида қилган ишларидан ҳам кўпроғини бажаришган».		
Бу америкалик расмий аёлнинг таъкидлашича, АҚШ «Ҳизбуллоҳнинг тўлиқ қуролсизлантирилиши»ни талаб қилмоқда ва бу талаб «фақат Литаний дарёси жанубига эмас, балки бутун мамлакат ҳудудига тааллуқли». Шў муносабат билан у Ливан расмийларини «бу борада қарор қабул қилишга» чақирди.		
Ливан президенти Жозеф Авн эса жорий йилнинг апрел ойи охирида Франция Сенати делегацияси олдида қилган чиқишида «қурол фақат давлат қўлида бўлиши керак деган қарор қабул қилинганини ва уруш тилига қайтишга йўл қўйилмаслигини» таъкидлаган эди. Бу билан у «Ҳизбуллоҳ» қуролига ишора қилган эди.		
Лекин у «Ливан армиясининг бутун ҳудуд бўйлаб жойлашиш жараёнини тезлаштириш учун Исроил бешта тоғ текислигидан чиқиб кетиши зарурлиги»ни таъкидлади. Авннинг сўзларига кўра, «Исроил 2024 йил 27 ноябрда тузилган ўт очишни тўхтатиш келишувини 3000 мартадан ортиқ бузган».		
Ал-Ваъй:		
Американинг Ливандан нима истаётгани аллақачон аниқ бўлган. У Ливанни яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштирган давлатлар қаторига қўшилиши ҳамда Сурия ва Саудия билан бир қаторда «Иброҳим келишуви»га қўшилишини истаяпти. Ҳукмдорлар эса, одатдагидек, буни бажаришга тайёр туришибди: аввалига «қурол фақат давлат қўлида бўлиши керак» шиори билан, кейин эса «аввало ватан манфаати» деган даъво билан.		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Ҳисобот: Жосус Эли Коэн архиви – Шара томонидан «Исроил»га берилган совға, Дамашқ эса яқин кунларда унинг жасадини ҳам топширади		
«Рейтер» агентлигининг учта юқори мансабли манбага таяниб хабар беришича, «Исроил» ўз жосуси Эли Коэн архивини Дамашқнинг янги ҳукмдорлари берган очиқ розилик асосида қайтариб олган. Улар бу қадам Трамп маъмурияти ва яҳудий вужуди билан яхши ният белгиси сифатида кўрилишини ишташган.		
Тель-Авив аввалроқ 1960 йилларда Моссад учун ишлаган ва 1965 йили Дамашқда фош этилиб қатл қилинган бу жосуснинг архивини мураккаб хавфсизлик амалиёти орқали қайтариб олганини маълум қилганди. Яҳудий вужуди бу амалиёт ҳақида батафсил маълумот бермаган, фақатгина хорижий разведка хизмати билан ҳамкорликда ҳужжатларни чиқариб олишга муваффақ бўлганини билдирган.		
Шу билан бирга, ушбу масалага доир маълумотга эга манбаларнинг, жумладан Суриянинг ўтиш даври президенти Аҳмад Шара маслаҳатчисининг агентликка маълум қилишича, Коэн архивини «Исроил»га топширишни айнан Суриянинг ўзи таклиф қилган. Сурия бу қадамни «исроилликлар» билан ишончни мустаҳкамлаш ва уларни «Дамашқнинг аввал мужоҳид сифатида танилган янги ҳукмдори» борасида хотиржам қилиш мақсадида ташлаган.		
Манбалардан бирининг айтишича, Дамашқ, шунингдек, Эли Коэн жасадини ва шунингдек, 1982 йил Ливанга қилинган яҳудий босқини пайтида Сурия армияси томонидан ўлдирилган бошқа уч нафар «исроиллик» аскар жасадини қайтаришга ҳам рози бўлган. Ҳозирча «Исроил» улардан бири – Цви Фельдман жасадини қайтариб олган.		
Ал-Ваъй:		
Биз энди Суриядаги янги ҳукмдорларнинг АҚШ маъмурияти ёки яҳудий вужуди билан яқинлашувларидан ёки ҳар қандай ён беришларидан ҳайрон бўлмай қўйдик. Чунки янги президент Аҳмад Шара томонидан Трамп, яҳудий вужуди ва халқаро тартибга нисбатан билдирилган позициялар ва кўрсатилган хизматларнинг ўзини кўриб турибмиз. Ҳатто аҳвол		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
шу даражага етиб бордики, Сурия маълум вақтдан кейин «Иброҳим келишуви»га қўшилишга тайёр эканлиги билдирилмоқда!		
Миср армияси яҳудий ҳарбий самолётларини уриб туширишга қодир Хитой ракетасига эга		
Яҳудий вужуди оммавий ахборот воситалари Миср армиясида Хитойда ишлаб чиқарилган «PL-15» радиолокацион ривожланган ракета мавжудлигига доир хавотирларини билдирди. Бу хабар айти ракета яқинда Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги тўқнашувда ҳинд ҳарбий самолётини уриб туширишда қўлланилганидан кейин тарқатилди. «Исроил»нинг Nziv.net ахборот сайтининг таъкидлашича, ушбу «PL-15» ракетаси ёрдамида ҳарбий самолётнинг уриб туширилиши «Исроил»нинг Яқин Шарқ осмонидаги ҳаво устунлигига жиддий таъсир кўрсатади, айниқса, айти ракетага Миср ҳам эга бўлгани учун. Сайтнинг маълум қилишича, бу ракета 300 километрдан ортиқ масофани нишонга олиш қобилиятига эга. Бироқ бу Мисрдаги ракета экспорт версияси бўлгани учун унинг масофаси бор-йўғи тахминан 140 километрни ташкил этади.		
Ал-Ваъй: Мусулмон армияларимиз яҳудий вужудини Оқ уйдаги ҳомийлари билан қўшиб йўқ қилишга қодир имкониятга эга. Аммо Аллоҳ бу ишни амалга оширишга куч-қудрат аҳлидан Ўзи танлаган бандаларинигина муваффақ қилади... Қайдасиз, эй куч-қудрат аҳли, замонамизнинг ансорлари бўлишни истамайсизми?!		
Трамп: «Мен Яқин Шарқдан 5,1 триллион доллар билан қайтдим, ёмон эмас!»		
АҚШ президенти Доналд Трамп Яқин Шарққа қилган сўнги сафари ҳақида сўз юритар экан, уни «ажойиб», деб таърифлади ва ўз мамлакати айти сафардан тахминан 5,1 триллион долларлик фойда билан қайтганини маълум қилиб, буни «умуман олганда, ёмон бўлмаган ютуқ» деб атади. Матбуот баёнотида Трамп бундай деди: «Қатар, Саудия ва Амирликлар билан алоқаларимиз аъло даражада. Бизда		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
улардан ҳам кўп пул бор, лекин олдинлари уни тўғри ишлатмаганмиз». Ал-Ваъй: Мусулмонларнинг жинояткор ҳукмдорлари ўз хожалари Трампни рози қилиш йўлида совураётган бойликлари агар Уммат манфаати йўлида сарфланганда эди, Ислом оламида улкан иқтисодий юксалишга олиб келган бўлур эди. Аммо ҳукмдорлар ўз халқини эмас, тахтларини танлашди! Огоҳ бўлингизки, улар энг ёмон ҳукм чиқаришмоқда!		
Қатар бош вазири: Трампга самолёт ҳадя қилиш иттифоқчилар ўртасидаги оддий ишдир!		
Қатар бош вазири ва ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад ибн Абдурахмон Оли Сони ўз мамлакати томонидан АҚШ президенти Доналд Трампга президентлик ишларига хизмат қилиши учун ҳашаматли самолёт совға қилинганига оид танқидларни қоралади. У Қатар иқтисодий форумидаги йиғинида айтиб масалага тўхталиб, «бу икки давлат мудофаа вазирликлари ўртасида бўладиган табиий муносабат, икки томонлама ҳамкорлик доирасида амалга ошириладиган ва иттифоқчилар ўртасида содир бўладиган оддий ҳолат», деди. Ал-Ваъй: Ислом ва мусулмонлар душмани бўлмиш Америка Қатар бош вазири наздида иттифоқчи давлатдир. Шунинг учун у айтиб давлат президентиға суюкли дўстлар каби 400 миллион долларлик самолёт совға қилди! Ҳолбуки, мана шундай иттифоқчиликлар қилинаётган бир вақтда Ҳазода болалар, аёллар ва эркаклар очликдан ҳалок бўляпти! Мардлиги ҳам, дини ҳам қолмаган бу номуссиз ҳукмдорларға Аллоҳнинг лаънати бўлсин!		
Яҳудий ахборот воситалари: Ҳазодаги урушға қарши норозилик кучаймоқда, ҳарбий босим эса асирларни озод этмайди		
Сўнгги пайтларда яҳудий аскарларининг Ҳазо секторидаги урушға қайта киришдан бош тортаётгани ҳақидаги хабарлар тобора кўпаймоқда. «Шарон» нашрининг ёзишича, айрим аскарлар ўз қўмондонларига «биз 2 йил 10 ой ҳарбий хизматда		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
бўлдик, ер усти амалиёти бошланган илк кундан оловни тўхтатиш режимигача жанг қилдик, энди руҳан чидамай қолдик», дейишган. Армия илгари бундайларни жангга оид бўлмаган вазифаларга тайинлаб келган, аммо бу сафар уларни суд қилиш ва қамоққа олиш билан таҳдид қилмоқда. Ал-Ваъй: Бир гуруҳ сабрли, умидвор мўминлар яҳудий қўшинини шундай ҳолга келтирдилар, энди агар мусулмонлар армияларидан бири уларга қарши жанг қилса нима бўларкин?!		
«Исроил» Иордания чегарасида хавфсизлик панжараси қуришга қарор қилди		
«Исроил армияси радиоси»нинг хабар беришича, «Исроил» сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича кичик вазирлар кенгаши Иордания билан шарқий чегарада хавфсизлик девори қуриш режасини тасдиқлади. Радио шунингдек, режада For (Жанубий Қуддус водийси) устидан назоратни кучайтириш учун аҳоли пунктлари, фермалар ва тайёргарлик лагерларини ташкил этиш кўзда тутилганини қўшимча қилди. Радионинг хабар беришича, мудофаа вазирлиги ва армиянинг режаси босқичма-босқич бир неча қаватли мудофаа тизимини қуришни ўз ичига олади. Ушбу тизим 425 километр масофада бўлиб, босиб олинган Жўлон тепаликлари жанубидан Эйлат шимолигача бўлган ҳудудни қамраб олади. Ўтган апрел ойида The Times of Israel газетасида бундай дейилган эди: Исроил Иордания билан чегарада янги панжара қуришни бошлашга қатъий қарор қилган. Ушбу панжара қуруллар ва наркотиклар контрабандасини тўхтатишга қаратилган бўлиб, қуриш ишлари учун тахминан 1,4 миллиард доллар сарфланади. Унинг қурилиши тахминан 3 йилда якунланиши кутилмоқда. Ал-Ваъй: Аллоҳ Таолонинг мана бу сўзи ҳақдир: ﴿لَا يُقَاتِلُونَكُمْ جَمِيعًا إِلَّا فِي قَرْىٍ مُحْصَنَةٍ أَوْ مِنْ وَرَاءِ جُدُرٍ بَأْسُهُمْ بَيْنَهُمْ شَدِيدٌ تَحْسَبُهُمْ جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّىٰ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْقِلُونَ﴾		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
«Улар (мунофиқ ва яҳудийлар) сизларга қарши бирлашган ҳолларида фақат қалъа-қўрғонли қишлоқлар ичида (беркиниб) ёки деворлар ортидагина жанг қилиша олур, ўз ўрталарида гўё кучли-қувватлидир, сиз уларни бир деб ҳисоблайсиз-у, (аммо) диллари хилма-хилдир, бунга сабаб уларнинг ақлсиз қавм эканликларидир» [Ҳашр 14] Бироқ бу уларга ҳеч қандай наф келтирмайди, чунки Аллоҳ Таоло яна шундай дейди: ﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيَسْتَوُوا وُجُوهَكُمْ وَلِيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلِيُتَبِّرُوا مَا عَلَوْا تَتْبِيرًا﴾ «Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборурмиз)» [Исро 7] □		

МУСУЛМОН ҲУКМДОРЛАР БОШҚАРУВИ АҲМОҚЛАР БОШҚАРУВИ БЎЛМАСА, УНДА КИМНИНГ БОШҚАРУВИ?

М. Боҳир Солиҳ – Фаластин

Каъб ибн Ужра رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«أَعَاذَكِ اللَّهُ مِنْ إِمَارَةِ السُّفَهَاءِ، قَالَ: وَمَا ذَاكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: أُمَرَاءُ سَيَكُونُونَ مِنْ بَعْدِي، مَنْ دَخَلَ عَلَيْهِمْ فَصَدَّقَهُمْ بِكَذِبِهِمْ وَأَعَانَهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، فَلَيْسُوا مِنِّي، وَلَسْتُ مِنْهُمْ، وَلَا يَرِدُوا عَلَيَّ الْخَوْصَ، وَمَنْ لَمْ يَدْخُلْ عَلَيْهِمْ وَيُصَدِّقَهُمْ بِكَذِبِهِمْ وَلَمْ يُنْهَهمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، فَأُولَئِكَ مِنِّي، وَأَنَا مِنْهُمْ، وَأُولَئِكَ يَرُدُّونَ عَلَيَّ الْخَوْصَ»

«Мен Аллоҳдан сени аҳмоқларнинг бошқарувидан паноҳ беришини сўрайман. Мен: бу (аҳмоқларнинг бошқаруви) нима дегани эй Аллоҳнинг Росули, деб сўрадим. У зот ﷺ шундай дедилар: Улар мендан кейин келадиған бошчилар. Ким уларнинг ҳузурига кириб, уларнинг ёлғонини тасдиқласа ва зулмларида уларга ёрдам берса, бас, улар мендан эмас ва мен ҳам улардан эмасман. Улар менинг ҳавзимга (Ҳавзи Кавсарга) ҳам келишмайди. Ким уларнинг ҳузурига кирмаса, уларнинг ёлғонини тасдиқламаса ва зулмларида уларга ёрдам бермаса, бас, улар мендан ва мен ҳам уларданман. Улар менинг ҳавзимга келадилар». (Термизий ва Насоий ривояти).

Ҳукмдорларнинг аҳмоқлиги Трампнинг Форс кўрфазига қилган сўнги турнесида яққол намоён бўлди. Улар Аллоҳнинг ва Умматнинг душмани бўлган АҚШ президенти Доналд Трампни тантанавор кутиб олишди. Ерга қизил ва бинафша гиламлар тўшаб, Трампни дабдабали саройларда байрам билан кутиб олишди. Гўё у осмондан тушгандек, уни кутиб олиш учун шаҳзодалар, элчилар ва тарафдорлар тўпланди.

Сўнгра улар Трампга миллиардлаб долларларни беришди. Трампнинг сўзларига кўра, бу миқдор 5,1 триллион долларга етган. Бу пуллар сохта келишувлар ва инвестициялар баҳонаси билан топширилди. Бу маблағлардан фақат Америка ҳамда бунга ўз мамлакатининг ютуғи деб мақтаниб айтган Трампгина фойда кўради.

Инсоннинг ўз душманини байрам қилиб кутиб олишдан ҳамда унга ёрдам бериб, уни қўллаб-қувватлаб, ўзига қарши кучайтиришидан кўра каттароқ аҳмоқлик бўлиши мумкинми?!

Мусулмонлар ва уларнинг фарзандлари оч-наҳор бўлиб турган, шаҳарлари вайрон этилган ва юртлари дунёдаги энг кўп қашшоқлар яшайдиган юртга айланган бир пайтда, ҳукмдорларнинг Уммат бойликлари ва улкан ресурсларини ҳеч бир шарт ва чекловсиз, биргина қалам ҳаракати билан совуришидан кўра каттароқ аҳмоқлик бўлиши мумкинми?!

Уммат Аллоҳдан қўрқадиган, уни ҳамда унинг бойликлари, ор-номуси ва манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳукмдорга нақадар муҳтож. Зеро, бундай ҳукмдорнинг бедорлиги ва ташвиши «Агар Фурот дарёси бўйида бирон бир туя, қўй ёки қўзининг ўлиб қолганини эшитсам, Аллоҳ бу ҳақда мендан сўрайди деб қўрқаман» деган Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه нинг бедорлиги ва ташвишидек бўлади. □

АУН АББОС БИЛАН УЧРАШДИ ВА ЛАГЕРЛАРДАГИ ҚУРОЛЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ: ЛИВАН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ БОШЛАНИШ НУҚТАСИ БЎЛМАЙДИ

Ливан президенти Жозеф Аун расмий таклиф билан Ливанга ташриф буюрган фаластинлик ҳамкасби Маҳмуд Аббос билан музокаралар ўтказди. Баабда саройида бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама муносабатлар, минтақавий ўзгаришлар, айниқса, Ғазодаги вазият, Ливандаги қочқинлар масаласи ва лагерлар барқарорлиги билан боғлиқ бир қанча мавзулар муҳокама қилинди.

Ҳар икки томондан берилган қўшма баёнотда икки халқ ўртасидаги тарихий муносабатлар мустаҳкамлиги таъкидланди ҳамда Фаластин масаласининг адолатли ва кенг қамровли ечимини қўллаб-қувватлашлари қайд этилди. Бу ечимнинг Фаластин халқи учун халқаро қонуний қарорлар асосида мустақил давлат барпо этилишини кафолатлаши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Хавфсизлик соҳасида ҳар икки томон қурол қўллаш ҳуқуқига фақат Ливан эга бўлиши тамойилига амал қилишини билдирди ҳамда қонундан ташқари ҳар қандай қуролли фаолиятга қарши эканини таъкидлади. Шунингдек, Ливан ва Фаластин расмийлари ўртасида лагерлар ичидаги барқарорликни таъминлаш учун ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Ливан ҳудуди ҳар қандай ҳарбий фаолият учун ишлатилмаслиги, шунингдек, терроризм ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида келишувга эришилди.

Фаластин раҳбарининг ушбу ташрифи нихоятда нозик бир пайтда амалга ошмоқда. Ташрифдан кўзланган асосий мақсад – Фаластин лагерларидаги қуроллар масаласини муҳокама қилишдир. Бу ташриф Ливан ҳукуматининг бутун мамлакат ҳудудида давлат суверенитетини тўлиқ тиклаш ҳамда қонуний ҳокимият назоратидан ташқаридаги қуролли фаолиятга барҳам бериш йўлидаги расмий йўналишига тўғри келади. Бу ҳаракатлар, ўтган йил охирида (Исроил) билан ўт очишни тўхтатиш битими кучга кирганидан сўнг бошланган кенгроқ жараённинг бир қисмидир.

Ал-Ваъй: Одатдагидек, қўллар Оқ уйдаги хўжайинларининг ҳамда яҳудий вужудидаги ҳомийларининг буйруқларини бажаришга шошилишмоқда. «Ягона қонуний қурол – бу давлат қуролидир» деган шиор остида Ливан давлати, бу соҳада катта тажрибага эга бўлган ва аллақачон хиёнаткорлиги билан танилган Аббос билан ҳамкорликда Ливандаги қочқинлар лагерида қолган оз сонли қаршилиқ кучлари қуролларини йўқ қилишга киришмоқда. Бундан кўзланган мақсад, яҳудий вужудига тинч уйқу, хотиржамлик ва хавфсиз ҳудудни таъминлашдир. Бу ҳаракатлар орқали Ливан ҳам яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштираётган давлатлар клубига, яъни «Иброҳим келишувлари»га қўшилишга тайёргарлик кўраётгандек кўринмоқда. □